


Tadqiqot **uz**

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
МАВЗУСИДАГИ
КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қараашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимиизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



conferences.uz

№16
2 июнь

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 16-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
2-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
16-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-2**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
16-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-2**

ТОШКЕНТ-2020

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрел 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 1466.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳдил қилинган конференцияси.

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)

8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши

Тоштемиров Отабек Абидович (Фаргона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусика ва ҳаёт

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар
Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География
Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масбулдир.

© Муаллифлар жамоаси
© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

| | |
|---|----|
| 1.Сагдуллаева Дилбар Шухратовна | |
| ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ - ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИНГ ЗАРУРИЙ БҮФИНИ СИФАТИДА..... | 9 |
| 2.Фаффарова Гулчехра Гуламжановна | |
| КОГНИТИВ ЖАРАЁНДА АУТОПОЭЗИС НАЗАРИЯСИ..... | 11 |
| 3.Ahmadjonova Dilzoda | |
| INSONPARVARLIK - XALQIMIZNING EZGU FAZILATI..... | 14 |
| 4.Karimov Zafar | |
| REPRADUKTIV SALOMATLIKNI SAQLASHDA RUHIY-FALSAFIY OMILLARNING O`RNI..... | 17 |
| 5.Sultaniyazov Madiyar Baxtiyarovich | |
| THE DIALECTIC OF NATIONAL AND UNIVERSAL PRINCIPLES OF BUILDING A DEMOCRATIC SOCIETY IN UZBEKISTAN..... | 20 |
| 6.Хайдарова Момокиз Рузибаевна | |
| ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРVARЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ҲАДИСЛАРНИНГ ЎРНИ..... | 22 |
| 7.Атакулов Мавлонбек Сайткулович | |
| ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ОДОБ-АХЛОҚ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ..... | 26 |
| 8. Маликов Турдали Тошмирзаевич | |
| ЦЕННОСТИ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕОЛОГИИ..... | 28 |
| 9.Тураев Тахир Юлдашович | |
| ОДОБ АҲЛОҚ, САҲОВАТ ҚАРАМЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ ТАРБИЯСИДА НАСР ВА НАЗМ ЖАНРИ..... | 33 |
| 10.Boltayeva Dilsora | |
| TERRORCHI TASHKIOTLARNING TELEGRAM MOBIL MESSENJERIDAN FOYDALANISHI..... | 35 |
| 11.Po'latova Sayyora Mo'minjonovna | |
| OILA - TARBIYA MASKANI..... | 37 |
| 12.To'rayeva Malohat Xusenovna | |
| MENING PEDAGOGIK FALSAFAM..... | 39 |
| 13.Toshnazarova Zumrad Xoshimjanovna | |
| AYOLLARNING JAMIYAT VA DAVLAT BOSHQARUVIDA TUTGAN O'RNI..... | 41 |
| 14.Xusanova Gulnoza Meliquziyevna | |
| SO'ZNING MOHIYATI VA AHAMIYATI..... | 43 |
| 15.Zaitova Muazzam Ibragimovna | |
| YOSHLAR DUNYOQARASHLARINI SHAKLLANTIRISHDA KITOBOXONLIK SAVODHONLIGINI RIVOJLANTIRISH MADANIYATI..... | 45 |
| 16.Biyimbetov Jaksilik Kilishbaevich | |
| PHILOSOPHICAL AND METHODOLOGICAL ANALYSIS OF THE CONCEPTS OF INFORMATION AND INFORMATION SOCIETY..... | 47 |
| 17.Болтаев Фаррух Фарходович | |
| ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ СООТНОШЕНИЯ ЯЗЫКА, МЫШЛЕНИЯ И КУЛЬТУРЫ..... | 49 |
| 18.Mambetkarimov Rinat Rustemovich | |
| PROBLEMS OF ETHICS IN THE CREATION OF IBRAYIM YUSUPOV..... | 52 |
| 19.Миракбарова Дилдора Миралишер қизи | |
| ФАРЗАНДЛАРНИНГ ҲАМ СОБИҚИ БЎЛАДИМИ?..... | 54 |

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

| | |
|---|-----|
| 20.Хайтова Олмахон Махмудовна | |
| ОНЛАЙН ДАРСЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ..... | 59 |
| 21.Р.Э. Юлдашева | |
| Сущность нравственного отклонения с точки зрения гуманитарных наук..... | 62 |
| 22.Махмудова Азиза Нутмановна, Артикова Шахида Ильясовна | |
| ПРАВА И РОЛЬ ЖЕНЩИНЫ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ..... | 67 |
| 23.Axmedova Shahnoza. | |
| AJR AYYOMI..... | 70 |
| 24.Mirzaliyeva Ozoda Xolmirzayevna | |
| BOLA TARBIYASIDA MAQOLLARNING O'RNI..... | 72 |
| 25.Меликулова Малика Абдухалиловна | |
| МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА-ИНСОННИ ХОТИРЛАШ, ҚАДРЛАШ УЛУГЛИКДИР..... | 73 |
| 26.Низомиддинов Одилжон | |
| ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ТОЛЕРАНТЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ..... | 77 |
| 27.Amonova Muhiba Botirovna | |
| TADQIQOTCHILIK FAOLIYATI.O'QITUVCHI MAHORATINI OSHIRISHDA TADQIQOTNING ROLI..... | 79 |
| 28.Avazova Malika Salayevna | |
| KITOВ O`QISHNI TASHLAMANG..... | 81 |
| 29.Axmatullayeva Azizaxon Artikaliyevna. | |
| KITOВ- MA'NAVİYAT XAZINASIDIR..... | 82 |
| 30.Abdulla Bayeshanov | |
| YOSH AVLOD VA SOG'LOM TURMUSH TARZI..... | 84 |
| 31.Бекимбетова Альбина Адильтхановна, Абдижамалов Айтмурат Пулатбаевич | |
| ПЕРИОД ПОДГОТОВКИ УЧЕНИКА В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ И 2АУЧНЫХ КОНЦЕПЦИЙ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ..... | 86 |
| 32.Sadoqat Do'stova Zavqiyevna | |
| USTOZ FARZANDIMNI SHOGIRDLIKKA OLASIZMI?..... | 88 |
| 33. G'aybullayeva Munisa Rizoqulovna | |
| OTA-ONA BILAN FARZANDLAR O'RTASIDA ILIQ MUNOSABATLAR..... | 89 |
| 34.Jonbo'tayeva Zumradxon Abdujabborovna | |
| TA'LIM SOHASIDAGI O'ZGARISHLAR VA YANGILIKLAR..... | 90 |
| 35.Jo'rayeva Gulsora Mirzaboyevna | |
| ZAMONAVIY TA'LIM-TARBIYA TARAQQIYOTINING MUHIM ASOSI..... | 92 |
| 36.Matnazarova Muhayyo Axmetjonovna | |
| O'ZBEKİSTON MILLATLARARO MUNOSABATLARNI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA HOS HUSUSIYATLARI..... | 94 |
| 37.Shamsiyeva Huriyat | |
| ADABIYOT DARSLARINI O'QITISHDA SAMARADORLIK VA INNOVATSION TEXNALOGIYALARNING AHAMIYATI..... | 96 |
| 38.Soliyeva Shaxnoza Nematjonovna | |
| "JANNATGA KON O'ZBEKİSTONIM!"..... | 98 |
| 39.Sultonova Saida | |
| EHSON VA SADAQA..... | 100 |
| 40.Sherali To'rayev | |
| INSON QALBIGA YO'L YOHUD QALB TUSHUNCHASINING ASL MOHIYATI..... | 102 |

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

| | |
|--|-----|
| 41.Urimboyeva Vasilisa Begimqulovna | |
| ILM-MA'RIFATNING BUGUNGI KUNDAGI O'RNI..... | 104 |
| 42.Xolbutayev Sharifjon | |
| INSON HAYOTIDA BAXTIYOR BO'LISHI UCHUN YARATILGAN..... | 106 |
| 43.Ziyayeva Nazira Isaqovna | |
| YOSHLAR QANCHALIK MA'NAVIY BARKAMOL BO'LSA, TURLI YOT ILLATLARGA QARSHI IMMUNITETI HAM SHUNCHA KUCHLI BO'LADI. | 108 |
| 44.Аъзамов Ином Салимжонович | |
| ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ўОЯЛАРИНИНГ - ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИ..... | 111 |
| 45.Кенжаев Журат Шухратович | |
| ОИЛА-ХАҚИҚИЙ МАЊНАВИЯТ ЎЧОЎИ, МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ ОМИЛИ ВА МУҲИТИДИР..... | 114 |
| 46.Осмонбекова Н.М, Қозоқбоев Бунёд | |
| АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УНГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИШ, ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ХОС ХУСУСИЯТДИР..... | 117 |
| 47.Рузметова Раино Кадамбоевна | |
| БОЛА ТАРБИЯСИ - МУҲИМ МАСАЛА..... | 120 |
| 48. Ш.Б.Суюнов | |
| МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА ОНА ТИЛИНИНГ ЎРНИ..... | 122 |
| 49.Халилов Фазлиддин | |
| ВИРТУАЛ ОЛАМ ТАҲДИДЛАРИ!..... | 125 |
| 50.Шарипова Наргизахон Абдуқаҳхоровна | |
| Мафкуравиий омилнинг ўқитувчилар дунёқараашлари ва қадриятлар тизимига таъсири (1946-1989 йиллар)..... | 127 |
| 51.Mahmudova Gulbahor Vohidovna | |
| FALSAFA VA HAYOT SOHASIDAGI QARASHLAR HIKMATLI DUNYO.... | 131 |
| 52.Raximova Sayyora, Norchayeva Ma'mura | |
| KITOB- INSON UMR YO'llARINI YORITUVCHI SO'NMAS NUR..... | 134 |
| 53.Shamsidinova Shahnoza Sayfullayevna, Suvanova Zumrad Abdisamad qizi | |
| YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI - BU DAVLATNING DEMOKRATIK TARAQQIYOT YO'LI..... | 136 |
| 54.Рахмонова Зилфия Рахматовна | |
| БИЛИМГА НАЗАР..... | 138 |
| 55.Зулфияхон Арипова Солижоновна | |
| ЖАМИЯТНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА..... | 140 |
| 56.Ярашова Насиба Жумаевна, | |
| АНТРОПОНИМЛАР МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ БИРЛИК СИФАТИДА..... | 144 |



ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ - ҲАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНинг ЗАРУРИЙ БЎНИ СИФАТИДА

Сагдуллаева Дилбар Шухратовна

Ф.ф.н., Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ доценти

E mail:sagdullaeva.76@mail.ru

Тел.:99 003 46 18

Аннотация. Ушбу тезисда жамият демократлашуви шароитида жамоатчилик назорати институтининг аҳамияти асосланган.

Калим сўзлар: жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти, давлат, демократия.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2018 йил 13 апрелдан кучга кирди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат органларига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигининг ошишига, улар томонидан инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга имкон беради.

Жамоатчилик назорати - давлат бошқарувини эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг асосий шарти бўлиб, аҳолининг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлайди. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари сифатида давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳукуқига эгадирлар. Бундан мақсад жамоатчиликнинг эҳтиёж ва иродаси давлат миқёсидағи ваколатларини амалга оширишнинг меъёрий механизмини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Жамият аъзоларининг эгаллаб турган мавқеларида ўз мансабларини суиистеъмол қилмай, фаолиятларига вижданан, маъсулият билан ёндошишлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг зарурлиги файласуфлар асарларида алоҳида қайд этилади. Ҳусусан, Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида ҳукмдорларнинг ҳалқ олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз бўйсунишлари зарурлигига алоҳида ургу берилган¹. Беруний эса давлат бошқарувчисига қўйидаги вазифаларни юклайди: "Бошқариш ва бошчилик қилиш бу зўравонлар томонидан жабрланган кишиларнинг ҳақ-ҳукуқларини тиклаш йўли билан фуқаро ҳаловатини таъминлаш ниятида ўз ҳаловатидан маҳрум бўлиш демакдир. Бу фуқаро оиласини, мол-мулкини, ҳаётини муҳофаза ва ҳимоя қиласман деб ўз вужудини толиқтириш, фуқаро учун жанг-жадал олиб бориш ва уни мудофаа қилиш учун зарур воситаларни ҳозирлаш ниятида жон койитиш демакдир"².



Демак, давлат раҳбари ва фуқаро ўртасидаги муносабатга ўзига хос тарзда ёндашиш масаласи бўйича файласуфлар бири бирини истисно этмайдилар. Улар наздида давлат бошқарувининг қайси шакли амал қилишидан қатъи назар давлат раҳбарлари ҳар қандай шароитда ўз фуқаролари олдидаги бурчи ва мажбуриятини бажаришга мажбурдирлар. Буюк аждодларимиз таълимотларида илгари сурилган тараққийпарвар гоялар бугунги глобаллашув даврида халқ ҳокимиятчилигининг ривожланиши шароитида давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятлари реаллашиб боришида намоён бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизни янада демократлаштириш жараёни Ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган вазифаларни тўла амалга ошириш учун жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Хўш, жамоатчилик назорати қандай амалга ошади ?

1. Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, яъни ҳар бир фуқаро давлат идорасининг ҳужжати билан бемалол танишиши мумкинлиги, фуқароларнинг мурожаатлари дарҳол кўриб чиқилиши ва уларга зудлик билан жавоб берилиши лозимлигини англатади; 2. Давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларига юбориладиган петициялар; 3. Давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг бевосита қатнашиши, асосан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти орқали амалга оширилади; 4. Давлат сиёсатига таъсир ўтказувчи илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий экспертизани амалга ошириш, таҳлилий ҳужжатлар тайёрлаш, публицистик асарлар чоп этиш, ижтимоий аудит ва бошқалар1.

Санаб ўтилган мезонларнинг ишлаши демократик давлатнинг асосий белгиси сифатида жамиятда турли иллатлар бартараф этилишининг муҳим воситаси ҳам ҳисобланади. Жамоатчилик назорати бир томондан, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат килса, иккинчи томондан, фуқароларни давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш механизми вазифасини ўтайди. Демак, жамоатчилик назоратининг амал қилиши, аввало, фуқаролик жамиятининг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат килса, ўз навбатида фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгроқ имконият ва истиқболлар пайдо бўлади. Фуқаролик жамиятининг ривожи жамоатчилик назоратисиз амалга ошмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // "Халқ сўзи" 2017 йил 8 феврал.
2. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.



КОГНИТИВ ЖАРАЁНДА АУТОПОЭЗИС НАЗАРИЯСИ

**Гулчехра Гуламжановна,
фалсафа фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети лойиҳа раҳбари,
Тел.: (90)3299367; gulchehra_3@mail.ru**

Аннотация. Дунёни мураккаблиги, содир бўлаётган тартибсизликлар, мувозанатсизликлар тадқиқи учун янги парадигма, методология, концепциялар яратилган. Шундай замонавий концепциялардан бири аутопоэзис концепциясидир. Шунинг учун мазкур мақолада билиш жараёнида аутопоэзис концепциясининг фалсафий моҳиятини ёритиб берилади.

Калим сўзлар: аутопоэзис, билим, билиш, билиши назарияси, концепция, когнитивлик, жараён.

Маълумки, ҳаёт мезонини ифода этишнинг замонавий уринишларидан бири аутопоэзис назариясидир. Ушбу назария муаллифлари чилилик нейробиологлар, Сантьяго билиш назарияси вакиллари У.Матурана ва Ф.Вареладир. Жумладан, У.Матурана ва Ф.Варела мезонларида - айнан аутопоэзис органи (ташкилоти) ҳаётни аниқлаш учун хизмат қиласди. Дарҳақиқат, аутопоэзис биологик ҳаётнинг етарли ва зарурий хусусиятига эга бўлган автономиянинг кичик шаклини ўзида акс этади.

Шуни айтиш керакки, аутопоэзис ҳамда айтопойезис, аутопоэз, аутопоэз (қадимги юононча ???ауто - ўзини, ??????? - яратиш) ишлаб чиқариш, ўз-ўзини қуриш маъносини билдиради [4]. Дарҳақиқат, аутопоэзис тушунчаси грекча таржимасида "ўзини ўзи яратиш" ёки "ўзини ўзи қайта ишлаб чиқиш" маъносини билдиради.

У.Матурана ва Ф.Варела ўз-ўзини қайта бунёд этиш тизимларнинг янги тизимли назарий парадигмасини таклиф этдилар. Улар ҳаётнинг пайдо бўлиши, жонли объектнинг жонсиздан фарқи, ҳаёт ва билиш жараёни каби муаммоларни ўргангандар. Тадқиқот натижасида улар томонидан "ўз-ўзини қайта тикловчи (барпо этиш) тизим парадигмаси"ни ишлаб чиқдилар. Ўз-ўзини қайта тикловчи тизим, компонентлар ва муносабатлардан ташкил топиб, элементларни ҳамда улар орасидаги боғланишларни фақат ўзларининг ҳаракати билан қайта ишлаб чиқаришга қодирлар, яъни операциялар, тизимнинг ўзига тааллуқли (тегишли), уни қуршаб олган дунёга эмас.

У.Матурана ва Ф.Варела ижодий ҳамкорлигига яратилган концепция дастлаб жамоатчилик қабул қилинмади. Аммо улар ўзларининг тадқиқотларини давом эттирдилар. 1980 йилларда аутопоэтик назарияси илмий жамоатчиликда қабул килинди. Хусусан, Бошқариш энциклопедиясида (2006 йил Марк Бевир таҳрири остида), Никлас Луман асарларида - ижтимоий фанлар бўйича зарур ишлов бериш ва узатишда, Кентинентал фалсафа лугати (2006, Джон Протев таҳририда), Феликс Гваттар ижтимоий фанларда аутопоэзис концепцияси адаптацияси кабилар.

Автопоэзис концепцияси муаллифлари У.Матурана ва Ф.Варела билиш жараёнининг "тайёр" ҳолатида эмас, балки дунёни яратилиши ҳаёт жараёнининг асосида шаклланишини эътироф этдилар. Яъни, "ҳар қандай фаолият билишдир, ҳар қандай билиш фаолиятдир"[2, 103]. Шу билан бирга, билишнинг "ҳеч қандай обьекти йўқ. Билиш - ўзаро индивидуал ёки кооператив таъсирлар билан боғлиқ вазиятларда ўзини адекват тарзда тутмоқдир"[2, 135].

Албатта, "билиш феноменига ташқи дунёда" қандайдир "фактлар ёки обьектлар



мавжуд ва биз уларни англаймиз ва онгимизда сақлаймиз деб ёндашиш мумкин эмас. Аммо, дунё тўғрисида олинган маълумотлар ўзига хос кўринишда (шаклда) "инсоннинг структураси билан тасдиқланади, унинг натижасида биз нарса тўғрисида билимга эга бўламиш ва уни тавсифлаш имкониятига эга бўламиш"[3, 6].

У.Матурана ва Ф.Варела концепцияси эволюцион эпистемологияга янгича қарашларни шакллантириди. У.Матурана ва Ф.Варела аутопоэзия назариясини яратишида тирик мавжудотлар метаболизмининг цикли табиати ва унинг когнитив фаолияти (билиш фаолияти) орасидаги алоқадорликни тушунишга ҳаракат қилишиди.

Ф. Варела ва У. Матурана фикрича, аутопоэзис асосида учта соҳани аниқлаш мумкин, улар борлиқ, билиш ва фаолият. Ҳаёт ўзида фаолиятни акс эттиради; олам ҳаёт жараёнида билиш учун тайёр организмни яратади. Концепциянинг асосий фояси билиш фаолият билан узвий боғлиқ ва у орқали амалга оширилади. Демак, фаолият ва билиш, ҳаёт соҳаларини аниқлаш учун тирик тизимлар асосий хусусияти сифатида аутопоэзис асосдир. Ушбу концепция маданий феномен ва ижтимоий жараёнларни тушунтириш имконини беради.

Фаолият ва билиш, ҳаёт соҳаларини аниқлаш учун тирик тизимлар асосий хусусияти сифатида аутопоэзис асосдир. Ушбу концепция маданий феномен ва ижтимоий жараёнларни тушунтириш имконини беради. Жумладан, У.Матурана ва Ф.Варела мезонларида - айнан аутопоэзия органи (ташкилоти) ҳаётни аниқлаш учун хизмат қиласи. Шундай қилиб, аутопоэзис назарияси тирик мавжудотлар репродуктивликни (кўпайиши) ҳисобга олишдаги қийинчиликлар ва дарвинизм билан боғланиш деярли йўқлигини танқид этади.

Ушбу концепция тизимили ёндашувга асосланган бўлиб, ҳаётда муҳим сифатлари бўлган мураккаб ўзини ўзи бошқариш тизимларининг назарияси ишлаб чиқилмоқда. Автотоэзис функцияси шундаки, биринчидан, доимо ўз ўзини кўпайтириш қобилияти, иккинчидан, атроф-муҳит билан боғлиқ автоном муносабатини сақлаб қолиши. Шуни айтиш керакки, автотоэз - тирик тизимларда ўз компонентларининг ўзаро таъсирлар тармоғи хусусияти орқали (тил элементи, асаб тизими, организмлар ҳужайрасига мурожаат қилиш, ўзаро фаолияти) ва янги компонентлар таълим мини бутунликда автоном сақлаш имкониятидир.

Е.Н. Князева: "Оламдаги билиш фаоллиги когнитив агентга нисбатан атроф муҳитнинг ўзини ҳам яратади, яъни когнитив агент оламдан фақат унинг когнитив қобилияти ва установкаларига айнан ва мос нарсаларни танлаб, "кесиб олади"" [1, 267], - деб таъкидлайди. Албатта, бунда билиш тушунчасини автотоэзис нуқтаи назардан таҳлил қилганда жонли тизим атроф муҳит билан доим, узлуксиз ўзаро таъсирда бўлишини ва структуравий алоқалари воситасида унда мустаҳкам илдиз отганлигини ҳисобга олиш зарур.

Шундай қилиб, когнитив агент реалликни акс эттирмайди, балки конструкциялайди, ўз оламини яратади. Тизим ўзининг изловчи фаоллигига ва когнитив имкониятларига мос келадиган оламнинг қатламини "кесиб олади". Организм учун ҳаёт - билиш жараёнида конструкцияланган оламдан бошқа олам мавжуд эмас. "Биз ўзимиз айнан нимани кўрмаётганлигимизни кўрмаймиз, биз кўрмаётган нарса эса мавжуд эмас" [3, 213], - деб хулоса қиласидар муаллифлар. Физиологик хусусиятларига кўра, тизимнинг бошқа когнитив соҳага кўчиш имконияти йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, аутотоэзис концепцияси назарий биологияни қайта тақсимлашга, шу жумладан когнитив фанлар, сунъий интеллект, оилавий психотерапия, хукуқшунослик ва социологияларга муҳим таъсир ўтказди. Дастребки



аутопоэзис биология назариясида вужудга келган бўлса, кейинчалик илмий жамоатчиликда кенг тарқалиши натижасида мураккаб тизимлар назариясининг (синергетика) ажралмас қисмига айланди [5]. Ҳозирги кунда аутопоэзис назарияси когнитив фанларда, эпистемология, социология ва бошқа ижтимоий ва гуманитар соҳаларда фойдаланилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Князева Е. Н. Кибернетические истоки конструктивистской эпистемологии / / Когнитивный подход / под.ред. акад. В. А. Лекторского. - М., 2008. - С. 267.
2. Матурана У. Биология познания. Язык и интеллект. - М., 1995. -С.103.
3. Матурана У., Варела Ф. Древо познания. Биологические корни человеческого познания. - М.: Прогресс-Традиция, 2001.
4. [4. http://ru.m.wikipedia.org/wiki/](http://ru.m.wikipedia.org/wiki/)
5. Абдулаева М.Н., Faffarova Г.Ф. Автотоэзис концепциясининг моҳияти // Замонавий фалсафанинг долзарб масалалари: назария ва амалиёт уйғулиги: Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2018. -Б.34-36.



INSONPARVARLIK - XALQIMIZNING EZGU FAZILATI

Ahmadjonova Dilzoda

Namangan shahar 57-umumiyyat ta'lif maktabi Milliy

istiqlol va ma'naviyat asoslari fani o'qituvchisi

Telefon: +998977230608

Annotatsiya: Insonning o'zini o'zi anglashi insonparvarlikning ma'naviy mezoniga vatan ravnaqni xalq farovonligi masalalari. Iymon adolat, e'tiqod tushunchalari. Yoshlar dunyoqarashlari va hatti harakatlarida inson fazilatlarining ahamiyati

Kalit so'zlar: Insonparvarlik, mehribonlik, mutafakkirlar, erkinlik, pandemiya, g'oya.

Inson - bu dunyoning azizu mukarram xilqati. Aqllilik, manaviyat insonga xos eng muhim xususiyatlar bo'lib, ular insonning tarixiy mohiyatidan kelib chiqadi. Insonning yana bir xususiyatlaridan biri bu "Insonparvarlikdir".

Insonparvarlik-insonning qadri, erkinligi, baxt-saodati, teng huquqliligi to'g'risida, insoniylikning barcha tamoyillarini yuzaga chiqarish uchun shart sharoitlar yaratib berish haqida g'amxo'rlik qilishni ifodalovchi tushuncha. Unga ko'ra, dunyoda eng qimmatli narsa insondir, butun mayjudot, borliq insonga, uning baxt-saodatiga xizmat qilishi lozim. Inson taqdiri, xalq manfaatlari, mamlakat kishilari haqida g'amxo'rlik insonparvarlikning asosiy masalasidir.

Insonparvarlik g'oyalari uzoq tarixga ega. Ular baxt-saodat va adolatga erishish orzulari tarzida qadimdan xalq og'zaki ijodida, adabiyotda, diniy va falsafiy ta'lilotlarda o'z aksini topib kelmoqda.

Sharq falsafasi va ijtimoiy tafakkurida insonparvarlik g'oyalari azaldan keng tarqalgan bo'lib, uning ko'p ming yillik tarixi bilan chambarchas bog'liq. O'rta osiyolik mutafakkirlardan Abu Nasr Forobi, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy va boshqa mutafakkirlar asarlarida insonparvarlik, inson erkinligi, uning qadr-qimmati g'oyalari olg'a surildi. Forobi insonlarning inoq va do'st yashashi, mamlakatda xalqlar uchun katta foyda keltirishini isbotlashga intilgan va tinchlikni qat'iy quvvatlab, butun faoliyatini inson xizmatiga qaratgan. Navoiy inson taqdiri, xalq manfaati, mamlakat haqida g'amxo'rlikni asosiy masala qilib qo'yan. Rahm-shafqat qilish, mehribonlik, inson farzandini o'z bag'rim deb tushunib, ularga ham o'zini ayagandek ayab qarash - bularning hammasi yurak ishidir.

Dunyodagi barcha mavjud hodisalarning sirini hech bo'lmasa yuzakiroq bolsa ham bilmaslik - bu odamgarchilikdan emas.

Odamgarchilik vazifasini ado qilish uchun mard yurak kerak. To odamlarning hammasi chinakam insonlik darajasiga yetmaguncha bu yurak ishdan toxtamasligi kerak.

"Inson manfaati-har narsadan ulug'". "Inson, uning huquq va erkinliklari hamda manfaatlari-eng oliy qadriyat". "Islohot islohot uchun emas, avvalo inson uchun, uning farovon hayoti uchun". "Hamma narsa - inson uchun, uning kelajagi uchun". "Bu muqaddas Vatanda azizdir inson"...

Biz shunday xalqmiz! Avvalo, dunyo bo'y lab tarqagan pandemiyada, so'ngra Buxoroda sodir bo'lgan tabiiy ofat va nihoyat Sirdaryodagi suv toshqini xalqimizning kimligini namoyon etdi. To'y uchun, qiz chiqazaman, o'g'il uylantiraman deb yiqqanlarini hech o'y lab o'tirmay, ikkilanmay sirdaryoliklarga berib yuboryapti. Ijtimoiy tarmoqlarda tarqalayotgan xabarlarni kuzatar ekansiz, saxovat va ko'mak tadbirlarida ishtirok etaman, hissa qo'shaman deganlarning chek-chegarasi yo?q. Savob umidida borini berishga tayyor bo'lgan xalqni yana qaydan topasiz.

O'zbekiston Respublikasi birinchi prezidenti Islom Karimov mamlakatimiz davlat



mustaqillagini qo'lga kiritishi arafasida va istiqlol yillarda izchillik bilan ilgari surgan hamda hayotimizga chuqratbiq etib kelinayotgan bunday ezgu da'vatlar va hayotbaxsh g'oyalar zamirida Inson omiliga yuksak e'tibor eng oliv mezon sifatida o'z ifodasini topgan. "Insonparvarlik - bu o'zbek xalqi milliy ruhiyatining ajralmas fazilatidir", deb ta'kidlaydi Prezidentimiz "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" kitobida.

Mamlakatimizda bugungi kunda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar, ulkan bunyodkorlik, ma'naviy sohadagi tub o'zgarishlar zamirida azaldan xalqimizga xos bo'lgan bag'rikenglik va kechirimlilik fazilatlari mujassam.

Mana shunday yangilanish jarayonlarida faol ishtirok etayotgan fuqarolarimiz bilan bir qatorda, hayot yo'llarida adashib, hozirgi vaqtida xatolaridan to'g'ri xulosa chiqargan yurtdoshlarimizga mamlakatimiz ravnaqiga hissa qo'shish uchun yana bir bor imkoniyat berish - jamiyatimizning insonparvarlik va adolat tamoyillariga uyg'un va hamohangdir.

Ma'lumki, jinoyat sodir etgan shaxs nafaqat o'zining, balki farzandlari, ota-onasi, qavmu qarindoshlarining ham kelajagi va taqdirliga ta'sir o'tkazmasdan qolmaydi. Ozodlikdan mahrum bo'lgan kishi aziz farzandlarini o'z mehridan ayirib, ota-onalarini ham ayriliq dog'iga mutbalo qiladi.

Shu sababli, xato qilgan va bugungi kunda qilmishiga chin dildan pushaymon bo'lgan shaxslarni kechirish - yuksak insonparvarlik namunasi bo'lib, u yaqin insonini izardirov va intizorlik bilan kutayotgan butun bir oilani yangidan hayotga qaytarish bilan barobardir.

Ana shu holatlarni inobatga olib, bugun O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev muborak Ramazon hayitini nishonlash arafasida davlatimiz gumanistik siyosatining hamda xalqimizga xos ezgulik va mehr-oqibat, kechirimli bo'lish kabi olijanob fazilatlarning amaliy tasdig'i sifatida "Jazo muddatini o'tayotgan, qilmishiga chin ko'ngildan pushaymon bo'lgan va tuzalish yo'liga kat'iy o'tgan bir guruh shaxslarni afv etish to'g'risida"gi Farmonni imzoladi.

Mazkur insonparvarlik akti - davlatimizning har qanday holatda ham fuqarolar uchun g'amxo'rligining yorqin misolidir.

K'hna tarix O'zbek xalqining insonparvarlik xislatini juda ko'p sinovdan o'tkazgan. Bu o'rinda birgina ikkinchi jahon urushi (1939-1945-y.) yillarini eslash kifoya. Mashhur "SEN YETIM EMASSAN" filmini barchamiz ko'rganmiz. o'n to'rtta yetim bolani oq yuvib, oq taragan film qahramonlari hayotda ham oddiy temirchilar oilasi edi. o'zbek xalqi ularning barchasiga uyining va qalbining to'ridan joy berdi. o'zbek bolalariga yetmayotgan nonidan ushatib, ularga tutdi, shuncha insonning hayotini saqlab qoldi. Bir so'z bilan aytganda buni biz insonparvarlik- xalqimizga xos ezgu fazilat deyishimiz mumkin.

Bugungi erkin va ozod, tinch va osuda hayotimiz qadrini, mustaqillik bergen imkoniyatlarni chuqratbiq anglashda, inson manfaatlari ustuvorligini ta'minlash - barcha islohot va o'zgarishlarning bosh maqsadidir. Bu ezgu g'oyani hayotimizga keng joriy etishda, yosh avlodni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalashda davlatimiz rahbarining kuchi va ta'siri g'oyat beqiyos ekanini alohida qayd etish zarur.

Xalqimizning asriy qadriyatları, millatimizning ulug' fazilatlari sirasiga kiradigan, yuksak insoniy tuyg'ularni ifodalaydigan "Xotira va Qadrlash" degan muqaddas kalom va ezgu tushunchalarni olaylik. Bu tushunchalar aynan mustaqillik sharofati bilan qayta tiklandi, lug'atimizdan muqim joy oldi, mazmunan yanada boyidi. Ular zamiridagi inson botiniy dunyosiga daxldor olijanob tuyg'ularning mohiyati va ahamiyati g'oyat teranlashdi. Shu o'rinda ulug' bobokalonimiz A.Navoyning insonsonparvarlik to'g'risidagi misralarini lozim deb topdim.

Na'fing agar xalqqa beshak erur,
Balki bu naf o'zingga ko'prak erur.

Xulosa qilib aytish joizki, bag'rikenglik, o'zgalar dardiga sherik bo'lib, ularga shafqat ko'rsatishdek insonparvarlik tuyg'ulari xalqimiz tabiatiga azaldan xosdir. Inson odamlarni



sevishi kerak. Agar u odamlarni sevsan, yashashi oson bo'ladi, quvnoqroqroq yashaydi, chunki jahonda hech kim odamovilardek miskin umr kechirmaydi. Demak, yurtimizning bugungi va ertangi kuni qanday bo'lishi bizning, yoshlarning qanday bo'lishiga bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag?asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. - T.: O'zbekiston, 1997.

Mirziyoyev Sh.M. Niyati ulug' xalqning ishi xam ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon b?ladi.-T.: O'zbekiston, 2019

Karimov I.A. Milliy istilol maskurasi-xalq e'tiqodi va buyuk keljakka ishonchdir. -T.: O'zbekiston, 2000.

Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. -T.: Ma'naviyat, 2008

Navoiy va adabiy ta?sir masalari.T., 1968,



REPRADUKTIV SALOMATLIKNI SAQLASHDA RUHIY-FALSAFIY OMILLARNING O'RNI

Karimov Zafar

Urganch davlat universiteti tadqiqotchisi

Tel: +998939227097

zafarbek.karimov.88@mail.ru

Anotatsiya: Ushbu maqolada sog'lom turmush tarzi, eng avvalo, uning kishilar yaxlit hayotiy faoliyati bilan uzyiy bog'liq holda namoyon bo'lishi, kishilar xulq- atvoridagi rang - baranglikning mohiyati, uni faol o'zlashtirishning ijtimoiy tabiatini ifodalanishi, shu bilan birga uni o'zgartirish shakli, usullari haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: reproduktiv salomatlik, inson psixologiyasi, melatonin.

Xalq, millat mavjudligining asosi sog'lom avlod va sog'lom turmush tarzi bilan bog'liqligi isbot talab qilmas haqiqatdir. Biroq keyingi yillarda, ayniqsa texnogen va ekologik muhitning global miqyosda buzilishi xalq, millat salomatligiga, hatto genoti piga salbiy ta'sir ko'rsatayotgani kuzatilmoqda. Mutaxasislarning hisob-kitoblariga ko'ra, bugun sog'lom odamlar 15 foizni, bemorlar 15 foizni, yarim sog'lom odamlar 70 foizni tashkil etadi. Yarim sog'lom odamlarning ko'pchiligi noto'g'ri ovqatlanish, atrof muhitning ifloslanishi va ruhiy-asabiy zo'riqish (stress) bilan bog'liqdir. [1.1] Agar reproduktiv salomatlik tushunchasining ta'rifiga e'tibor beradigan bo'lsak jismoniy sog'lomlik bilan birga ma'naviy tarbiya, tibbiy madaniyatli va bilimli bo'lish ham muhim ro'l o'ynaydi. Albatta bular insonning ruhiy holatiga ham ta'sir qilmay qolmaydi. Bugungi kunda ruhiy salomatlik bilan bog'liq muammolar yurak-qon tomir va saraton kasalliklari, shuningdek, erta o'lim xavfini oshirishi hech kimga sir emas. Ushbu oddiy, ammo samarali maslahatlardan foydalanib, psixologik holatingizni yaxshilashga harakat qiling va bu orqali tanangizning reproduktiv salomatligi bir maromda ushlang.

Birinchi navzbatda kutish jadvaliga rioya qiling. Uyquning buzilishi nafaqat sog'liqning holatiga, balki ruhiy salomatlikka ham bevosita ta'sir qiladi. Uzoq vaqt davomida uyqu muammolari bo'lgan odamlarda ruhiy holatning buzilish ehtimoli ko'proq. Nima uchun bu sodir bo'ladi? Uyqusizlik paytida bezovtalanayotganda juda muhim gormon melatonin ishlab chiqarilmaydi. Melatonin etishmovchiligi quyidagilarga yordam berishi mumkin: depressiya va xotira buzilishining rivojlanishi, uyqusiz uyqu va erta uyg'onish, diqqatning pasayishi, charchoqning kuchayishi. [2.1] Shuni ta'kidlash kerakki, melatonin vazn yo'qotish va yoshlikni saqlab qolish uchun javobgardir. Siz qayta ko'rib chiqishingiz kerak sizning uyqu jadvalingiz.

Birinchidan, uxlash vaqt 7-8 soat bo'lishi kerak. Ikkinchidan, o'zingizni har kuni bir vaqtning o'zida yotishga o'rgatishingiz kerak. Melatonin ishlab chiqarilishi uchun kechasi 12 dan oldin uxbab qolish kerak. Shu vaqtidan boshlab gormon sintezi sodir bo'ladi. Engil yorug'lik oqimi melatonin sintezini buzishi mumkinligini bilish muhimdir.

Ikkinci navbatda barcha kasalliklarda sog'lom ovqatlanish. Ko'pchiligidan sog'lom ovqatlanish jismoniy sog'liq uchun foydali ekanligini bilamiz. U tana vaznini boshqarishga qodir, ammo shu bilan birga ko'plab kasalliklar, shu jumladan semirib ketish, yurak-qon tomir kasalliklari, diabet va hatto xavfli o'smalarni rivojlanish xavfini kamaytiradi. Shu bilan birga, inson miyasi ham to'g'ri ishlashi va inson tanasidagi boshqa tizimlarning ishlashini nazorat qilish uchun ozuqa moddalarining to'plamiga muhtoj. Ruhiy salomatlikni sezilarli darajada buzadigan bir qator oziq-ovqatlar mavjud, masalan: shakar, ozuqa qo'shimechalar, ortiqcha kofein, spirtli ichimliklarni iste'mol qilish.

Uchunchidan tana va ong uchun jismoniy faollik. Jismoniy faollik sog'liqning barcha



jihatlari, shu jumladan ruhiy farovonlik uchun juda muhimdir. Shuning uchun sport uchun kuniga kamida 20 daqiqa ajratish tavsija etiladi. Bunday holda, yugurish yo'lida uzoq va zerikarli yugurish bilan o'zingizni toliqtira olmaysiz. Tabiatda vaqt o'tishi yaxshi ruhiy holatni ham ta'minlaydi. Yurish jismoniy faoliyatning eng qulay shakli bo'lib, u tabiat va do'stlar bilan muloqotda stressning salbiy ta'sirini kamaytirishga yordam beradi. Shuni ta'kidlash kerakki, o'tiradigan turmush tarzi (ofisda va uyda) ruhiy salomatlikka salbiy ta'sir qiladi.

To'rtinchidan tana va ong signallarini tinglang. Inson tanasi noyob o'zini davolaydigan va o'zini tozalash tizimidir. Kiruvchi va zararli ta'sirlarni qayd etadigan ko'plab "sensorlar" mavjud. Tana biron bir narsani o'zgartirish zarurligini ogohlantirganda, ko'p usullar mavjud. Inson tanasi aqli, bizni har kuni biror narsadan qutqarishga harakat qiladi. Shuning uchun bunday signallarni tinglash kerak. Meditatsiya va yoga amaliyoti bunga qaratilgan, har kuni sinab ko'ring!

Beshinchidan minnatdor bo'ling! Minnatdorchilik bu shifobaxsh iksirga o'xshash tuyg'u. Biror kishi biron bir yorqin narsani sezishni boshlaganda, hayot yorqin ranglar bilan gullaydi. Doimiy tushunish va minnatdorchilik bildirish (har kimga, hatto mushukingizga yoki yaxshi ob-havoga) kayfiyatingiz va farovonligingizni yaxshilaydi.

Oltinchidan miyangizni oziqlantiring: o'rganishda davom eting. O'rganish miyani yaxshi holatda saqlashga yordam beradi va Altsgeymer kasalligi rivojlanish xavfini kamaytiradi. Chet tillarini o'rganish yoki boshqa oliy ma'lumot olish shart emas. Jarayonning o'zi juda muhim: ko'nikmalarni rivojlantirish uchun professional adabiyotlarni o'qing. Pishirish darslariga boring. Badiiy va badiiy kitoblarni o'qing. Trikotajning yangi naqshlarini o'rganing yoki original hunarmandchilik qiling. Asosiy qoida - yangilikka intilish.

Yettinchidan hech qachon maydonchadan tushmang. O'tmishni va nima sodir bo'lganligini va hech qachon bo'lmasligi mumkin bo'lgan narsalarni o'yamasdan, hozirgi paytda yashash ruhiy salomatlik uchun juda muhimdir. Siz hozirgi paytda yashashni, o'zingizni va tanangizni his qilishni o'rganishingiz kerak. Ba'zi odamlar bu davlatni xabardorlik deb atashadi. Bu sizning atrofingizda va yoningizda nima bo'layotganini aniq bilishingiz shartidir. Bir qarashda, bu juda sodda ko'rindi, lekin aslida diqqat va murosasiz halollikni talab qiladi.

Masalan, nima uchun g'azablanganingizni tushuning: kimdir idishlarni yana yuvmagani uchun emas, balki ishda muvaffaqiyatsizlikka uchraganiningiz uchun ertalabdan bezovta bo'lganiningiz uchun. Va endi siz g'azabni olib tashlash uchun bahona izlayapsiz.

Sakkizinchidan sizni baxtli qiladigan narsani tanlang! Hayotingizda qanday baxtli va yoqimli kechinmalar bo'lsa, umumiy ahvolingiz shunchalik yaxshi bo'ladi. Haftalik tartibda o'zingizni baxtli his qilish uchun etarli sabablarga ega bo'lish muhimdir. Odamlar va salbiy his-tuyg'ularni keltirib chiqaradigan vaziyatlar bilan aloqa qilishni rad etishni o'rganing. Yodingizda bo'lsin, sizni baxtli qiladigan narsa bu sizning zaxirangiz, bu stressga va hayotdagi to'siqlarga qarshilikni kuchaytiradi. Har kuni bu kichik tanlovlarni qilishni unutmaslik juda muhimdir. O'zingizni salbiylikdan himoya qilishni va hayotingizga ijobiylar baxtli onlarni keltirishni o'rganing.

To'qqizinchidan gadgetlar va ma'lumotlardan tanaffus qiling. Barcha elektron qurilmalaringiz va Internetdan tanaffus oling. Bir kun davomida smartfoningizni uyda qoldiring, ogohlantirishlarni o'chiring va sizni chalg'itadigan har qanday narsa. Jonli suhbatga vaqt ajrating, oila yoki do'stlar bilan qiziqadigan narsaga ega bo'ling. Buni bir marta qilsangiz, darhol boshingiz qanday ravshanlashayotganini his qilasiz.

O'ninchidan vaqtini tabiatga bag'ishlang! Ko'p odamlar bu arzimas tavsiyalarni berishadi, biz allaqachon hamma narsadan charchaganmiz, shuning uchun biz ushbu tavsiyani yangi burchakdan yoritmoqchimiz. Harakatlanuvchi tabiiy ob'ektlarni (shamolda daraxtlarning tojlari, oqayotgan suv, bulutlar va boshqalar) kuzatish odamni tananing



barcha qo'llab-quvvatlovchi tizimlari, shu jumladan aqliy faoliyati uchun foydali bo'lgan sayoz transga olib keladi. Bundan tashqari, uy o'simliklari yoki sabzavot bog'i bo'lgan odamlar kamroq stressga duch kelishadi. Toza havo, yangi taassurotlar va ko'zlar uchun dam olish ham foydali "sotib olish" dir, buning uchun hech qanday maxsus narsa kerak emas. Tabiatga yaqinroq bo'ling!

Foydalaniman adabiyotlar ro'yxati!

1.1 Qarang. Smotrov YU. Xavf bo'sag'asida. Salomatligingiz o'z qo'lingizda.- Toshkent:
"SHarq", 2011. 6 b

2.1 www.emergency-live.com. Inson ruhiyatining salomatlik bilan bog'liqligi



THE DIALECTIC OF NATIONAL AND UNIVERSAL PRINCIPLES OF BUILDING A DEMOCRATIC SOCIETY IN UZBEKISTAN

Sultaniyazov Madiyar Baxtiyarovich
Assistant of Karakalpak State University
Phone +998 (99) 682 27 47

Annotation. The article reflects the specifics of building a democratic society in Uzbekistan, which is mainly presented as a basis for the holistic development of national and universal principles, and provides a comprehensive analysis.

Keywords. democracy, social relations, national principles, universal principles, interethnic harmony, religious tolerance.

After gaining its independence, the people of Uzbekistan, like the majority of the world's population, set themselves the goal of building a democratic society based on a socially oriented market economy. Naturally, in the formation of such a society, first of all, it should be borne in mind that the specific national principles of development of Uzbekistan are combined with the universal principles prevailing in the world. They cover the material and spiritual aspects of their work. In the transition to a market economy, our state has chosen a democratic path, taking into account the peculiarities of our people, the rich historical traditions of our people, their unique way of thinking.

As we all know, Uzbekistan is a multinational state. It is home to more than 130 nations and ethnic groups. That is why the ideas of interethnic harmony and tolerance are one of the important aspects of building a democratic society. It is also impossible to ignore the formation of a certain social consciousness of people who have certain values in building a democratic society. For more than 130 years before independence, our people have become alienated from their national, cultural and material wealth. It was completely cut off from the world community. Therefore, it is expedient to take this situation into account in the integration of Uzbekistan with the world community. In building a democratic society, our state has put forward nationalism on the one hand, and universalism on the other. In other words, their dialectical integrity was ensured. The Constitution of the Republic of Uzbekistan is also a shining example of universal and national principles.

National and universal principles include legal, religious and moral principles that are important aspects of the development of a society. It should be based on the principles of human interests, human relations, respect and justice. In addition, the ideas of interethnic harmony and tolerance are important in building a democratic society. Interethnic harmony strikes at the idea of chauvinism among the people. The idea of interethnic harmony is enshrined in the 1948 Declaration of Human Rights, which sets out its legal basis. In building a democratic society, first of all, human interests must be reflected in the law.

After all, national values are not only one of the spiritual foundations that strengthen the independence of our country, but also the main source of building a democratic, just, legal state and civil society. In fact, national values are inextricably linked with the history, way of life, future of the nation, the social strata that make it up, the national consciousness, language, spirituality and culture. The national values of the peoples of Central Asia, inherited from centuries, have been formed in a long historical process and have undergone many severe tests.

In short, values are material and spiritual values that are formed and developed in the process of historical development of society, have a positive impact on social development



in the past, present and future, are absorbed into the minds of people and acquire social significance. In this sense, historical experience, the inheritance of traditions - all of these must become values that nurture new generations. If it is harmonized with national and universal democratic principles, then its role in the development of society will be of special importance.

List of used literature:

1. Mo'minov A.R., Tillabaev M.A., Inson huquqlari (darslik). Toshkent - 2013.
315-b
2. Mustaqillik izohli ilmiy-ommabop lug'ati. - T.: "Sharq", 1998, 141 b.



ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА ҲАДИСЛАРНИНГ ЎРНИ.

Хайдарова Момокиз Рузибаевна
Тошкент давлат техника университети
Термиз филиали асистенти
Телефон+998912302190

Аннотация: мазкур мақолада муҳаддислар томонидан яратилган ҳадислар тадқиқ этилиб, юртимиизда етишиб чиққан буюк муҳаддисларнинг хусусан И мом ат-Термизий асарларининг ёшларимиз ҳаётидаги аҳамияти ва ўрни тўғрисидаги ҳадисларига шарҳлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Муҳаддислар, И мом Бухорийнинг "Ал-Жоме ас-Сахих", И мом ат-Термизий "Сунан" китоби, педагогика, ҳадисларнинг, тарбиявий аҳамияти ва ёшларнинг камолотга эришиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар.

Юртимиизда яшаб ижод этган буюк аллома мутафаккирларнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини тадбиқ қилиш, улар қолдирган асарларни илмий-изоҳли таржима қилиб, оммалаштириш ҳамда хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаб, халқимизга етказиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларига айланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: "Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга кўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равищда мусулмон оламида "муҳаддислар сultonи" дея улкан шуҳрат қозонган И мом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилага оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишонарли ҳадислар тўплами- "Ал-Жоме ас-Сахих" китоби мусулмон оламида Куръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб аҳли ислом эътиқодига кўра, башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қўлида иймон нури билан мунаварр этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда".

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига қилган ташрифи И мом Бухорий ёдгорлик мажмуаси қошида халқаро-тадқиқот марказини қуриш таклифини билдириб шундай деган эди: " Буюк мутафаккир бобомиз, барча муҳаддислар пешвоси И мом Бухорий мангу қўним топган ушбу масканда ўзига хос маънавий-рухий муҳит мавжуд. Мажмуага келганлар бу марказга кириб, ўзига катта озуқа олсин, боболаримиз ҳикматларидан ўрганиб кетсин. Шунда уларнинг қалбида улуғ аждодларимиз билан фаҳрланиш туйғуси ривож топади айни пайтда шундай буюк зотларнинг авлоди масъулиятни ҳис этади".

Ҳадис илмининг ривожида олтин давр ҳисобланган хижрий учинчи(милодий тўққизинчи) асрда ҳадисшуносликда катта мувваффақиятлар қўлга киритилган. Чунончи, бутун ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтига ишонарли ҳадислар тўпламининг муаллифлари яшаб ижод этган.

Яна шуниси диккатга сазоворки, мазкур, олти муҳаддиснинг деярли хаммаси Марказий Осиёлик бўлиб, улар: Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исломил ал-Бухорий, И мом Муслим ибн ал-Халлож (206/819 - 261/874), Абу Мухаммад ибн Исо ат-Термизий (209/ 824 - 279/892), И мом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (202/817 - 275/880), И мом Ахмад Ан-Насойи (215/830 - 303/915), И мом Абу Абдуллоҳ



Мухаммад ибн Язид ибн Можжа (209/824 - 273/886) каби сиймолардир. Муҳаддислар ичидан "Хадис илмида амир ал-муминийн" деган шарафли номга сазавор бўлган киши Имом ал-Бухорийдир.

Термизлик машхур муҳаддис Абу Мухаммад ибн Исо ат-Термизий Имом ал-Бухорийга ҳам шогирд, уларнинг ўзаро муносабатлари ибратли бўлган. Имом ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви Нишопурда юз бериб, диёримиздан чиққан икки машхур муҳаддис ўртасида унитилмас, қизғин баҳслар, кўпдан-кўп ижодий, дўстона учрашувлар бўлиб ўтади. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга Имом ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: "Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ", дебунга нисбатан чуқур ҳурматини билдирган. Ат-Термизий ўз устози ва сафдоши бўлган ал-Бухорийни бутун умри давомида ҳурматлаб, унга самимий садоқатда бўлган.

Бундан ташқари имом Муслим, имом Абу Давуд, Қутайба ибн Саъийд, Исҳоқ, ибн Мусо, Маҳмуд ибн Файлонлар каби машхур муҳаддислар ҳам ат-Термизийга устозлик қилган. Манбаларда ёзишича, ҳадисларни тўплашда ва ўрганишда ат-Термизий ҳар бир қулай фурсатдан унумли фойдаланган. У йўлда, сафарда бўлганда ҳам ёки бир жойда муқим турганда ҳам ўз устозларидан, учратган ровийларидан эшитган ҳадисларни дарҳол ёзиб олиб, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борган.

Ат-Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, "Ал-жомиъ" бўлиб, пайғамбар алайҳиссаломга доир олтига ишончли ҳадислар тўпламларидан биридир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда "Ал-жомиъ ал-қабир" ("Катта тўплам"), "Ал-жомиъ ас-саҳиъ" ("Ишончли тўплам"), "Жомиъ ат-Термизий" ("Термизий тўплами"), "Сунанат-Термизий" ("Термизий суннатлари") номи билан ҳам аталиб, пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим манбалардан ҳисобланади.

Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзиб қолдирилган асарларда ўз ифодасини топган ҳадислар ҳам Имом ал-Бухорий томонидан баён этилган ҳадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, муруватлилик, меҳр-шавқат, ёши катталар, ота-она ва қариндошларга ҳурматояларини илгари суриш хусусиятига кўра шахс таълими ва тарбиясини ташкил этишда катта аҳамиятга эга.

Ҳадисларда инсоннинг камолотга эришиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар ифода этилган бўлиб, ушбу фазилатлар сирасига ўзгаларга меҳроқибат кўрсатиш, сахийлик, очиққўнгиллик, ота-она, катталар ва қариндошларга нисбатан муруватли бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш, ватанга мухабbat, меҳнат ва қасб-хунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, дўстлик, олийжаноблик, раҳм-шафқатлилик, камтарлик, ростгўйлик ва виждонлилик каби хислатлар киритилади. Бундан ташқари, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тишиши, яхшилик сари интилиши кераклиги борасидаги панд-насиҳатлар ҳам ўз аксини топганки, буларнинг барчаси Қуръони Каримда қайд этилган кўрсатмаларга асосланилган ва комил инсонни шакллантиришда асосий меъзон бўлиб хизмат қиласи.

Имом ат-Термизий "Сунан" китобида таълим-тарбия, ахлоқ-одобга оид фикрларини ифодалайди. Унинг таъкидлашича: "Оллоҳ назарида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишиларга айтилади. Оллоҳ наздида энг яхши кўшни ўз кўшниларига яхшилик қилгувчисидир", "Одамларга шукр айтмайдиган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди".

Имом ат-Термизий хайриҳохликни улуғлайди. Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этиш ва зулмдан қайтариш ҳам садақа эканлигини айтади Унинг айтишича,



"Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам садақа", "Ҳатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам - сенинг садақанг", "Ерда халақит бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг ҳам - садака", дейди у.

Имом ат-Термизий педагогик таълимотида раҳм-шафқатлилик, хушмуомалалик, камтарлик улуғ инсоний фазилат ҳисобланади. Алломанинг ҳадисларида сабр-тоқатлилик, ахлок,-одоб, болаларни марҳумларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳам алоҳида ўринда туради. Имом ат-Термизий ҳадисларида одамларни аҳил бўлишга, кулчиликка, жамоага фойда, наф келтиришга, дўстлик ва биродарликка даъват этилади: "Кимда-ким бир кўчат ўтказса, ё бўлмаса кўчат экса-ю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса - бу ҳам ўша одам учун садақа саналади";

"Барча мусулмонлар ўзаро биродардурлар. Улар ҳеч қачон бир- бирлари га ёмонликни право кўрмасликлари керак. Кимда-ким ўзининг мусулмон биродарига ёрдам қиласа, охиратда Оллоҳ унга ёрдам қиласи. Кимда-ким ўз биродари ҳожатини енгиллатса, Оллоҳҳам унинг охиратини енгил қиласи"

Ҳадисларда инсон маънавий камолотининг меъзони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, илмий билимларни қай даражада эгаллаганлиги, ўз билими билан атрофдагила ва жамиятга фойда келтиргувчи шахс бўлиб этишишида муҳим омиллар дея кўрсатилади. "Толиби илм қилиш фарзdir. Толиби илмга ҳар бир нарса истигфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам". Билимсизлик кишиларнинг нодонлигига заминҳозирлаши, илмси жамиятда эса жаҳолат ҳамда разолатнинг ҳукмронлик қилиши алоҳида таъкидлаб кўрсатилади "Илм ўрганмоқ ва ўргатмоқнинг фазилати" борасидаги ҳадис (21-боб) да илм ўрганиш кўп ёқсан ёмғирга қиёсланади.

Исломда икки хил илм ҳакида сўз юритилади: бири ҳуқуқий (фикх), диний йўл-йўриқлар тўғрисидаги илм бўлса, иккинчиси дунёвий илмлардир. Ҳар икки турдаги билимларни чуқур эгаллаш ва уларга қатъий амал қилиш ҳар бир мўмин учун фарз ҳисобланади. "Илмнинг офати унтушишdir. Уни ноаҳил кишига гапириш эса уни зое қилишdir" мазмунидаги ҳадис орқали ўзлаштирилган илмни такрорлаб бориш, фақат чуқур ва пухта билимларгагина эга бўлган кишиларнинг атрофдагиларга илм беришининг мақбул эканлигига ургу берилади. Шунингдек, ҳадисларда илмнинг кишиларни фаҳм-фаросатли, ўткир зеҳнли, зукко ҳамда хотирани кучли қилишдаги аҳамияти ҳам таъкидланади ва "Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар", -дея даъват этилади. "Олим бўл, илм берувчи бўл ёки илм ўргатувчи бўл ёки тингловчи бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан" мазмунини илгари сурувчи ҳадиснинг баён этилиши орқали ҳам илмли бўлиш инсонни фалокат ва унинг ёмон оқибатларидан сақловчи омил эканлигига ургу берилади (41-ҳадис).

Бир қатор ҳадисларда илмнинг ибодатдан устун эканлиги кўрсатиб ўтилади. Хусусан, "Илм ибодатдан афзал ва у тақво динининг устунидир" (268-ҳадис). Бироқ илмнинг манфаатсиз ҳолда сарфлашдан сақланиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтилади ва илм аҳлини ана шунга даъват этилади (173-ҳадис), ҳақиқий комил инсоннинг билимга бой, хушхулқ, соғлом бўлиши (182-ҳадис), уни фақат фойдали ишлар ва инсонларнинг фаровон ҳаёт кечиришларийўлида сарф этиш кераклиги ҳам уқтирилади: "Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расуллоҳ саллаллоҳу алайхи-вассаламнинг сахобалари ёшлари улгайганда ҳам илм ўргангандар. Расуллоҳ саллаллоҳу алайхи-васаллам: икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эмас, бири-кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берса-ю, уни хақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси-кишига



Оллоҳ таоло илму хикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, хукм сўраётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса", - дейдилар".

Маълумки, ислом таълимотида энг юксак хислатлардан бири сифатида отонага ғамхўрлик, уларни эъзозлаш, ота-она хаққини ўз ўрнига қўйиш, фарзанднинг улар олдидаги ҳаққи борасидаги масалаларнинг ёритилигига алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир инсон қилган эзгу амаллари ва одоб-ахлоқи билан яхши ном қолдиради.

Демак, Ҳадислар Мухаммад пайғамбаримизнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўминнинг ишончи, эътиқодини мустаҳкамлайди, шу билан инсонни маънавий камолотга етаклади. "Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний жиҳатдан камолга етказишга оид эътиқод ва иймондан иборат бўлиб, фақат эзгуликка хизмат қилиш, олийжаноб бўлиш, покиза юриш, бир бурда луқмани ҳалол қилиб ейиш, жаҳолат ва жаҳолатпарастликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош-уругларининг, миллатининг ва ватанининг қадриятларини асраршдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ислом Каримов. "Маърифат" газетаси. 24 октябрь 1998.
2. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараккиётидан лавхалар. Тошкент. "Фан", 1996,
3. "Маънавият юлдузлари" (Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, Тошкент, 1999
4. Мухаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. - Тошкент, Камалак, 1991, 60-бет.



ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ОДОБ-АХЛОҚ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ.

Атакулов Мавлонбек Сайткулович

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника

университети Термиз филиали ўқитувчisi

+99897-774-37-96

worldstudent@mail.ru

Аннотация: Тезисда Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ ва тарбия масаласидаги қарашлари, ўз замонасига хос бўлган фикрлари мужассамлашган. Фалсафий тафаккур тараққиётида ахлоқ ва тарбия масаласида хар бир миллатнинг ўз қарашлари борлиги яққол намоён бўлмоқда.

Калим сўзлар: маънавий камолот, ҳушфеллик, тарбия, одоб-ахлоқ

Истиқдол йилларида мамлакатимизда буюк аждодларимизнинг азиз номларини қайта тиклаш, улардан қолган меросни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш йулида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу эса халқимизнинг ўчмас қадриятларга, буюк аждодларимиз қолдирган илмий адабий меросга бўлган юксак ҳурмат-эътиборининг ёрқин тимсолидир. Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, маънавий камолоти ва одоб-ахлоқи каби масалаларга ҳам бошқа соҳаларга эътибор берилгани сингари жиддий қаралди. Дунёдаги барча мавжуд динларнинг муқаддас китобларида таъкидланганидек, ислом динида ҳам инсоннинг энг гўзал ҳислати бу унинг одоб-ахлоқ ва ҳушфеллиги эканлиги айтиб ўтилган. Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқли жиҳати албатта унинг юксак ақли ва гўзал одобидир. Барча даврларда бўлгани каби ёшлар тарбияси ва ахлоқи долзарб масала бўлиб келган. Шу ҳусусида "Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала - бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ хис этадиган ким - ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаби билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унитмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундан турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз ? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан", дея таъкидлаган президентимиз Ш. Мирзиёев.

Таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия жараёнида аждодларимиз яратган бебаҳо маънавий меросдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. IX-XII асрлар Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган тарбиявий қадриятлар, ёш авлодни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Ўрта асрлар, фалсафий тафаккур тараққиётiga улкан хисса қўшган мутафаккир Абу Наср Фаробий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг таълимоти тарбия ва одоб ахлоқ масаласида аҳамияти каттадир. Абу Наср Фаробий таълим-тарбияга бағишлиланган асарларида тарбиянинг инсон ҳаётида муҳимлиги, тарбия жиҳатлари ва усулларига алоҳида эътибор қаратган. Фаробий таълимга ҳамда тарбияга биринчилардан бўлиб таъриф берган аллома ҳисобланади. Фаробийнинг "Фозил одамлар шаҳри", "Баҳт саодатга эришув тўғрисида", "Илмларнинг келиб чиқиши", "Ақл маънолари тўғрисида" каби асарлари асосан таълим, тарбия ва одоб-ахлоқ масалаларига йуғрилган. Машхур мутафаккирлардан бири Абу Райхон Беруний инсон камолатида ахлоқий тарбиянинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Берунийнинг ахлоқ ва тарбия масалаларига бағишлиланган "Қадимги халқлардан қолган



ёдгорликлар", "Ҳиндистон", "Минералогия", "Китоб ас-Сайдана", "ал-Қонуни ал-Масъудий ", "Гиодезия" ва бошқа асарларида кўришимиз мумкин. Беруний ахлоқий тарбияга ислом дини талабларидан келиб чиққан холда ёндошган ва таъриф берган. Ўрта Осиё алломаларининг таълим тарбияга оид қарашларида маънавий қадриятларга бўлган эътибор асосий ўринда туради. Бу билвосита инсон камолоти шакллантиришга омил бўла оладиган ҳодисадир. Мутафаккир ва тиб илмининг устози Абу Али Ибн Сино фикрича тарбия ва одоб - ахлоқ хусусида ўз фикрларини баён қилган. Ибн Сино ёшларга ақлий ва ахлоқий тарбия беришда хунар ўргатиш муҳим эканлиги назарда тутади. Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида тарбия масаласи муҳим ўрин тутади. Асосан улар оиласда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор беришган. Зоро ёш авлод тарбияси инсониятнинг келажак тақдирини белгилайдиган, уларни ижобий жиҳат билан қуроллантирадиган ҳодисалар бўлганлиги туфайли ҳам алломаларимиз бу масалани ҳал қилишга ҳаракат қилиб келганлар.

Шарқ мутафаккирлари асарларидағи фикрлар теранлиги, маъносининг чуқурлиги, фарзанд таълим-тарбияси, инсон ҳаёти манфаатларига яқинлиги билан барча давр ва жамият учун муҳим дидактик қимматга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. Ташкент: Фан, 1967. - 332с.
2. Аль-Фараби и развитие восточной философии. Астана, 2005. 301с
3. Ziyonet.uz



ЦЕННОСТИ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕОЛОГИИ.

Маликов Турдали Тошмирзаевич
доцент Наманганского инженерно-технологического
института, кандидат философских наук.
+99897 777 26 22
malikov.turdali@mail.ru

Аннотация

Значение духовной культуры является ключевым фактором формирования и развития национальной идеологии. В этой научной статье утверждается, что духовная культура является ценностью, что духовность и культура взаимосвязаны и неразделимы. Кроме того, научно и философски исследована роль и влияние духовной культуры в развитии национальной идеологии. Содержание освещается через концепцию аксиологии, которая является ценостной философией. Научные исследования проводились с помощью таких понятий, как аксиология, оценка ценности, ценностный подход, нравственное качество духовного человека.

Ключевые слова: национальная идеология, философия ценностей, национальная идея, аксиология, духовное наследие, духовная культура, индивидуальная духовность, социальные ценности, социальная культура, отношения человека и общества, человеческие качества.

Ценность - это объективная значимость многообразных компонентов действительности, содержание которой определяется потребностями и интересами общественных субъектов. Понятие ценность по смыслу очень близко к таким понятиям как "потребность", "интерес", "благо", "полезность", но к ним не сводится и имеет свое собственное самостоятельное значение. Ценостная оценка духовности есть как бы критерий степени развития духовности человека и его культуры. В ценностной ориентации аккумулируются представления людей о значимости самых разнообразных явлений материальной и духовной жизни общества. Определить и объяснить ценность чего либо в том числе и ту или иную сторону духовности можно только с позиций такой науки как аксиология. Аксиология это и есть философия ценностей. Понятия ценностей обозначает характеристику различных объектов и материальной и духовной жизни. Понятие ценности отражает объективную действительность. Высшей ценностью с точки зрения аксиологии является сам человек, его жизнь как высшее творение эволюционного развития. Вся совокупность человеческой деятельности, в том числе, и прежде всего трудовая являются ценностями. Ценостная ориентация личности выражает ее мировоззренческую, гражданскую позицию. Она входит в состав мотивов и стимулов всех видов поведения человека, она не только определяет, но и направляет смысл поступков современного человека. В качестве стержневой основы ценностная ориентация пронизывает духовную культуру и по вертикали и по горизонтали. В отличии от других компонентов духовной культуры она выражает общую тенденцию развития и функционирования духовной культуры на разных уровнях: теоретическом и социально -психологическом. Ценостная ориентация, по нашему мнению выступают в качестве регулятора взаимоотношений между объективной основой и субъективной стороной культуры. В ценностях выражается единство материального и идеального в духовной культуре личности. Ценостная ориентация очень тонко реагирует на изменение социальных отношений, характеризующих



соотношение различных носителей духовной культуры. Она определяет активность личности в жизни, её поступки и их мотивацию. Она ориентирует личность на осознание и выработку наиболее важных ценностей, способствующих прогрессивному развитию общества и самой личности.

Сама ценностная ориентация неотделима от общественных ценностей. Ценностная ориентация выступает как субъективное восприятие личностью достижений материальной и духовной культуры. По существу она означает совершенно осознанный выбор ценностей, умение личности подчиняться в определенных обстоятельствах до общественной целесообразности. Духовные ценности играют исключительно важную роль в жизни человека и всего общества, так как в своей совокупности представляют совокупность знаний, чувств и стремлений. Они способствуют не только осознанию смысла и целей жизни, но и способствуют самоутверждению человека как творческой личности, они определяют его жизненную позицию ко всем сторонам общественной жизни. Они дают нам возможность оценить действительные заслуги того или иного человека перед человечеством, а также истинную ценность каждого конкретного этапа общественного развития в общем, социальном прогрессе.

Не уяснив смысла и содержания духовности человека, невозможно понять содержание и характер духовной культуры личности, её нравственных качеств, понять выбранную им ценностную ориентацию.

Ценности всегда функционально значимы, они выражают духовные устремления человека, ориентацию его поведения и конкретных поступков. Духовно - нравственные качества личности могут выступать в качестве регуляторов взаимоотношений между людьми, а также между человеком и обществом. Духовные ценности обретают социальный смысл и оказывают воздействие на поведение личности, когда они глубоко осмысливаются, осознаются личностью и обществом. Если у человека нет гармонии между ценностной ориентацией и ее социальным смыслом, то его духовные качества остаются не реализованными, они существуют сами по себе, и выступают одним из источников противоречий между человеком и обществом, между общественными и индивидуальными ценностными ориентациями. Бывают в жизни случаи когда тот или иной человек знающий, умеющий понять и осмыслить те или иные социальные ценности, но игнорирует их в своем поведении. В таких случаях возникает ситуация, когда широкая пропасть отделяет осознание человеком определенных ценностей от того, что он делает и как поступает в действительности.

Процесс выработки потребностей и возможность формулирования ценностей очень сложный процесс. Как правило в процессе выбора из всего многообразия ценностных ориентации человек испытывает серьезные затруднения, колебания, сомнения, в результате не всегда верно выбираются пути реализации в жизни тех или иных ценностей, как не один раз имело место в историческом процессе. Известно, что исторический процесс осуществляется не автоматически, он осуществляется через деятельность ценностное ориентированных личностей, масс, социальных партий и движений. Из этого вытекает, что развитие и прогресс цивилизации непосредственно опирается на духовные качества человека, которые представляют собой комплекс индивидуальных свойств и черт общественных ценностей, историческим опытом социальной среды. Поэтому, изучая ценностные ориентации личности, как движущие силы ее поступков и мотивов ее деятельности, можно не только раскрыть сущностные качества личности, но и объяснить закономерности развития ее сознания и поведения, понять характерные черты и своеобразие развития общества, современной эпохи с точки зрения их



ценности. При этом нужно учитывать, что ценностное отношение формируется в процессе человеческой деятельности, носящей общественный характер.

Результаты человеческой деятельности определяются, объективируются, приобретают способность стать достоянием не только своих творцов, но и других людей, могут включаться в культуру общества, что прослеживается в овладении людьми орудиями труда, средствами связи, духовным наследием, закрепленном в традициях, в произведениях искусства, нравственных императивах и нормах поведения. Конечно, не все результаты и не всякой человеческой деятельности становятся элементами культуры, а только те, которые являются социально значимыми, отвечающими общественным потребностям и интересам людей. Причем не только духовные отношения и духовное производство выступают как ценности, но и результаты материальных отношений в процессе производства. В известном плане ценность - это объективная значимость многообразных компонентов действительности, содержание которой определяется потребностями и интересами общественных субъектов. При этом недопустимо понятие значимость отождествлять с практической значимостью. Дело в том, что социальная значимость может быть как позитивной, так и негативной. При этом и позитивная и негативная ценность затрагивает интересы и потребности больших групп людей или даже всего человечества. Однако в ценности выражается именно, и только позитивная значимость. Хотя в действительности каждая данная конкретная вещь или свойство может в различных отношениях приносить человеку и благо и вред, и добро и зло, справедливость и несправедливость, может также одновременно быть и позитивно, и негативно значимой. Каждую вещь как ценность мы рассматриваем с позитивной стороны. При этом сами по себе вещи не выступают как ценности, они становятся ценостями, приобретают ценостную ориентацию. Ценности являются характеристикой не вещей самих по себе, а явлений действительности, включенных прямо или косвенно в общественные отношения, ценность есть проявление социального бытия, что свидетельствует о том, что в процессе взаимодействия вещи приобретают социальную природу. Изменение и развитие анализируемых процессов и явлений, обусловлено изменением их ценностных отношений, сложную диалектическую взаимосвязь между абсолютным и относительным в ценности. В процессе развития общества меняются и сами ценности и их ценостная ориентация. То, что вчера выступало как ценности, может сегодня перестать быть ценностью. В будущем наряду с возникновением новых ценностей возможен поворот к ценостям прошлого. Существующие в обществе материальные и духовные ценности показывают ту сторону отношений, которая оказывает непосредственное воздействие на субъект. Через освоение многообразных ценностей человек приобретает социальных опыт иначе говоря социологизируется, он получает информацию о разных сторонах сложного социального организма, приобщается к духовной культуре. В рамках развития культуры человек создает новые ценности и сохраняет старые, которые также влияют на дальнейшее развитие культуры.

Ценность принадлежащих определенному историческому периоду поступков, мыслей, Вещей заключается в том, что они способствуют общественному прогрессу, а также в той или иной степени способствует совершенствованию субъекта. Характеризуя различные типы ценностей важно не упускать различия между ценостями материальной и духовной культуры. Духовные ценности существуют не только в предметной форме, но и как акт деятельности, неотделимой от самого духовного производства[Межеев В.Н, 2001.сс62].

В понятии ценности и производном от него понятии ценостной ориентации



отражаются наиболее важные стороны духовно - нравственных отношений. В этих понятиях преломляется весь комплекс нравственных, политических и в целом мировоззренческих ценностей, которые предопределяют мировосприятие и гражданскую позицию личности. Ценостная ориентация органически входит в состав мотивов всех видов и форм поведения субъектов нравственности, определяет их смысл и направленность. Тем самым ценостная ориентация выступает регулятором воплощающим в себе волевые и иные качества поведения личности. Ценостная ориентация как бы направляет поступки и всю деятельность общества и каждого его субъекта, как носителя общественных отношений. Ценостная ориентация это осознанный выбор ценностей, умение человека ориентироваться в определенных обстоятельствах общественной целесообразности. Наличие в обществе огромного разнообразия ценностей создает у человека значительные трудности в выборе правильной ценостной ориентации. Поэтому в процессе формирования морально - ценностных ориентации личность должна опираться на фундаментальные социальные, политические, нравственные и культурные ценности, в содержании которых сконцентрированы представления об общественном идеале, социальной справедливости и долге чести и достоинстве. Историческая практика подтверждает, что все виды ценностных ориентаций оказывают регулятивное влияние на поведение человека. Однако сила и направленность этого влияния для каждого из них неодинакова. Ценности и ценностные ориентации являются производными понятиями от социальной реальности. В связи с этим является обоснованным определение ценостной ориентации как отражение определенных объективных отношений, складывающихся до процесса ценностных ориентаций и выступающих конечной детерминантой ее содержания. Иными словами говоря, как обязательный элемент структуры всех форм общественного сознания, ценностные ориентации являются вторичными, производными от социальной реальности и детерминированы прежде всего тем или иным характером общественных отношений[Назаров К.Н, 2018. сс478].

Историческая практика показывает, что все виды ценностных ориентаций оказывают регулятивное воздействие на поведение человека. Однако сила и направленность этого влияния для каждого из них неодинакова. Так на уровне психологии ценностные ориентации проявлялись чаще всего в разного рода несистематизированных ценностных установках, направляют поведение человека на удовлетворение его отдельных потребностей и интересов, на выходящих за рамки его повседневной обыденной жизни. При этом механизм этих потребностей опирается на эмоциональные факторы, нежели на логическое осмысливание предстоящих решений. Поэтому на уровне социальной психологии ценостная ориентация не может быть перенесена на духовную культуру в целом, на моральные, политические, правовые и другие виды социального поведения, она в таком виде не может быть и критерием оценки их поведения, даже в своем осмыщенном виде ценостная ориентация в психологическом аспекте выступает только в качестве психологического механизма функционирования личности. Ценостная ориентация как отражение объективных социальных отношений определяется, детерминируется теми социальными отношениями, которые в ней отражены. В этой связи ценостная ориентация личности наполняется глубоким социальным смыслом, становится фактором ее мировоззренческой позиции.

Несмотря на то, что социальный прогресс осуществляется в результате взаимодействия различных культур, каждая из которых обладает своими неповторимыми, самобытными и оригинальными духовными ценностями, и имеет



естественно свою национальную ценностную ориентацию. Тенденция к интеграции различных культур сплетается с стремлением каждой из культур сохранить и развить традиционные национальные ценности, обряды, обычаи, язык, свой образ жизни. И в этом плане стремится к определенной изоляции. Различные культурные программы и системы ценностей воспроизводят в сознании и поведении субъектов ценностные ориентации, связанные с конкретным носителем тех или иных духовных ценностей, ценностными ориентациями.

Библиография

1. Межуев В.Н. (2001). "Суверенность философского знания", Философские науки. Москва, №3, сс.62-64
2. Назаров К.Н. (2018). "Философия: логика, этика, эстетика", Учебник пособия. Ташкент, -478с.



ОДОБ АХЛОҚ, САҲОВАТ ҚАРАМЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ ТАРБИЯСИДА НАСР ВА НАЗМ ЖАНРИ.

Тураев Тахир Юлдашович

Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали ўқитувчisi

Телефон: +998(90)747 12 59

taxir.turayev@bk.ru

Аннотация: Ушбу мақолада мустақил Ўзбекистон Республикализнинг равнақида, баркамол авлодимизни маънавий етук комил шахс сифатида тарбиялашда зарур бўлган одамийлик, эътиқод, инсонпарварлик сингари инсоний фазилат-истебдод ва ижод сабоқлари ҳақида баён қилинади.

Калит сўзлар: Шижоат, эҳсон ва саҳоват.

Одобли, билимдон, меҳнатсевар иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онасининг балки, бутун жамиятнинг катта бойлигидир. Бундай фазилатларни тарбиялашда наср ва назм жанрининг аҳамияти катта. Инсон эҳсони билан эҳсон султони билан, султон замони билан, замон имконияти билан, имконият эса маконнинг белгилаб бериши билан. Дунё-совчиси кўп келин, подшоҳлик-харидорга сероб бир мол. Кишиларга маълум бўлмаса ҳам ҳақиқат ҳақиқатдир, кўр кўрмаса ҳам, қундузи қундузидир. Шижоат, ҳатто унга қарши киши учун ҳам севимлидир, кўрқоқликнинг у билан муносабатда бўлган кишига жирканчли (бўлиши) ҳам худди шундай, саҳийликнинг ҳатто ўз душмани қалбига ёқимли (бўлиши), баҳилликнинг эса ҳатто унга меросчўр ва унга дўст киши учун оғир (бўлиши) ҳам худди шундай. Даҳр секин ҳаракат қиласи, эҳтимол шошилиши ва иқболга нима хоҳласа, шуни қилиши мумкин. Саҳоватни кўп тақдирлаган киши, қарамлидир, динорни кам йиққан киши буюқдир. Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай нарсанинг шотисидир. Давр хоинлик қилгандан кейин вафо қиласи, синдиргандан кейин тузатади, гуноҳдан кейин тавба қиласи, ҳақорат қилгандан кейин тақдирлайди. Мақсадга ортиқча интилиш ундан кейин қолишидир, етарликдан зиёдаси унинг кам (бўлишидир). Қариндош қариндошнинг биродари, адаб адибнинг бир дараҳт илдизидан кўкарған шоҳи. Шуҳратли кишилар орасидаги шон-шараф-насаб, қариндошлиқ, бурч ва ҳурматдир, қарамли қарамликнинг биродари, улуғ-улугликнинг биродари, ҳатто уларнинг шаҳарлари бошқа-бошқа ва ёшлари турлича бўлса ҳам. Қилич аъзонинг қувватига қараб санчилади, от эса минган кишининг ҳолига қараб чопади. Раҳбарлик (қилиш) тобеларнинг кўплигига боғлиқ, тобеларнинг кўп (бўлиши) хайру саҳоватнинг кўп бўлишига боғлиқ. Қаерда рағбатлантириш бўлса, умид шу томонга йўл олади, қаерга дон сепилса, шу ерга қуш қўнади. Агар ҳокимият атрофидаadolat ҳукм сурмаса, у инқирозга юз тутади. Ташаккур айтганнинг шукурини қабул қилиш унинг (янада) кўпайиши учун қарзdir, маддоҳ сўзини тинглаш унинг ҳожатини (чиқариш) гаровидир. Кўрганнинг тили айтиб берганнинг тилидан нотикроқдир, воқеанинг гувоҳи бўлиш (биров) сўзининг гувоҳи бўлишиданadolatliroқdир. Ҳаяжонланган (киши) нинг тили жавраш билан нотикдир. Кичикка мурувват энг латиф ва энг энг ёқимли бўлади, худди озгина сув энг ширин ва маззали бўлганидай. Адабнинг меваси катта ақлдир, илмнинг меваси яхши амалдир. Узоқ ҳизмат ҳурматни мустаҳкамлайди, ҳурматнинг мустаҳкам бўлиши эса, яқинлик ва қариндошлиқни қаттиқ боғлади. Таги бўлмаган фазилатни даво қилиш камчилликдир, гуё камчиллика узр сўраб иқрор бўлиш фазилат бўлганидай. Қочаётган аскар томонидан жанг қилиниши амри маҳолнинг бир тури ва ажал ўқларига ўзини тутишдир. Эҳсон эшиги унга



киришни хоҳлаганлар учун очиқдир, муруват қилишни хоҳлаган киши учун унинг иҳота қилинган жойи бемалолдир. Карамли (киши) учун тўсиқ йўқдир, унинг олдидан эшик беркитилмайди ҳам. Яхши кўрган китобни ўқиш қайфу заҳарига қарши доридир. Фаравонликка шукур (қилиш) балога сабр (қилиш)дан осонроқдир, саломатликни сақлаш дардни даволашдан енгилроқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.Турсунов "Халқ хикматларининг Баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти"
-Т.: "Янги нашр" 2014. 170 бет.
2. С.Турсунов "Буюк сиймолар" -Т.: "Шарқ", 2002.



TERRORCHI TASHKILOTLARNING TELEGRAM MOBIL MESSENJERIDAN FOYDALANISHI.

Boltayeva Dilsora

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

Dinshunoslik mutaxassisligi 1-kurs magistranti

(998990925177)

Annotatsiya: Globallashayotgan dunyoda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ayniqsa, Internet kishilar kundalik hayotining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Globallashuv jarayonining muhim qismi bo'lgan internet bugun jamiyat a'zolari kundalik hayotidan muhim joy egalladi. Har kuni global tarmoqda bir necha milliondan ziyod axborot resurslarining paydo bo'lishi uning hajmi har daqiqa sayin o'sib borayotganidan dalolat beradi.

Kalit so'zlar: obuna qilish va obuna bo'lish, ommalashtirish uchun katta auditoriyaga xabarlarni tarqatish.

Internet-inson tafakkuri, aql va bilimi qudratining mahsuli hisoblanib, qaysidir ma'noda uni ulkan "ummon"ga qiyoslash mumkin. Kimdir bu ummonda manziliga juda tez hamda aniq yetib bormoqda va yana kimdir ana shu ummon girdobida qolib ketmoqda. Biroq shuni alohida qayd etish lozimki, bu global tarmoq afzalliklarini inkor etmagan holda, uning inson ma'naviyatiga tug'diradigan xavf-xatarlari to'g'risida fikr yuritish maqsadga muvofiqdir . Telegram deb nomlangan mobil messenjer jihodchilar uchun o'z tashviqotlarini tarqatishda yangi yangilik bo'lib hisoblanadi. Ishid kabi terrorchilik tashkiloti ham ushbu mobil messenjerdan foydalanuvchilari ustidan g'alaba qozonish uchun foydalanadi. Ishid terrorchi tashkiloti telegramda jugendschutz.net kontentidan nemis tilida foydalanadi. Bu kontentda Ishid terrorchi tashkiloti juda ko'p grafik tarkibni hujjatlashtirgan va har xil insonlarni vahimaga soladigan videolarni joylashtirgan. Jihodiy mazmundagi kanallar, masalan, Ishid terrorchilik tashkilotining insonning boshini kesish videolari, urush chaqiriplari kabi radikal da'vatlari telegram messenjeriga joylashtiriladi. Terrorchi tashkilotlar kuniga kamida muxlislari tomonidan 200 dan ortiq javoblar oladi.

Telegram terrorchi tashkilotlar uchun quyidagi afzalliklarni taqdim etadi:

Telegram xavfsizlik va tezlik masalalariga qaratilgan yuqori darajada shifrlangan xabarlar ilovasidir. Bu mobil foydalanish uchun mo'ljallangan va foydalanuvchilarga doimiy eksteremistik kontentlarni topish, obuna qilish va obuna bo'lish, ommalashtirish uchun katta auditoriyaga xabarlarni tarqatish uchun kanallar yaratishga imkon beradi. Telegram - bu yuqori darajada shifrlangan xabar almashish dasturi bo'lib, xavfsizlik va tezlikka e'tibor qaratadi. U mobil foydalanish uchun mo'ljallangan va foydalanuvchilarga keng auditoriyaga xabarlarni uzatish uchun kanallar yaratishga imkon beradi. Telegram foydalanuvchilari o'zlarining smartfonlaridagi yangiliklarni avtomatik ravishda olishadi. Telegram messenjerida terrorchilar tomonidan ko'pincha quyidagi mazmunga mos mavzular ko'p qayd etilyapti. Masalan, "Islomga mos" fitnes mashqlari yoki afg'on oshxonalar retseptlari ko'rsatmalari bo'lgan kanallar shariatni (Islom qonuni) tatbiq etilishini va G'arb jamiyatiga qarshi nafratni qo'zg'atuvchi radikal bayonotlar bilan bog'langan. Ushbu kanallar yana boshqa kanallarning jangari harakatlarga chaqiruvchi va Al-Qoida yoki "Islomiy Davlat" kabi terrorchilik tashkilotlarini olg'a suradigan bayonotlarini o'z ichiga oladi .



Terrorchi tashkilotlar telegram messenjerida ommaviy va kulgili elementlardan foydalanib, jihodchi obrazlarini tarqatish va Ishid yoki Al-Qoida kabi terroristik guruhlarni qo'llab-quvvatlash uchun foydalanadilar. Bu yerda ular o'zlarining stikerlar to'plamini yaratishga imkon beradigan maxsus Telegram funksiyasidan foydalanishadi. Foydalanuvchi shaxsiy rasmni tanlaydi va uni kulgichga aylantirishi mumkin. Xususan, terrorchi tashkilotlar Telegramdan jangovar operatsiyalarni namoyish qilish uchun foydalanadi



OILA - TARBIYA MASKANI

Po'latova Sayyora Mo'minjonovna
Samarqand viloyati, Katta qo'rg'on shahar
2- məktəb Milliy istiqlol g'oyasi fani o'qituvchisi
Tel: 93.991-27-55

Annotatsiya: Mazkur maqolada oila tarbiya maskani ekani, unda tarbiyalanayotgan farzandlar kelajagi uchun ota-onalarning mas'uliyati hamda bola tarbiyasidagi o'rni haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: oila, ta'lim- tarbiya, ota-onsa, bola tarbiyasi, farzand, e'tibor, mehr-muhabbat

Farzand oilaning quvonchi, ota-onaning tayanchi, jamiyatning hayotbaxsh kuchi. Bolalarning sharofati bilan hayot yanada shirin, mazmunli bo'ladi. Ular yashshaga maqsad qo'yishga undaydi. Farzand umr mevasi, oila faxri, kelajagi, baxtidir. Ammo tarbiya nihoyatda mashaqqatli ish bo'lib, ota-onalar bolalar tarbiyasida har doim ham istagan natijalariga erishavermaydilar.

Hayotining birinchi yildan boshlab bola shaxsini shakllantirish, ya'ni uning ta'lim-tarbiyasi bilan shug'ullanish oilaning asosiy vazifasidir.

Navoiy tarbiya usuli sifatida namuna ko'rsatishga alohida e'tibor berar va kishilarni, ayniqsa yoshlarni yaxshi kishilardan o'rganishga, ulardan ibrat olishga, ularning davrasida bo'lish, ular bilan tez-tez suhbatlashishga chaqirar edi. U bola tarbiyasida ota-onalarning ibrati to'g'risida shunday yozadi:

Madaniy va ma'naviy merosimiz bo'lgan Hadisda tarbiya, axloq-odob, o'zaro do'stona munosabatlari, qarindoshlik, mehr-oqibat, adolat, insof-tavfiq bilan bir qatorda ota-onsa va farzandlarning haq-huquqlari ham o'z ifodasini topgan. Masalan, Hadisda "Farzandlaringizni izzat-ikrom qilish bilan birga axloq-odobini ham yaxshilangizlar", deyilgan.

Agar oila mahnosiz hayot kechirsa, faqat shaxsiy huzur-halovati bilan mashg'ul bo'lsa, agar oilada rahmsizlik va xudbinlik hukm surayotgan bo'lsa, bularning hammasi bolaning ma'naviy qiyofasiga salbiy tahsir etmasdan qolmaydi, albatta. Shuning uchun ota-onalar uchun oila tarbiyasi, avvalo o'z-o'zini tarbiyalashdan iborat bo'lmog'i kerak. Ota-onalarning yuksak ijtimoiy ongi bolalarda ham shunga mos ong tarkib topishiga yordam beradi.

Oilada kattalarga hurmat, kichiklarni avaylash kabi qoidalar kundalik odatga aylanib borishi kerak.

Ota-onsa oldidagi mas'uliyatning naqadar muhimligi shundan iboratki, ular bolaning har biri qadamini, har bir xatti-harakatini zimdan kuzatib boradilar. Bolalar har qanday janjalni, yomon noo'rin so'zni uzoq vaqt eslab yuradilar, o'rni kelganda, vaziyat bo'lganda amalda qo'llashga harakat qiladilar.

"Qush uyasida kurganini qiladi", deydi xalqimiz. Ayniqsa, bolaning izzat nafsiga tegmaslik, uni kansitib gapirmaslik, xullas, ota-onaning o'zi madaniyatsizlik, odobsizlik qilmasliklari maqsadga muvofiqdir.

Ota-onaning jamiyatda tutgan o'rni, nufuzi farzand tarbiyasida katta ahamiyatga ega. Bu narsa mansab bilan belgilanmaydi. Eng yaxshi obro' va e'tibor halol mehnatdir. Halol mehnat bilan jamiyatda orttirilgan obro' oilada farzandlar tarbiyasiga ijobiy tahsir qiladi. Farzand ham ota-onalaridek bo'lishga intiladi. Mehmono'st oilada o'sgan farzandlar ham mehmono'st bo'ladilar.

Ota-onalarning shakllanib, kamol topib borayotgan shaxsga ko'rsatadigan ta'sir kuchi



juda katta. Ularning bolaga ta'sir etishining asosi ularning bolaga nisbatan beg`araz muhabbati, uning haqida talabchanlik bilan qo'shib olib boradigan g`amxo'rlijidir. Muhabbat har qanday yaxshilik, mehribonlik va yorqinlikning ijodkoridir.

Ona o'z farzandiga alla aytishi ham uning jajai qalbiga e兹gulik urug`ini solidi. Onalar farzandlariga kischikligidanoq uy ishlarini birga qilishi bilan mehnat qilishga o`rgatishni shakklantirishi kerak. Bolalar o'z ishlari bilan xursand bo`ladi. Ona yoki otasiga berayotgan ko`magidan o`zini juda baxtiyor his etadi. Uni sho`xligi haddan oshganda yoki noma'qul ish qilgan paytida bolani tergash boshlab yubormaslik, aksincha u bilan suhbatlashib nega bunday ish qilganini so`rab bunday ish to`g`ri emasligini tushuntirish ertak yoki misollar bilan bartaraf etishga erishish kerak.

Badiiy adabiyotlar ham bolani tarbiyasida muhimligini bilamiz. Uning ma'naviy kamolatini yuksalishida o'z o`rniga ega. Oilada ota-onal kitob o`qish saatlari bo`lsa u bolani ham kitob bilan ishlashiga o`rgatadi. Kichik yoshdagi bolalarga kitob o`qib berish kerak.

Ota-onalar atoqli pedagoglardan Bolalarni tarbiyalash - hayotimizning davomchilar. To`g`ri tarbiya-bizning bolalarning baxtli kelajagini yaratishiga zamin bo`ladi. Shuningdek bizning keljak, jamiyat oldidagi burchimizdir.

Bolani tarbiyalash oila va maktab, mahalla hamjihatligi asosida yanada mustaghkamlanadi. Keljak avlod uchun barchamiz mas'uldirmiz

Foydalanilgan adabiyotlar

1. P. Yusupova "Maktabgacha tarbiya pedagogikasi" Toshkent-1993-y
2. "Bolajon" tayanch dasturi, Toshkent- 2010 -yil
3. G. Jalilova "Bolalarni maktabga tayyorlashda noan'anaviy usullardan foydalanish" Toshkent. 2004- yil



MENING PEDAGOGIK FALSAFAM

To'rayeva Malohat Xusenovna
Navoiy viloyati Karmana tumani
5 - maktab boshlang'ich ta'lif o'qituvchisi.
Telefon: +998 (97) 797 21 65

Annotatsiya: Ushbu maqolam orqali pedagogika faoliyati va mahorati qay darajada muhimligini yoritganman.

Kalit so'zlar: Mahorat, ta'lif, o'qituvchi, dars, DTS.

Muallim, murabbiy - mo'tabar, muhtaram zot. Uni mo'tabar qilgan - talabalarga cheksiz mehri, muhtaram qilgan - muhabbat. Maktabdan kelgan bolalarni misli nihollar kabi nafaqat muallim mehri, muhabbat qolaversa, ustozlik mahorati ila ulg'aytiradilar, dunyoni tanitadilar. Tarbiyaning maqsadi uyg'unlikka erishishdir - tabiat bilan, jamiyat bilan, o'z-o'zi bilan. Birinchi o'rinda tabiat bilan uyg'unlik bo'lmos'hil lozim, zero busiz inson ham , jamiyat ham bo'lmas edi. Odam bu ulkan dunyoning bir qismi ekanligini his etmog'i lozim, uning dushmani emas, do'sti bo'lishi kerak. Pedagogik maqsadga erishish yo'li - bu pedagogik sa'y - harakatdir. Biz faol pedagogika tarafborimiz, faqat uning yordamida shaxsni shakllantirish mumkin. Nimanidir qayta ishlash emas, nimanidir yaratish oson va samaraliroq.

O'zbek xalqining boy ma'naviy merosi tarixi uzoq asrlarga borib taqaladi, bizgacha bo'lgan ajdodlarimizning matematika faniga qo'shgan cheksiz hissasini o'rganish biz uchun ham farz, ham qarzdir. Istiqlol tufayli qo'lga kiritilgan eng katta ma'naviy yutug'imiz bu o'zligimizni anglab olganimiz, tilimiz, dinimiz, mafkuramiz, milliy qadriyatlarimizga munosabatning yangilanganligi bo'ldi. Zamon bizning zimmamizga yangi demokratik jamiyat qurish bilan birga yuksak ma'rifatli, ulkan salohiyatli avlodni tarbiyalashdek muqaddas vazifani yukladi. Bu vazifani ado etishda biz matematika fani o'qituvchilarining ham va mas'uliyatimiz ulkan ekanligini his etmoqdamiz. Barkamol avlodni voyaga yetkazishda milliy qadriyatlarimizga hurmat, xalqning an'analariga, til va madaniyatiga muhabbat ruhini uyg'otishda matematika fani alohida o'rinn tutadi.

Pedagogik faoliyatim davomida darslarimda ajdodlar merosini o'rgatishda, buyuk bobokalonlarimizning nodir asarlaridan foydalangan holda yoshlari bilimini mustahkamlashda va mukammallashtirishda: barkamollik hislarini rivojlantirish, mustaqillik, ijodkorlikni umumlashtira olish, turli nuqtayi nazardan muhokama qila olish, qiziqtira olish, turli muammoli masalalarni yechishda to'g'ri baho bera olish kabi yo'nalishdagi ta'limning yangi usullaridan muntazam foydalanishga intilaman.

Matematika fanining siru-sinoatlarini talabalarga targ'ib qilish va yetkazib berishda matematik terminlar bilan ishslash, o'rganilayotgan yangi formulalarni misol va masala yechish jarayoniga tatbiq eta olish, geometrik shakllarni tasavvur eta olish va shakllar tasvirini chizish ko'nikmalarini hosil qila bilish bilan bir qatorda quyidagilarni bajarishga ham harakat qilaman: milliy qadriyatlarga iftixon; yuksak ma'naviy xislatlarni shakllantirish; ajdodlar merosiga hurmat ruhini rivojlantirish.

Matematika - misli noyob chashma, uning zilol suvlaridan simirgan har kishi borki, ilm ummonining naqadar cheksiz ekaniga yana bir karra ishonch hosil qiladi. Shunday ekan talabalarni mustaqil ishslashga yo'naltirilgan darslarimni quyidagilar asosida tashkil etaman: qo'shimcha adabiyotlardan foydalanish; matematik termin, atamalar va tayanch iboralar bilan ishslash; ko'rgazmali materiallardan foydalanish; zukkolar "Zakovati"; intellektual ring; turli noan'anaviy darslar.

Matematika fanini o'qitishda o'qituvchining metodik mahorati o'ziga xos ahamiyatga ega



. Chunki o'qituvchi ta'larning eng samarali usullaridan oqilona foydalansagina ko'zlagan maqsadga erishish mumkin. Maqsadga erishish ko'p jihatdan o'qituvchining shaxsiy fazilatlariga ham bog'liq deb o'yayman. O'qituvchi tegishli pedagogik mahorat egasi bo'lishi bilan, yuksak insoniy fazilatlarni ham o'zida mujassam etmog'i lozim, negaki, puxta ma'lumot va bilinga ega barkamol shaxsgina barkamol avlodni, ma'lumotli insonlarni yetkaza olishi mumkin. Matematika fani o'qituvchiga xos kasbiy fazilatlarni sanab o'taman: bilimdonlik; pedagoglik, amaliyotchilik; tashkilotchilik; pedagogik ijodkorlik, ixtirochilik.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислом Каримов томонидан 9 - майни хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Хотира китоби 33 томдан иборат нашр этилди. Уруш фахрийлари ва фронт ортида хизмат қилганлар муносиб тақдирландилар. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёев томонидан 9 - майни хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш тўғрисидаги қарори умуминсоний қадриятлар негизида инсонни олий қадрият эканлигини кўрсатади.

"Оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, мاشаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган, имони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий анъанага айланди. ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди , Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида: Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакилларини бириктириб, ушбу тоифадаги шахсларни кутлаш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этди. Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан кетиб ғалабага ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган ва уруш қаҳрамони бўлган фахрийлар номларини абадийлаштириш мақсадида ўзлари туғилиб ўстган кўчаларга уларнинг номларини бериш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширилди; Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг истаклари асосида уларни республика ҳудудидаги санаторияларга бепул юборилишини ташкил этилди; Республикаси Президенти номидан бирйўла тўланадиган пул мукофотини тантанали равишда топширилди". (3. 9 б) Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёsat арбоби, ўзбек халқининг улуф ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз гоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантириди. Ислом Абдуганиевич Каримов ўзининг серқиrrа сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди. Самарқандда И. Каримов мақбарасини зиёрат қилиш учун халқимиз бориб эъзозлаб зиёрат қиласиди. Самарқандга келган ҳар бир меҳмон Ислом Каримов мақбарасига зиёратга келади. Ислом Каримов хотираси халқимиз қалбида мангуликка даҳлдор барҳаётдир.,, Инсониятга хос маънавиятликнинг асосий белгисидан - бири марҳумлар хотирасини ёд олишдир . Уларнинг ижобий ишларининг ёш авлодга мерос тариқасида ўтказиш, таълим тарбиянинг муҳим омилларидан биридир. Бутун маданий оламда инсон вафот этгандан кейин хотираси унутилмайди. Марҳумларни хотирлаб мусулмонлар маросимлар ўтказади.қабристонларга бориб Қуръон тиловат қиласиди..ёдгорлик тошларини



қўядилар, миллат ва мамлакат тараққиётида ўчмас из қолдирган алломалар, буюк шахсларга ҳайкал ўрнатадилар. Бу инсонни номини абадийлаштиришнинг бир ўзига хос шаклидир" (4. 31.б) Ҳадисларда дунёдан ўтганларни фақат яхши сўз билан хотирланглар дейилган. Шариат қоидаларида ҳам улуғ кишиларни улуғлаш суннат амаллар жумласига киритилган.

Адабиётлар.

1. X. Шайхова. Қ. Назаров. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолат. Тошкент Ўзбекистон. 1992й.

2. И. Каримов Юксак маънавият енгилмас куч Тошкент Маънавият 2008 й

3.Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. Мирзиёевнинг 9 май хотира ва қадлаш кунининг нишонлаш тўғрисидаги қарори. Интернет саҳифалари. 2019 й

4. Э.Юсупов. Исломий қадриятлар ва экстремизм. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти .1999 й



ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ТОЛЕРАНТЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ

Низомиддинов Одилжон,
Фарғона давлат университети ўқитувчisi
тел: (91)-108-38-14, e-mail: Odiljon_1991@mail.ru

Аннотация: мақолада толерантлик тушунчаси, шунингдек талаба-ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашда ижтимоий фанларнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: толерантлик, тарбия, педагогика, ахлоқ-одоб, глобаллашув, педагогик технология.

Толерантлик атамаси лотинча "чиdamлилик" сўзидан олинган бўлиб, ўзгаларнинг фикрлари ва қарашларига нисбатан бағрикенгликни англатади. "Толерантлик - бу тинчликка эришиш имконининг мавжудлиги ҳамда уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданияти сари етакловчи омилдир", дейилади 1995 йилда ЮНЕСКО нинг Бош Конференцияси томонидан қабул қилинган "Толерантлик тамоиллари декларацияси"да. Дарҳақиқат, толерантлик, биз яшаётган дунё маданиятларининг ранг - баранглигини, ўзини намоён этиш шаклларини ҳурмат қилиш, тўғри тушуниш ва қабул қила олиш; ақидапарастлик, мутлоқ ҳақиқатдан воз кечиш ва инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро хукуқий хужжатларда белгиланган меъёрларга кўшилиш демакдир.

Толерантлик ёшларнинг ўзгача фикрловчи шахсларга ҳамда бошқа маданиятларга нисбатан деструктив ҳатти - ҳаракатларнинг олдини олишга асос бўлиб хизмат қиласи.

Толерантлик, яъни бағрикенлик турли диний эътиқодда бўлган кишиларнинг ўзаро ҳамкор ва ҳамжамият бўлиб яшашини, жамият равнақи йўлида хизмат қилишини ўзида ифодалайди. Толерантлик миллий мафкурунинг асосий гояларидан бири бўлиб, Ўзбекистон тарихида ҳам, бугунги кунда ҳам ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик динлараро бағрикенглик гояси асосида амалга оширилиб келинмоқда. Халқимизнинг тарихий тараққиётида Марказий Осиё ҳудудида зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, яхудийлик, ислом дини ёнма-ён яшаб келиб, бу ҳудудда турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган кишилар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этиб келган бўлсалар, бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ҳудудида турли диний конфессиялар фаолият олиб бориб, турли диний эътиқодга мансуб кишилар Ўзбекистонда адолатли, инсонпарвар жамият барпо этишда ҳамкор ва ҳамжамият бўлиб фаолият олиб бормоқда.

Талаба-ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашда ижтимоий-гуманитар фанлар мухим аҳамиятга эга бўлиб, хукуқшунослик фанини ўқитиши жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи моддаларни ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихи фанларидан дарс ўтиш жараёнида эса диннинг вужудга келиши, жамият ҳаётида тутган ўрни, тарихий воқеаларга диннинг таъсири, давлатлар ривожида тутган ўрни ҳақида маълумот берилади.

Инсонда болалиқдан бошқа одамни қандай бўлса, шундайлигича, унинг фикри, табиати, маданияти, қарашларидаги мураккабликлар билан қабул қила олиш лаёқатини шакллантириш лозим. Таълим ва тарбия орқали ёшларга шундай фикрни сингдириш орқали одамлар турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий келиб чиқиши, моддий фаровонлиги ва ҳоказоларга қарамай, ўзаро тенг эканлигини англатиши лозим.



Огоҳ бўлиш, содир бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқ қолмаслик ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини тақозо этади. Бу эса ёшларни меҳр - оқибат, адолат, демократия руҳида тарбиялаш, уларда ўз ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаолликка бўлган эҳтиёж, турли ва кенг кўламдаги ахборотларни тўғри баҳолай олиш ва янги билим соҳаларини ўзлаштириш каби хусусиятларнинг шаклланишини жонлантиради. Замонавий таълимнинг вазифаларидан бири ёшлар ўртасида ижтимоий фаоллик ва толерантликни ривожлантиришдир.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш бошқаларга нисбатан кўрқув ва ётсираш туйғусини уйғотадиган таъсирларга қарши йўналтирилмоғи лозим. У ёшларни мустақил фикрлаш, танқидий мулоҳаза юритишга ўргатиши, уларга ахлоқий қадриятларга асосланган қарашларни шакллантиришга қўмаклашиши лозим. Ҳозирги шароитда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараённида ижтимоий фанларга алоҳида эътибор берилиши натижасида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги тобора юксалиб бораётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Хуроса қилиб айтганда, инсон маънавий баркамоллигининг муҳим меъёр ва мезонларидан бири эса инсондаги меҳр-шавқат ва бошқа дин вакилларига, уларнинг диний эътиқодига, моддий ва маънавий меросига, урф-одат, анъана ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишдан иборат бўлиб, толерантлик Ўзбекистонда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, яъни инсонпарвар фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилларидан биридир.

Адабиётлар:

- 1.Қ.Назаров ва бошқ.(муалифлар жамоаси). Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. Тошкент, 2007 йил.
- 2.Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Тошкент, 2006 йил.
- 3.Б.Фаниев, Ў.Каримов. Фуқаролик жамияти. Маъruzалар матни. ФарДУ, 2018 йил.



TADQIQOTCHILIK FAOLIYATI.O'QITUVCHI MAHORATINI OSHIRISHDA TADQIQOTNING ROLI.

Amonova Muhiba Botirovna

Navoiy viloyati Nurota tuman 5-umumiyl o'rta ta'lim maktab
Boshlang'ich ta'lim fani o'qituvchisi

Annotatsiya:O'qituvchi mahoratini oshirishda tadqiqotchilik bilan shug'ullanish pedagogic faoliyatda qanchalik muhimligi haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'z;tadqiqotchilik,mahoratni oshirish.

Har birimiz tabiatimizga ko`ra tadqiqotchimiz.Barcha insonlarga o`z-o`zidan vujudga keladigan tadqiqotchilik faoliyati xos.

Bizning qiziquvchanligimiz doimiy tadqiqot olib borishimizga sabab bo`ladi.Bolalar-sinchkov kuzatuvchilar.Ular sodir bo`layotgan voqealarni esda yaxshi saqlashadi,biroq har doim ham to`g'ri xulosa chiqara olishmaydi.Maktabda o`qitishning tadqiqot usulidan foydalanish ushbu holatni bartaraf etishga imkon beradi.Uning maqsadi-fan uchun emas,balki o`quvchi uchun yangilikni kashf qilishdan iboratdir.Tadqiqot faoliyati o`quvchiga tadqiqot maqsadini belgilash tamoyillarini,kuzatish va ifodalash usullarini o`zlashtirish,olingan tadqiqot natijalarini anglab yetishga imkoniyat yaratadi.Tadqiqot izlanishning bugungi holati avvalambor,"o`quv tadqiqoti bilan ilmiy tadqiqotning umumiyligi nimada?" va "ular bir-biridan nima bilan farq qiladi?" degan savollarga javob berishga harakat qilamiz.Kuzatuvlar va taqqoslashlar natijasida o`quv va ilmiy tadqiqotlar quydagи umumiyl bosqichlardan iborat,degan xulosaga kelingan:

- masala(muammoni) ifodalash;
- taxminiy yechim-taxmin,faraz;
- taxmin farazlarni kuzatish,tajriba,nazariy tahlil orqali tekshirish;
- natijalarni yozuv,rasm,kolleksiya va shakllarda qayd etish.Shunday qilib,ilmiy tadqiqotning ham,o`quv tadqiqotning ham asosida kuzatuv,faraz,tajriba(sinov) vamantiqiy xotima,xulosa chiqarish yotadi.Tadqiqotning ikki turi orasidagi farq esa ularning hajmi va yangilik darajasidan iborat;ilmiy tadqiqot obyektiv muammoni hal etadi,o`quv tadqiqoti-o`quvchiga taaluqli bo`lgan subyektiv muammoni.Bundan tashqari,o`quv tadqiqotida intellektual refleksianing ayrim bosqichlari tashlab ketiladi yoki yashirin holatda kechadi.Tadqiqotni o`qitish usulida boshlang'ich maktab o`quvchilarining faoliyat turlari juda rang-barang bo`lishi mumkin.Ayrimlarini sanab o`tamiz:o`z oilasi(uyi,ko`chasi) tarixini so`rab bilish va hikoya qilib berish;berilgan mavzu asosida mustaqil xabar tayyorlash va uni taqdimot qilish;ob-havoni kuzatish va uni maxsus kundalikka qayd qilish vahokazo.Tadqiqotchilik usulini qo`llashda boshlang'ich maktab o`quvchilarining kuzatish qobiliatlari alohida o`rin egallaydi.Ushbu qobiliyatni rivojlantirish bo`yicha ajoyib qo`llanmani amerikalik pedagog Sandra Kaplan ishlab chiqqan.U bolada quydagи tadqiqotchilik qobiliatlarni rivojlantirish zarur deb hisoblaydi:

- 1)ilmiy kashfiyat yoki tadqiqot bilan bog'liq atamalarni aniqlash;
- 2)tadqiqotni yo`naltiruvchi tayanch so`zlarni ajratish;
- 3)tadqiqot savollarini qo`yish;
- 4)axborotni toppish va tasniflash.

Ushbu qibiliatlarni rivojlantirish uchun bolalar bilan maxsus tadqiqotlar o`tkazish lozim.

Olimning oylari

Qishloqda biro dam yashar edi.Uyning yonida biro limning dala- hovlisi joylashgan edi.O`sha odam bir kuni:



-Bilasizmi,qo'shni,narigi qo'shnim-olim.Vaqt-vaqt bilan sayr qilgani chiqadi.Shunda o'zi bilan daftar va qalam olib yuradi.Uyimning devoir yonida o'tayotib,unga uzoq tikilib qoladi va daftariiga nimalarnidir yozadi,so'ng tomorqam atrofidagi qurigan shox-shabalarga qarab turadi-da,yana daftariiga nimalarnidir yozadi.U ketgach,men ham borib uyimning devoriga uzoq tikildim,lekin u yerda somon va loudan boshqa narsani ko'rmadim,so'ng tomorqamga borib atrofini aylandim,u yerda ham hech narsa ko'rmadim.lekin men aniq bilamanki ,olim o'z g'oyalari va fikrlarini o'sha yerlardan olyapti.Men shulardan o'zim uchun biror foyda chiqarsam bo'larmikin?-deb so'radi qo'shnisidan.Shunda qo'shnisi unga:

-Ey qo'shni,o'sha olim sizning devor va tomorqangizni umuman ko'rmayotganini bilmaysizmi?-dedi.Hurmatli hamkasb!Bilingki,g'oya va fikrni devor va tomorqa emas,miya yaratadi.

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:

1.Umumta'lim maktablarining o'quv- uslubiy materiallarga bo'lgan ehtiyojini maktab jamoatchilik tashkilotlari ishtirokida aniqlash va baholash:"maktab ta'limini rivojlantirish"loyihasi doirasida nashr qilgan qo'llanma.-T.,2007.-96 b

2.G'oziyev E.Psixologiya .T.O'qituvchi,1994,456 b.



KITOB O'QISHNI TASHLAMANG

Avazova Malika Salayevna
Xorazm viloyati Bogot tumani
21-sonli umumta'lif maktabi
Nemis tili fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Ichki olamingizni hech narsa kitobchalik benazir boyita olmaydi. Ruhiyatizingizni hech narsa kitobchalik, o'qish o'rganish, meh-natchalik muvozanatga, to'g'ri yo'lga sola olmaydi. Intellektual rivojlanishda kitob asosiy o'rinni tutishi haqida juda ko'p eshitgansiz, albatta. Chunki kishining o'zini o'zi tarbiyalashida kitob ham bilim manbai, ham o'zingizni ko'rish, taqqoslash, taqlid qilish, munozara yuritish, bahslashishda ma'lum darajada ko'zgu vazifasini o'taydi.

Kalit sozlar: Kitob, ziyo, fikrr va boshqalar

Dugonalaringizning ayrimlari bir kechada bir romanni "tu-shirib" kelganlari haqida maqtanib gapirishadi. Buning nimasi yaxshi? Nima o'rganishdi? Nima bilishdi? Shu kitobning qahra-moni bo'lgan "yigit" + "qiz"ning muhabbat yo'lining "boshlani-shi" va "tugashini" kuzatishdi, xolos.

Hayotda odam yolg'iz o'zi yashay olmaydi-ku! Odamlar, muhit, tabiat bilan munosabatda bo'ladi. Ana shu munosabatlarda qiyngagan, to'g'ri yo'l izlagay paytda suygan kitobimizga, ruhiyatimizga ruhi yaqin bo'lgan qahramonlar kechinmasiga murojaat qilamiz. Ba'zan ulardan quvvat olib, hozir bizga ogir bo'lsa ham, ular tutgan yo'lni tutamiz. Negaki, bilamiz, shu qahramon boshida qiyinchilik kurgan bo'lsa ham, uni iroda bilan yengib o'tgach, yuragi ancha halovat topadi. Demak biz undan iroda, sabot, ma'lum darajada kechirimli bo'lishni, chekinishni o'rgandik, evaziga halovat topdik, ya'ni ruhiy muvozanatimizni to'g'riladik. Haligi, kitobdan faqat "qiz" + "yigit"ning muhabbat chizig'ini kuzatgan dugonangiz shu chiziqning nima bilan tugaganini bildi, xolos. Ertalab qahramonlarning "topishishgani" yoki "ajralishgani" haqida sizga xabar berdi. U hatto qahramonlarni "oqlash" yoki "qoralash"ga ham ojiz. Chunki ularni boshqalar bilan munosabatda, ya'ni insonning ichki va tashki murakkabligi jarayonida ko'rmadi-da. Ularning u yoki bu harakati zaminida nima yotganini bilmaydi.

Kitobni bunday o'qigan qizlar - hayotni, atrofii, odamlarni kuzata bilmaydigan, mushohada qila bilmaydigan, hayotda ham mustaqil fikriga, irodaga, mulohazakorlikka ega bo'lмаган in-songa aylanib qolishlari oson. Ayrim shunday dugonlaringiz haqida "yengil uchib yurgan kapalakka o'xshaydi" deyishganini ham eshitgandirsiz. Bu sizning yoshingizda eshitish nojoiz bo'lgan sifat. Lekin, shunday uchib kelib, hayot ustidan uchib ketadiganlar toifasi ham borda. O'qiydigan kitoblariningizda ular obraqi ham juda ko'p.

Kitob bizga ulkan ta'sir ko'rsatib, juda katta, chuqur hayotiy tajriba berishini qayd etar ekan, akademik D. S. Lixachev quyisi-dagilarni ta'kidlaydi: "U kishini ziyoli qiladi, unda guzallik tuyg'usinigina emas, hayotni, uning butun murakkabliklarini tushuntirish kabi qimmatli tuyg'uni rivojlantiradi, boshqa davrlar va boshqa xalqlarni tushunishda yo'lboshchilik qiladi, sizga kishilarning qalbini ochib beradi. Bir so'z bilan aytganda, sizni donishmand qiladi". Shuning uchun kitob o'qishni tashlamang. Yoshligda, hozir undan olgan barcha yaxshi fazilatlarni bir umr qalbingizda saqlab qoling.

Adabiyotlar ro'xati

1. Milliard.uz

2. Kitob.ziyo



KITOB- MA'NAVİYAT XAZINASIDIR

**Farg'ona viloyati Quva tumani
9-maktab MMIBDO'
Axmatullayeva Azizaxon Artikaliyevna.
+998 91 2837607**

Annotatsiya: Ushbu maqolada kitobxonlikni targ'ib qilish va mutolaa ma'daniyatini yuksaltirish g'oyasi ilgari surilgan. Badiiy asarni mutolaa qilish ahamiyat naqadar zarur ekanligi targ'ib qilinadi.

Kitob mutolaasiga havas avvalo,oiladan boshlanishi,ota-onalar farzandlarida kitob o'qishga mehr uyg'otishi uchun o'zlari kitobxon bo'lislari lozim.

Shavkat Mirziyoyev

Kalit so'zlar: kitob, kitobxonlik, targ'ibot, vatan, yurt, kelajak, mamlakat, burch, ma'daniyat, ma'rifat, ma'naviyat, istiqlol, yoshlar, asar, oila ,ilm, tadbir, tanlov.

Mustaqil va navqiron O'zbekistonimizga zukko, aqli hamda fidoyi yoshlar yarashadi.Ona Vatanga, xalqqa muhabbat,Vatan taqdiri va kelajagi uchun ma'suliyat hissi esa,har bir yosh avlodga avvalo kitob orqali singdiriladi. Kitob- inson hayotini rang-barang qirralarini ochib beruvchi, o'quvchining qalbiga oilaga,vatanga bo'lgan mehrni olib kiruvchi beba ho kuchdir. O'sib kelayotgan har bir yosh avlodga porloq kelajak uchun eng to'g'ri va munosib yo'lni tanlashga yordam beruvchi, biz yoshlarni ma'naviy va ma'daniy dunyomizni boyitishga xizmat qiluvchi, katta-katta orzu maqsadlarga yetaklovchi do'st bu albatta kitobdir.Insoniyat yaratgan mo'jizalar ichida eng buyugi bu-kitob. Kunlardan bir kuni Luqmoni Hakimdan: "Shuncha ilmni qanday to'pladingiz",deb so'rashibdi. Shunda donishmand: "Kitob o'qiyotgan paytlarimda yondirgan chiroq moyini hisoblang, uning qiymati yeb-ichgan narsalarimdan ko'proqdir", deb javob bergan ekan. Agar biz hayot yo'limizda kitob bilan oshno bo'lsak o'ylaymanki hech ham qoqilmaymiz. Hayot haqidagi keng qamrovli fikrlar va haqiqatlarning bari kitoblarda jamlangan. Hayot sur'atlari nihoyatda tezlashib borayotgan bir paytda bizga kitob har qachongidan kerak va zarur. Ze'roki kitob bizga hayotni,yashashni, qanday yo'l tutishni, qaysi yo'ldan borishni o'rgatadi. Bejizga sohibqiron bobomiz A.Temur Kitob barcha bunyodkorlik, yaratuvchanlik va aql idrokning, ilm donishning asosidir,hayotni o'rgatuvchi murabbiydir"deb yozmagan.Asrlar, vaqtlar o'tsa hamki kitobni ahamiyati yo'qolmagan.Faqat kitobxon yoshlar kamayib ketgan. Kitob o'qish ma'daniyati pasayib, sustlashib qolgan. Kitobni avvalo hayotiy maktab, eng yaxshi ustoz ekanligini, jamiyatimiz shuuriga singdirishimiz lozim. Bu borada yurtimizda ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. Barkamol shaxsni tarbiyalashda beqiyos ahamiyatga ega bo'lgan, eng yaxshi yo'l bu-badiiy va ilmiy kitob mutolaa qilish ekanligini hech birimiz unutmasligimiz kerak Kitobxonlikni targ'ib qilishga, mutolaa ma'daniyatini rivojlantirishga yosh-u katta barchamiz birdek ma'sulmiz. Ze'ro, kitobxon yoshlar kelajagimiz kafolatidir.Yurtboshimiz aytganlaridek, kitobxonlikni avvalo oiladan boshlashimiz kerak. Oilada otalarimiz badiiy kitob o'qisa,onalarimiz ibratli asarlar mutolaa qilsa, bolalarda kitobga mehr- muhabbat ortadi.Kitoblarni tanlaganda ham o'quvchining yoshiga, saviyasiga qarab tanlash kitobxonlik ma'daniyatini yuksaltiradi.

Bundan tashqari, mamlakatimiz bo'ylab "Yosh kitobxon bola", "Eng faol kitobxon guruhi", "Oilaviy kitobxonlik" va shunga o'xshash bir qancha tadbirlar amalga oshirilmoqda. Bularning barchasi ma'daniyatimiz va ma'rifatimizni yuksaltirishga qaratilgan ishlardir. Bu jarayonlar yurtboshimizning quydagi fikrlarida ham sezilib turadi: "Ayni



paytda, axborot-kommunikatsiya sohasidagi oxirgi yutuqlarni o'zlashtirish bilan birga, yoshlarning kitob o'qishga bo'lgan qiziqishini oshirishga, ularni kitob bilan do'st bo'lishga, aholining kitobxonlik saviyasini yanada oshirishga alohida e'tibor qaratish lozim bo'ladi. Buning uchun, avvalo, milliy adabiyotimiz va jahon adabiyotining eng sara namunalarini ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirish va ularni keng targ'ib qilishga alohida e'tibor berishimiz muhim ahamiyat kasb etadi". Xulosa qilib aytganda, biz kitobxonlikni har sohada rivojlantirmog'imiz kerak. Siyosat bo'ladimi, iqtisod bo'ladimi barchasida, avvalo, kitob bizga eng yaqin hamrox. Kitobxonlikni yana va yana rivojlantirish biz yoshlarning asosiy burchimiz. Oilaviy kitobxonlikni, ijtimoiy tarmoqlardagi kitobxonlikni hamda kitobxonlik tanlovlарини jamiyatimizda keng targ'ib qilsakkina biz eng oliv maqsadimizga erishgan bo'lamiz. Ze'ro, bizdan rivojlangan ma'daniyat va ma'rifat qolishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Shavkat Mirziyoyev "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birlashtirishda barpo etamiz" Toshkent 2016-yil 14-bet.
2. www.ziyonet.uz
3. Ahmad Lutfiy Qozonchi „So'nggi to'fon".



YOSH AVLOD VA SOG'LOM TURMUSH TARZI

Abdulla Bayeshanov
Guliston davlat universiteti o`qituvchisi
Telefon: +998915042524
Gulas-2010@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqola hozirgi kunimizning dolzarb masalalaridan bo`lgan yoshlаримизning turmush tarzi va unga bog'liq bo`lgan turmush darajasi haqida. Yoshlarimizni sog'lom turmush tarziga odatlantrish, mehnat, uning ijtimoiy yo'naltirilganligi, yoshlarning bo'sh vaqtan foydalanish usullari, ular hayotining maishiy jihatlari, siyosiy va ijtimoiy hayotda qatnashuvi, moddiy va ma'naviy ehtiyojlarni qondirish shakllari, axloq qoidalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: sog'lom turmush tarzi, turmush darajasi, moddiy va ma'naviy ehtiyojlar, yoshlar turmush tarzi

Hozirgi davrning dolzarb masalalardan biri-bu turmush tarzimiz va unga bog'liq bo`lgan turmush darajamiz masalasidir. Mustaqil O'zbekiston taraqqiyotidagi ijtimoiy turmush muammolari bilan bog'liq ba'zi masalalar xalqimizning an'anaviy turmush tarzi va mamlakatimizda amalga oshirilayotgan zamonaviy bozor iqtisodiyoti yoshlar o'rtasidagi munosabatlarning ijobiy hal qilinishiga bog'liqdir.

"Provard maqsadimiz ijtimoiy yo'naltirilgan barqaror bozor iqtisodiyotiga, ochiq tashqi siyosatga ega bo`lgan kuchli demokratik huquqiy davlatni va fuqarolik jamiyatini barpo etishdan iboratdir" - deb yozadi birinchi prezidentimiz I.Karimov. Shundan kelib chiqib, demokratik huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatni barpo etilayotgan bir sharoitda xalqimizning turmush tarzi va turmush darajasi yuksalishiga hukumatimiz tomonidan e'tiborning kuchaytirilishi tabiiy holat ekanligi o'z-o'zidan ma'lum bo'ladi. Har bir millat, xalq va mamlakatning turmush tarzi uning fuqarolari (jamiyat, sind, ijtimoiy qatlam, shaxs) ijtimoiy hayotining barcha jabhalarini qamrab oladi. Shu bilan birga mehnat, uning ijtimoiy yo'naltirilganligi, fuqarolarning bo'sh vaqtan foydalanish usullari, ular hayotining maishiy jihatlari, siyosiy va ijtimoiy hayotda qatnashuvi, moddiy va ma'naviy ehtiyojlarni qondirish shakllari, axloq qoidalari o'z ichiga oladi.

Shu bois turmush tarziga faqatgina iqtisodiy munosabatlar emas, balki insonlarning madaniyatga, ma'rifatga bo`lgan munosabati va ma'naviyati hamda dunyoqarashi ham ta'sir ko'satadi. Bu esa o'z navbatida kishilarining turmush darajasini yuksalishiga olib keladi. Turmush darajasi bir tomonidan, kishilar ehtiyoj darajasi bilan, boshqa tomonidan esa hayotdagи moddiy va ma'naviy boyliklar hamda xizmatlar soni va sifati bilan belgilanadi. Turmush darjasining yuqoriqoq cho'qqiga ko'tarilishi jamiyatning asosiy ishlab chiqaruvchi kuchlari-yoshlarning qobiliyatlarini takror yaratish bilan to'g'ridan-to'g'ri bog'liq hisoblanadi.

Xalqimiz orasida hali ham shunday kishilar uchrab turadiki, ularning birdan-bir tashvishi, fikri-hayoli yemay-ichmay mol yig'ish, qavat-qavat uylar qurish, ortiqcha dabdabalar bilan to'y-hashamlar o'tkazish va xokozo.

Adolat yuzasidan shuni tan olib aytish lozimki, xalqimiz orasida o'z mablag'lari hisobiga mamlakatimiz madaniyatni va ma'naviyatini yuksaltirish borasida juda ko'p ibratli ishlarni amalga oshirayotgan vatandoshlarimiz ham ko'pchilikni tashkil etadi. Bu borada hurmatli birinchi prezidentimiz quyidagi fikrlari tahsinga sazovordir: "Biz ma'rifat va ma'naviyatga tadbirkorlik va tijorat sohalari tomonidan qilinayotgan homiylikni qo'llab-quvvatlaymiz, bunday homiylargacha yengillik berish lozimligini ham bilamiz. Lekin homiylik mablag'lari chinakam badiiy asarlarga, chinakam ijodiy tadbirlarga sarflanishi shart.



Xalqimizning kelajagi uchun suvday, havoday zarur bo'lgan bunday sohalarga birinchi va eng katta homiy - davlatning o'zi".

Bunday o'ylab qarasak, hayot boqiy, umr esa o'tkinchidir. Lekin masalaning bu tomonlariga kamroq e'tiborni qaratamiz. Eng achinarlisi shuki, insonni ulug'lovchi narsa uning mol-davlati emas, balki undan qoladigan yaxshi, ezgu ishlar ekanligini ba'zan unutib qo'yamiz. Yoki buni bila turib, unga shunchaki e'tibor bermaymiz. Shu ma'noda har bir fuqaro o'z mablag'larini to'g'ri tasarruf etsa, ortiqcha mol-dunyo yig'ishga berilmay, farzandlari kelajagi uchun safarbar etsalar maqsadga muvvofiq bo'lardi.

Zero, barkamol avlod millat kelajagidir. O'sib kelayotgan yosh avlodni tarbiyalashda ota-onalardan tashqari mehnat tashkilotlari, o'quv muassasalari hamda mahallarning ham o'ziga xos o'rni borligini xalqimiz turmush tarzi va turmush darajasining yuksalishida ular faoliyati muhim rol o'ynaydi.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. O'zbekiston iqtisodiy islohatlarni chuqurlashtirish yo'lida. -T.: 1995. 9 - bet.
2. Jo'rayev N. O'zbekiston tarixi. -T.: 2004. 160 - bet.



ПЕРИОД ПОДГОТОВКИ УЧЕНИКА В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ И НАУЧНЫХ КОНЦЕПЦИЙ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

Бекимбетова Альбина Адильхановна

Республика Каракалпакстан, Чимбай 9-я школа ,учитель

+998995947591

albinabekimbet@gmail.com

Абдижамалов Айтмурат Пулатбаевич

Республика Каракалпакстан, Чимбай 9-я школа ,учитель

+998990639146

albinabekimbet@gmail.com

Аннотация: Данная статья посвящена периоду подготовки учащегося в начальном образовании и психологическому состоянию ученика, развитию его уровня знаний, объяснению научных выражений в начальной школе для повышения их знаний о них.

Ключевые слова: ученик начальной школы, период подготовки к школе.

В возрасте 8 лет у ребенка развивается функция мозга, а кроме того развивается функция аналитико-синтетической функции коры головного мозга. Развивается костная система маленького ребенка. Он больше не может играть с куклой или игрушкой, которую хочет, теперь это его работа. В школе ребенок должен учиться быстрее. Ученик открывает для себя другой мир, который ему неизвестен. В новом мире у новых друзей появляются новые законы. Теперь они учатся концентрироваться. Работа учителя заключается в том, чтобы открыть для себя красоту этого мира. Чтобы работать с детьми, вы должны любить их. Если учитель хорошо относится к ученику в новом мире, чтение для него - это не праздник, но так много нужно узнать. Важно объяснить, что ученик 1-го класса все еще не до конца понимает систему оценок, и в этот момент важно отношение учителей, то есть у меня есть два оценка (у него два "2"), а у тебя один (у этого ребёнка один "5") Они нуждаются в поддержке и похвале в начальной школе. Они должны гордиться своей работой. Например, "Вы очень хорошо написали сегодня", "Вы думаете, как взрослый сегодня", "Если вы будете работать усерднее, вы будете писать лучше, чем все остальные". В начальной школе учащиеся могут менять буквы, цифры или орфографические ошибки. Например, они могут писать цифру "3" в обратном порядке. В таких случаях им может помочь родителей. Они также должны проходить практические занятия дома.

Предметом чтения является система научных понятий, которые формируются о важных особенностях вещей. Как развивать научные концепции в процессе чтения? Другими словами, в дополнение к научным концепциям, которые они изучают в процессе чтения. Например, научная концепция "диких животных" несовместима с жизненным опытом (они считают крыс дикими животными, кошек - домашними животными, а летучих мышей - птицами). В процессе освоения научных концепций им дают факты и идеи. Блонски сказал: "Пустая голова не может думать. Но чем больше у вас знаний, тем больше вы сможете думать".

Начальная школа - это фундамент знаний. И. Каримов сказал: "Если фундамент силен, никто не сможет победить нас". Каждый обязан воспитывать наших будущих детей как сильных, образованных, непобедимых людей.



Ссылки:

1. В.А.Круцкий "Психология" Нокс: Издательство "Знание", 1991
2. Робин Шарма "22 пути к успеху"
3. Ислам Каримов "Мечта о гармонично развитом поколении" Ташкент



USTOZ FARZANDIMNI SHOGIRDLIKKA OLASIZMI?

Sadoqat Do'stova Zavqiyevna

Navoiy viloyati, Navbahor tumanidagi 14-umumta'lim məktəbinin

tasviriy san'at va chizmachilik fanlari o'qituvchisi

Telefon raqami: +99893 6611248

sadoqatdustova@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada amaliy fanlar (tasviriy san'at,musiqa jismoniy tarbiya)bo'yicha yangi qaror va o'zgarishlar, ayniqsa tasviriy san'at fanining rivojlanishi va o'qitilishi haqida ma'lumotlar beriladi. Muhtaram Prizidentimiz Shavkat Mirziyoyev Miromonovich tomonidan ta'lim sohasiga kiritilayotgan yangidan - yangi qaror va o'zgarishlar yillar davomida ikkinchi darajali sanalib kelinayotgan tasviriy san'at faniga ham o'z ta'sirini ko'rsatmoqda.

Kalit so'zlar. badiiy fikrlash, musavvirlar, naqqoshlar, xattotlar, san'atga bo'lgan muhabbat, badiiy fikrlash doirasi.

Aslida tasviriy san'at fani bolalarni har tomonlama garmonik rivojlanishi uchun yordam beradi.Ularning badiiy fikrlash doirasini kengaytiradi, mustaqil fikr yuritish va tashabbus ko'rsatish qobiliyatini tarbiyalayda.O'quvchilardagi his hayajonni rivojlantiradi,san'atga qiziqishini oshiradi.Borliqni va san'atni idrok etishni o'rgatadi. Bolalarda badiiy ijodiy qobiliyatni va fazoviy fikrlash doirasini kengaytiradi.

Atrofga nazar tashlaydigan bo'lsak bizni o'rab turgan borliq o'ziga xos ranglar va chizgilardan iborat.Barcha narsalarda hatto insolarga ta'rif berishda ham tasviriy san'atga murojat etiladi.Misol uchun qosh- ko'zlari qop qora,yuzlari oppoq sutdek,lablari qip-qizil g'unchadek kabi o'xshatishlardir.

Sharqda olimlar, musavvirlar, naqqoshlar, xattotlar ranglarning 100 dan ortiq turlarini ajrata olganlar.Xulosa qilib aytganda tasviriy san'at fani ham inson hayotida muhim o'rinni egallaydi.

Amaliy fanlar jumladan tasviriy san'at,musiqa,jismoniy tarbiya fanlari bo'yicha Oliy o'quv yurtlariga kirish imtihonlarining amaliy o'tkazilishi va qabul qilinishi haqidagi qarordan so'ng bu fanlarga e'tibor kuchaydi. Ota-onalar tomonidan farzandlarining qobiliyatlariga qarab maktabda tashkil etilgan to'garaklarga olib keladigan bo'ldilar."Ustoz farzandimni shogirdlikka olasizmi? Ha albatta olamiz qobiliyatli,iste'dodli o'quvchilar bilan ishlash insonga zavq bagishlaydi.Ular bilan to'garaklar tashkil etish ,tuman,viloyat, respublika tanlovlardida ishtiroklarini ta'minlab, faxrli o'rirlarni egallah.Bu bilan o'quvchi yoshlarni bo'sh vaqtlarini unumli o'tkazish, va san'atga bo'lgan muhabbatlarini oshirish. Zero san'atga oshno qalblardan also yomonlik chiqmaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI.

1.www.ziyonet.uz

2. Mirziyoyev SH.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birligida barpo etamiz//O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. - Toshkent: O'zbekiston, 2016. - 56 b.

3. Mirziyoyev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va oljanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent: O'zbekiston, 2017. - 488 b.

4. T. G'afforova Boshlang'ich ta'lilda zamonaliv texnologiyalar. Qarshi. Nasaf. 2008yil.



OTA-ONA BILAN FARZANDLAR O'RTASIDA ILIQ MUNOSABATLAR

Navoiy viloyati Qiziltepa tumani
41 mактабнинг boshlang'ich sinf o'qituvchisi
G'aybullayeva Munisa Rizoqulovna
Tel +998909563828

Anotatsiya: Bu mukaddas zaminda yashayotgan har qaysi inson o'z farzandining baxtu saodati, fazlu kamolini ko'rish uchun butun hayoti davomida kurashadi, mehnat qiladi, o'zini ayamaydi.

Kalit so'zlar: Bola, Oilaga xos an'analar, qadriyatlar, urf-odatlар va boshqalar .

O'zbek xalqi urf-odatlari, qadriyatları o'ziga xos noziklik bilan shakllanganki, ularda insoniy xislatlari ustuvor. Bu insoniylik xislatlari asrlar osha silsilalarga bardosh berib, o'z mohiyatini yo'qotgani yo'q. U o'zining falsafiy teranligini hamisha namoyon qiladi. Shu sababli ham ota-onasi bilan farzandlar o'rtasida iliq munosabatlar, o'zaro hurmat-izzat, mehr-oqibatlar markaziy o'rinni oladi. Ular o'rtasidagi bu holatlar zaruriy davrda bir-birini to'ldiradi ham. To'g'ri, ota-onasi faoliyati farzand uchun tengi yo'q mehr-oqibat bilan yo'g'rilgan asosli his-tuyg'ular yig'indisidir. Ota-onaning farzand oldidagi burchlari, o'zlarining oxiratini obod etuvchi qarzlari bor. Dinu-diyonatli xonodon oqsoqollaridan so'rasangiz, ularni lo'nda qilib sanab beradi: yaxshi nom qo'yish, yaxshi muallim qo'liga topshirib, savodini chiqarish, ilmli, kasbli-hunarli qilish,boshini ikki, uyli - joyli qilish.

Ana shu istaklar zaminida ota-onasi o'z farzandlarini kelajagini mustahkamlash uchun hali ularni turmush qurishidan oldinroq, hayotga tayyorlashni unutmaydi. Avvalo oila qurishga undalayotgan farzandlarni o'zaro mosligi, sog'lig'i, ruhiy tayyorligi, iqtisodiy jihatdan mustahkamligi, kasb-hunariga egaliklari tahlil qilinadi. Bu o'rinda bobokolonlarimizdan Amir Temur faoliyatiga nazar tashlasak, u kishi farzandlarining uylanishini nafaqat bir oila uchun kerakligi balki, jamiyat miqyosidagi vazifa ekanligini sezgan holda:

"O'g'illarim, nabiralarim va yaqinlarimni uylantirmoq tashvishida kelin izlamoqqa e'tibor berdim. Bu ishni davlat yumushlari bilan teng ko'rdim. Kelin bo'l mishning nasli-nasabini, etti pushtini surishtirdim. Xos odamlar orqali sog'liq-salomatligini, jismonan kamolatini aniqladim. Kelin bo'l mish nasli-nasibasi, odob-ahloqi, sog'lom va baquvvatligi bilan barcha qusurlardan holi bo'lsagina el-yurtga katta to'y-tomosha berib, kelin tushirdim", - deydi.

Farzandalarni tarbiyalash homiladorlik davridan boshlab muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, bo'lajak inson, shaxs o'zini shaklanishini asosini shu davrlarda poydevorini qo'yadi. Ba'zi xalqlarda insonga yosh berganda ona qornidagi 9 oyni ham e'tirof etib aytishlari bejiz emas. Albatta, ota-onasi farzandi to'g'risida sog'lom fikr yuritib uni ardoqlashi, sevishi, qayg'urishi darkor. Bolaga ta'sir qiladigan har qanday nojo'ya harakatdan himoya qiladi.

Foydalaniman adabiyotlar.

1. Shavkat Mirziyoyev. Xarakatlar strategiyasi.- Adolat nashriyoti. 112-bet. 2017.
2. Yoshlarga donolar o'giti/ tuzuvchilar: O.Salimov, Q.Qurbanboyev, M.Bekmurodov, L.Tangriyev, N.Xalilov,-Toshkent, G'afur-G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018-236 b



TA'LIM SOHASIDAGI O'ZGARISHLAR VA YANGILIKLAR

Jonbo'tayeva Zumradxon Abdujabborovna

Namangan viloyati Uchqo'rg'on tumani 3 -umumta'lim maktabi

ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Yurtimizda mustaqillikning ilk kunlaridan e'tiboran ta'lism- tarbiya tizimini chuqur isloh etish, tizimni takomillashtirgan holda davlat siyosati darajasiga olib chiqish, jahonning eng rivojlangan mamlakatlarlarining ta'lism tizimidagi namuna olib zamonaviy, innovatsion va raqobatbardosh sharoitlarni yaratib bergen holda, har tomonlama qobiliyat va iste'dod egasi bo'lgan yoshlarning intellektual salohiyatini ro'yobga chiqarish, ma'nani va jismonan barkamol avlodni tarbiyalab borish borasida ulkan ishlar amalga oshirilmoqda.

Kalit so'zlar: zamonaviy, innovatsion va raqobatbardosh sharoitlarni yaratib bergen holda, har tomonlama qobiliyat va iste'dod egasi.

Ta'lism- tarbiyaning tarkibi, tuzilishi va sifati har qanday davlatning siyosiy- ijtimoiy, iqtisodiy rivojlanish darajasini ko'rsatib beradigan, jamiyatning farovonligi va ravnaqini ta'minlaydigan asosiy omil sifatida davlatning ustuvor masalasiga, bugungi davr global iqtisodiyotining talablarini o'rgangan holda milliy elita kadrlarni tayyorlash va ularni dunyo hamjamiyatida raqobatbardoshligini tashkil qilish esa mamlakat strategiyasining asosiy vazifalaridan biriga aylanmoqda. Bu o'ta muhim siyosiy jarayonning har qanday yutuq va muvaffaqiyati davlatning har bir fuqarosi ta'lism tizimidagi islohatlarida faol ishtrok etishini taqozo qiladi. Prezidentimizning 2017- yil 7- fevraldag'i "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmonida ijtimoiy soha, xususan, ta'lism va ilm-fan sohalarini rivojlantirish borasida bir qator vazifalar belgilangan. Hujjatda ta'lism muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, yangi ta'lism muassasalarini qurish, ta'mirlash va kapital ta'mirlash barobarida ularni zamonaviy o'quv va laboratoriya jihozlari, kompyuter texnikasi va o'quv-metodik qo'llanmalar bilan ta'minlash nazarda tutilgan.

Oxirgi yillarda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining yetmishga yaqin qaror, farmon va farmoyishlari qabul qilindi. Bu esa chinakamiga ta'lism tizimida yangi davr va yangilanishlar jarayonini boshlab berdi. Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyevning ta'lism sohasida, ayniqsa, yoshlarni tayyorlash siyosati sababli, yaqin 5- 10 yilda yurtimizda ta'lism, fan va texnologiya yangi pog'onalarga ko'tarilishi uchun mustahkam asos yaratilmoqda. Xususan, ta'lism sohasidagi o'zgarishlar va yangiliklar jarayoni O'zbekistonda uzluksiz ta'lism tizimining quyi bo'g'ini bo'lgan maktabgacha ta'lism tizimini isloh qilishdan boshlandi. Eng muhim jarayonlardan biri bu Maktabgacha ta'lism vazirligining ta'sis etilganliga va ushbu vazirlik zimmasiga tizimning eng muhim halqasi bo'lgan maktabgacha ta'lism muassasalarini tubdan isloh qilish, zamon talablariga javob beradigan, zamonaviy va shinam bog'chalarini barpo etish masalasi yuklandi. Ushbu sohaning mazmunan va tashkiliy jihatdan mutlaqo yangicha shaklda ko'rinish berishi uchun barcha chora- tadbirlar, qonunlar ishlab chiqildi. Tizimda bog'cha yoshidagi bolalarni maktabgacha ta'lism muassasiga jalb qilibgina qolmasdan, bolalarni 3- 6 yoshidanoq ular qiziqqan, erkin muloqot qilish qobiliyatiga qarab, alohida- alohida kichik guruhlarga ajratgan holda ta'lism- tarbiya berish mexanizmi joriy etildi. Tizimdag'i asosiy muammolardan biri bo'lmish kadrlar ham e'tibordan chetda qolmadidi. Oliy ta?lim muassasalarida bog?chalar uchun tarbiyachilar, murabbiylar tayyorlashning son va sifat jihatidan yangi davri boshlandi.

Kasb-hunarga qiziqlishi bo'lgan iqtidorli, mehnatsevar, fidoyi yoshlarning kasb-hunar egallashiga shart-sharoitlar yaratib berilmoqda. Har bir hududning imkoniyat va



salohiyatidan kelib chiqqan holda ma'lum kasb-hunarga ixtisoslashgan, barcha talablarga javob beradigan, zamonaviy jihozlangan kasb-hunar kollejlari tashkil etilishi ko'zda tutilmoqda.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-martdagi "O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori bu borada muhim omil bo'lmoqda. Bu esa kadrlar tayyorlashda kafolatlangan ish o'rni va muassasaning rolini oshiradi.

Ta'lim tizimidagi yana bir e'tiborli, kelajak uchun poydevor bo'lgan bo'g'indan biri bu oliy ta'lim muassasasidir. Ushbu sohada ham bir qancha ko'zga ko'rindigan o'zgarishlar ro'y bermoqda. Oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonlarini takomillashtirish, yoshlarga zamonaviy talablar asosida ta'lim berish bugungi kunning asosiy masalalaridan biri ekanligi bot-bot takrorlanar ekan, eng avvalo, oliy ta'lim muassasalariga bo'ladigan test sinovlarining ochiq va oshkorligini ta'minlash muhim ahamiyat kasb etishi va bu jarayonni tubdan isloh qilish lozimligi bir qator qonun va farmonlarda o'z tasdig'ini topdi. Shu o'rinda bugungi global svilizatsiya jarayonlarini e'tiborga olgan holda oliy ta'lim tizimida tahsil olayotgan har bir talabaning yuksak salohiyatli, o'z fikrini erkin bayon eta oladigan, innovatsion talablarga javob beradigan, o'z sohasining yetuk mutaxassisini bo'lgan raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash eng ulkan burchimizdir.

Foydalaniqlanadabiyotlar

- 3.Mirziyoyev Sh. Harakatlar strategiyasi 2017-2021.- T.: O'zbekiston, 2017.
- 5.Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz.- T.: O'zbekiston.NMIU, 2017.
- 6.Ergashev. Q. O'zbekiston xalq ta'limining rivojlanish tarixi.. T. "O'qituvchi" 1998.



ZAMONAVIY TA'LIM-TARBIYA TARAQQIYOTINING MUHIM ASOSI

Jo'rayeva Gulsora Mirzaboyevna
Namangan viloyati To'raqo'rg'on tumani
29-umumi o'rta ta'lism maktabi
boshlang'ch sinf o'qituvchisi

Annotatsiya: Istiqlol yillarida mamlakatimizda ta'lism tizimi tubdan isloh etilib, ertangi kunimizning munosib davomchilari bo'lgan barkamol avlodni voyaga yetkazishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ta'lism mazmuni umumiy o'rta ta'lismning o'quv dasturlariga kiritilgan mavzular asosida ta'lismning barcha turlarida uzyiylik, uzlucksizlik va davriylikni ta'minlaydi.

Kalit so'zlar: Ta'lism, o'quv dasturlar, zamonaviy va boshqalar

O'qituvchi, o'quvchi va ota-onalar uchun o'quv-metodik materiallar, multimediali axborot-ta'lism resurslari ishlab chiqilib, o'quv-tarbiya jarayoniga tatbiq etiladi. Ta'lism-tarbiyajarayonigaprinsipi yangi yondashuvning joriy etilishi orqali o'quvchilardaolgan bilimlarini amaliyatda to'g'ri qo'llay olish, faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lish, mustaqil ijodiy fikrlash kabi ko'nikmalar rivojlantiriladi.

Harakatlar strategiyasida mamlakatimizni rivojlantirishning besh ustuvor yo'nalishi - davlat va jamiyat qurilishini takomillashtirish, qonun ustuvorligini ta'minlash va sudhuquq tizimini yanada isloh qilish, iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirish, ijtimoiy sohani taraqqiy ettirish, xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash, chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatl va amaliy ruhdagi tashqi siyosat yuritish bo'yicha aniq, hayotiy islohotlar, ularni amalga oshirish mexanizmlari belgilab berilgan. Harakatlar strategiyasidagi beshta ustuvor yo'nalishdan to'rtinchisi ijtimoiy sohani rivojlantirishga qaratilgan. Aholi farovonligini ta'minlash, bandlik, salomatlikni muhofaza qilish, uy-joy masalalari qatoridan ta'lism-tarbiya tizimini taraqqiy ettirish masalasi ham o'rin olgan.. Bunda xalq ta'limi tizimida keng islohotlarni amalga oshirish orqali ta'lism-tarbiya sifatini oshirish, yangi maktab binolari barpo etish, rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash, ularni zamonaviy o'quv-laboratoriya uskunalari, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va o'quv-metodik qo'llanmalar bilan to'liq ta'minlash kabi qator masalalar amalga oshirilishi ko'zda tutilgan. Umumiy o'rta ta'lism sifatini tubdan oshirishda qator fanlar, jumladan, chet tillar, matematika, fizika, informatika, kimyo, biologiya fanlarini chuqurlashtirilgan tarzda o'qitishga alohida e'tibor qaratiladi., O'quv jarayonini tashkil etishda innovatsion texnologiyalarning roli kun sayin ortib bormoqda. Masofaviy texnologiyalardan foydalanish zamonaviy ta'lismning imkoniyatlarini yanada kengaytirdi. Bugungi kunda Yer kurrasining istalgan joyidan turib, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) imkoniyatidan foydalangan holda ta'lism olish mumkin. Zero an'anaviy ta'lism o'z mavqeini saqlab tursa ham, keyingi paytlarda masofaviy o'qitish texnologiyalari kundan-kun ommavylashib bormoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda yangi jahon axborot-ta'lism muhitiga integrallashishga yo'naltirilgan ta'lism tizimi barpo etilmoqda. Bu ta'lism jarayonini tashkil etishda zamonaviy texnik imkoniyatlarga javob beradigan sezilarli o'zgarishlar bilan kuzatilmoqda. Zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lism sohasiga kirib kelishi ta'lism usullari va o'qitish jarayonini yangicha yondashuv asosida tashkil etish shakllarini sifatli ravishda qulaylashtirib, o'zgartirish imkonini bermoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'lism tizimini modernizatsiyalashtirish jarayonining eng muhim qismidir. AKT - bu turli texnik va dasturiy qurilmalar bilan axborotga ishlov berish usullaridir. U birinchi navbatda, zarur dasturiy ta'minotga ega bo'lgan kompyuterlar va ma'lumotlar joylashtirilgan telekommunikatsiya vositalaridir.



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Shavkat Mirziyoyev, 2017-yil, 22-dekabr, Oliy majlisga murojaatnomasidagi nutqidan.
2. Islom Karimov. "O'zbekiston mustaqil taraqqiyot yo'lida". -T.: "O'zbekiston", 1994.
3. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimovning "Yuksak bilimli va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash - mamlakatni barqaror taraqqiy ettirish va modernizatsiya qilishning eng muhim sharti" mavzusidagi Xalqaro konferensiyada so'zlagan nutqidan. - Toshkent, 2012 yil, 17 fevral.



O'ZBEKISTON MILLATLARARO MUNOSABATLARNI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA HOS HUSUSIYATLARI

Matnazarova Muhayyo Axmetjonovna
O'zbekiston Milliy Universiteti tayanch doktoranti
matnazarova2020@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu tezisda O'zbekistonda yashab kelayotgan millat va elatlarning bugungi kundagi turmush tarsi, ularga yaratib berilayotgan imkoniyatlar, yoshlarni milliy va umumsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash masalalari tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: qadriyat, milli va umuminsoniy qadriyat, yoshlar, vatanparvarlik, millat, elat,

Millatlararo totuvlik deganda ko'p millatlar yashayotgan mamlakat hududidagi turli millat va elat vakillarining hamjihatlik va o'zaro hamkorlikda yashashlari, ularning ongi va qalbida yagona Vatan tuyg'ularining mustahkamligi, uning istiqboli yo'lda sidqidildan mehnat qilish va fidoyilik ko'rsatish ruhiyatining amal qilinishini tushunish mumkin.[1] Bu haqda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev qayd etganidek: "Mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab bag'rikenglik va insonparvarlik madaniyatini rivojlantirish, millatlararo va konfessiyalararo hamjihatlikni, jamiyatda fuqarolar totuvligini mustahkamlash, barcha fuqarolarga millati va diniy e'tiqodidan qat'iy nazar, teng huquq va imkoniyatlar yaratish, yosh avlodni vatanparvarlik, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalash O'zbekistonda davlat siyosatining muhim ustuvor yo'nalishlaridan biri etib belgilangan"[2], - deya ta'kidlagani ayni haqiqatdir.

Mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab, millatlararo va konfessiyalararo hamjihatlikni mustahkamlash, millatlararo totuvlikni ta'minlash, bag'rikenglik va insonparvarlik g'oyalarini yoshlar ongiga singdirish shuningdek mamlakatimizda yashayotgan turli millat va elat vakillarining urf-odat va an'analarini hurmat qilish, tinchlik va totuvliknikning muhim omili ekanligi alohida e'tibor kasb etdi. Milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida qarash davlatimiz siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri etib belgilangan

Millatlararo munosabatlar hamda ular o'rtasidagi tinch va totuvlikni mustahkamlash masalasi Harakatlar strategiyasida ham o'z aksini topgan. Ma'lumki, mamlakat hududida yashayotgan barcha millat va elat vakillarining ehtiyojlarini hisobga olish, manfaatlarni uyg'unlashtirish va yagona maqsad sari, ya'ni Vatanni taraqqiy qildirishga yo'naltirish milliy hamjihatlikni ta'minlashning asosiy omili hisoblanadi.

Agarda biz statistik ma'lumotlarga yuzlanadigan bo'lsak bugungi kunda mamlakatimizda 136 millat va elat, xalq va etnik guruhlarning vakillari yashaydi. Ularning har biri o'z milliy madaniy urf-odatlari, an'analarini, tiliga, konstitutsiyaviy huquqiy tenglikka ega.

Shu bois ham bugungi kunda mamlakatimizda yashab kelayotgan millatlarni o'zaro hamjihatlik ruhida tarbiyalash maqsadida istiqlol mafkurasi asosiy maqsadlaridan biridir. U xalqimizga bolgan olijanoblik va insonparvarlik fazilatlariga asoslanadi. Ma'lumki, milliy siyosat olib borilganida ko'p millatchilik maqsadimiz yagonaligini, taqdirimiz birligini, hamjihatlik zarurligini tushunishga yordam beradi, umuminsoniy g'oyalarning ustuvor bo'lishini, shaxsiy manfaatlarni to'g'ri anglab olishni osonlashtiradi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev turli millat vakillaridan iborat xalqimiz bilan muloqot qilish, ularning qalbiga qulq solish, muammolariga yechim topish borasidagi yangi islohotlar davrini boshlab berdi. Davlatimiz rahbari 2016-yil 14-dekabrdan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqida "mamlakatimizda hukm surayotgan millatlar va fuqarolar totuvligi, o'zaro hurmat va mehr-oqibat muhitini ko'z qorachig'idek saqlash hamda mustahkamlashni



o'zimning ustuvor vazifam, deb hisoblayman"[3], deb ta'kidlagani buning yorqin hayotiy isbotidir.

Xalqimizning moddiy va ma'naviy boyliklari juda ko'p, lekin bizning eng katta boyligimiz, bu jamiyatimizda hukm surayotgan millatlararo tinchlik va hamjihatlikdir. Millatlararo totuvlikda yashash xalqimizga ajdodlarimizdan qolgan ulug'meros hisoblanadi. Bugungi avlodlarimiz ana shu merosga sodiq bo'lgan holda mamlakatimizda yashayotgan barcha millat va elat vakillarida yagona Vatan tuyg'usini mustahkamlash yo'lidagi fidoyiligi ma'naviyatimizni boyitib borishimizning muhim yo'nalishi sifatida namoyon bo'lmoqda.

Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizda millatlararo totuvlik g'oyasining hayotga tatbiq etish va yoshlarni baynalmilal ruhda tarbiyalash uchun aholi orasida olib borilayotgan targ'ibot va tashviqot ishlar samaradorligini yanada oshirish lozim. Shuningdek yoshlar ongiga vatanparvarlik g'oyasini singdirish bilan birga o'zga millat va elat vakillarining urfodat va ana'nalarini hurmat qilishni, bir tan bir jon bo'lib,O'zbekiston tinchlikni ta'minlash uchun hamjihatligimizni yanada mustahkamlashimiz zarur.

Foydalanimizga yaroq bo'lgan adabiyotlar

- 1.Abdurahmonov M, Otamuratov S. Ma'naviy salohiyat. T. 2009y 51 bet
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni T. 2017-yil 9-may
3. 2016-yil 14-dekabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqidan 2016-yil 14-dekabr



ADABIYOT DARSALARINI O'QITISHDA SAMARADORLIK VA INNOVATSION TEXNALOGIYALAR LARNING AHAMIYATI.

Shamsiyeva Huriyat

Qashqadaryo viloyati Koson tumani 14-umumiyy o'rta ta'lif makkabining
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada adabiyot darslarini o'qitishdagi ayrim muammolar va ularning yechimi haqida mulohazalar yuritilgan. Adabiyot darslarini o'qitishda shu soha metodistlarining fikrlariga atroflicha to'xtalib o'tilib, zamonaviy adabiyot darslarida innovatsion texnologiyalar va usullardan foydalanishning samarasini haqida fikr yuritilgan

Kalit so'zlar: innovatsion texnologiyalar, o'qitish usullari, kakografiya, lingvistik zakovat, musiqiy zakovat, jismoniy harakatga asoslangan zakovat texnologiyalari.

Muhtaram Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev ustoz va murabbiylarga: "Biz xalqimizning eng katta boyligini - millionlab farzandlarimiz, jordan aziz o'g'il-qizlarimizning taqdirini, O'zbekiston istiqbolini sizlarga ishonib topshirganmiz va bu vazifani mas'uliyat bilan ado etib kelayotgan sizlar kabi fidoyi insonlar, kelajak bunyodkorlariga har qancha tahsin va tasannollar aysak, arziydi." degan edilar. Yurtboshimizning ushbu fikrlarida jamiyatimizda o'qituvchilik kasbiga alohida e'tibor qaratilayotganining yorqin isbotidir. Jamiyatimizda o'qituvchi va murabbiylarning nufuzini oshirishga qaratilgan davlat siyosatiga shaxsan Muhtaram yurtboshimizning o'zları boshchilik qilmoqdalar.

Bugungi shiddat bilan jadallahib borayotgan taraqqiyot davrida dunyo har daqiqada o'zgarmoqda, avlodlar o'zgarmoqda va o'sib kelayotgan avlodning fikrashi, dunyoqarashi turlicha va bu jarayon bugungi ta'lif tizimida o'qituvchining tinimsiz izlanishga, yangidan-yangi g'oyalarni qo'llashga, ta'lilda innovatsion texnologiyalardan, AKTdan foydalanish zaruratini tobora orttirmoqda.

Yosh avlodni har tomonlama mukammal, barkamol inson sifatida kamol toptirish, dunyoning istalgan burchagidagi tengqurlari bilan tenglar ichra teng bo'lib muloqotga kirishini ta'minlash uchun adabiyot darslaridagi samaradorlik, texnalogiya va usullarning to'g'ri tanlanayotganligi yanada dolzarblikni kasb etadi. Binobarin, metodist R.Keldiyorov ta'kidlaganidek, "Adabiyot o'qituvchisining o'zi kashfiyat yaratish yo'llini bilmasa, o'nlab metodik kitob-u ko'rsatmalar befoyda". Darhaqiqat, dars o'qituvchining bilimdonligi, ijodkorligi va improvizatsiya mahsulidir. Shuning uchun ham har bir dars takrorlanmas bo'lib, o'qituvchi va o'quvchining hamkorligiga asoslandi. Hozirgi kunda o'quvchilarning intelektual salohiyatini oshirish va ma'nnaviy kamol toptirish uchun o'qituvchi darslarida turli xil interfaol metodlar va zamonaviy texnologiyalardan foydalanadi. Har qanday innovatsion texnalogiya va interfaol metodlarning asosiy vazifasi axborotni o'quvchilarga tez va aniq, tushunarli tarzda yetkazib berishdan iborat.

Zamonaviy interfaol texnalogiya va usullar o'quvchiga tayyor bilim bermaydi, u o'quvchilarni to'g'ri yo'l orqali yo'naltiradi. Fikrlarni jamlashga o'rgatadi. Savollar yordamida muammoning yechimini topishga undaydi. Bularning barchasiga adabiy ta'lif jarayonida o'qituvchining kreativ yondashuvi tufayligina erishish mumkin.



Foydalaniman adabiyotlar ro'yxati

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini mard va oljanob xalqimiz bilan birga quramiz. Xalq so'zi.// 2016 yil 16 dekabr
2. Husanboyeva Q. Adabiy ta'limdi mustaqil fikrlashga o'rgatish asoslari. - T.: O'zinkomsentr,2003. - B
- 3.Egamberdiyeva N. Innovatsion ta'lim texnalogiyalari va pedagogik kompetentlik. - T., 2016.
4. A Rafiyev. L Rafiyeva. "O'zbek tili va adabiyoti".T., 2008
- 5.Yo'ldoshev Q, Qosimov B.Adabiyot. 9-sinf. - T.: NMIU,2019



"JANNATGA KON O'ZBEKISTONIM!"

**Andijon viloyati Asaka tumani
56-umumiy o'rta ta'lif maktabining
Tabiiy fanlar(geografiya) fani o'qituvchisi
Soliyeva Shaxnoza Nematjonovna**

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekistonimizning naqdar jannatmakonligi qolaversa uning geografik tabiiy tuzilishi va sharoitlari haqida maqola muallifi tomonidan chuqur teran fikrlar aks ettirilgan. Maqolada Vatanimizning boy tabiat haqida kata ma'lumotlar berilgan. Ushbu ma'lumotlar o'quvchilar va pedagoglarga katta yordam beradi degan ummitdamiz.

Kalit so'zlar: so'lim go'shalari, ye rust va ost

boyliklar, mineral xom ashyo, yer zahiralari, tabiiy boyliklari,tabiatni muhofaza qilish, cho'l va vodiyalar.

O'zbekistonning tabiat benihoya go'zal va so'lim go'shalarga boy bo'lib, undagi Shoximardon, Baxmal, Chimyon singari tog'li hududlar ba'zi ma'noda haqli ravishda Shveysariya tabiatiga qiyoslanadi. Bahor va yoz oylarida Omonkuton, Og'aliq va Sarmishning tabiat qo'nida olingan bir kunlik dam insonga ko'pga yetadigan ma'naviy va jismoniy oziqa bag'ishlaydi. Respublikadagi cho'l va vodiyarning tabiat ham o'zgacha. Ular inson uchun ma'naviy va moddiy boylik manbai bo'lib xizmat qiladi. Dunyoda mashhur qorako'li va antiqa terilari ham O'zbekiston cho'llarida yaratiladi.

O'zbekiston shuningdek yer usti va yer osti boyliklarining mo'lligi bilan ham MDH mamlakatlari o'rtasida alohida o'rin tutadi. Uning hududida 658 turdag'i umurtqali hayvonlar, shu jumladan 97 tur sut emizuvchi, 424 turdag'i qush va 79 turdag'i baliqlar, xilma-xil amfibiyalar va reptiliyalar yashaydi. Undagi o'simliklar dunyosi 4,5 mingdan ortiq turni o'z ichiga oladi.

O'zbekiston zamini mineral xom ashylarga boy. Bu zaminda Mendeleyev davriy sistemasining deyarli barcha elementlari topilgan. Bu mineral boyliklar 900 ta topib o'rganilgan konlarda va 2000 ga yaqin kelajakda o'rganib foydalaniladigan konlar joylashgan. Oltin zahiralari bo'yicha O'zbekistonning dunyoda to'rtinchi o'rinni egallashi ham uning tuprog'i naqadar boy ekanligidan darak beradi. Bundan tashqari respublika tabiiy boyliklari jihatidan neft, gaz, rangli va nodir metallar, ko'mir va fosforitlar, ohaktosh, marmar, granit va turli tuz konlariga boyligi bilan ham ajralib turadi. Undagi shifobaxsh suvlar o'zining zahirasi va tarkibidagi foydali minerallari bilan jahonda mashhur kavkaz suvlaridan qolishmaydi. Bu suvlar bazasidan 12 ta sanatoriya ishlab turibdi, 9 ta konning suvi zavodda qadoqlanib, xalq iste'moliga yetkazib berilmoqda.

Dunyoning ko'pgina rivojlangan mamlakatlarida o'zlashtiriladigan yer zahiralari tugab qolgan bir sharoitda O'zbekistonda bunday yerkarning yetarli darajada mavjudligi respublika yorqin istiqbolining yana bir yarqiroq qirrasidir. Respublikada qishloq xo'jaligi uchun foydalanish mumkin bo'lgan 27,5 mln hektar maydonдан 5,0 mln hektariga dehqonchilik qilinadi (18%). Shundan 4,2 mln hektari sug'oriladigan yerlar bo'lib, qolgani lalmiklar maydonlardir. Suvdan unumli foydalanish, tomchilatib, yomg'irlatib va namlatib sug'orish texnologiyalarining joriy qilinishi suvning qishloq xo'jaligidagi sarfini kamaytirgan holda yangi yerlar o'zlashtirib, sug'oriladigan dehqonchilik maydonlarini kengaytirish imkonini beradi. Yer maydonlari zahirasining yetarli ekanligi respublikada chorvachilikni rivojlantirish, aholini go'sht, sut va teri mahsulotlari bilan ta'minlashni yaxshilash imkonini beradi. Respublikadagi mavjud 44,9 mln. hektar maydonning 22,5 mln. hektari chorvachilikda foydalanilmoqda. Yer resurslari orasida muhim o'rinni sug'oriladigan yerlar egallaydi. Bu yerlar garchi qishloq xo'jaligida foydalaniladigan maydonlarning atigi 15% ni tashkil



qilsada, ammo ular ishlab chiqariladigan jami dehqonchilik mahsulotlarining 95 % ni beradi. Bu zaminda millionlab tonnalab qimmatli texnik xom ashyo hisoblangan paxta, don va sabzavot mahsulotlari yetishtiriladi. Serquyosh O'zbekiston yerida yetishtirilgan shirin-shakar mevalar dunyoda tengi yo'qdir. Meva va sabzavotlar respublika aholisini ta'minlabgina qolmay, balkim qo'shni davlatlarga va hatto uzoq mamlakatlarga ham eksport qilinmoqda.

O'zbekistonning yana bir muhim tabiiy boyligi uning hududidan oqib o'tadigan kattayu-kichik daryolardir. 20 dan ortiq bo'lgan bu daryolarning umumiyligi 7,5 ming km atrofida bo'lib, ko'p yillik o'rtacha ma'lumotlarga ko'ra ulardan sekundiga qariyb 3,7 km. kub suv oqadi. Respublikada shu kundagi suvning jami yillik sarfi 65 km. kubligini hisobga olsak, Orol dengizini tiklashga yetarli darajada suv yuborgan holda xalq xo'jaligini rivojlantirishga hali yana qo'shimcha imkoniyatlar mavjudligi ko'rilib turibdi.

O'zbekistonda tabiat muhofazasi ishi mamlakat mustaqilligining dastlabki yillardayoq konstitutsion asosga qo'yildi. 1992 yilning 8 dekabrida qabul qilingan O'zbekiston respublikasi Konstitutsiyasining 50-moddasida O'zbekiston hududida yashayotgan barcha fuqarolar atrof muhitni muhofaza qilishga majbur ekanliklari belgilandi. Uning 55-moddasida esa barcha turdag'i tabiiy boyliklar umummiliy bo'lib, ular davlat muhofazasidan ekanliklari ko'rsatib o'tildi. Respublika hududida jamiyat va tabiat o'rtasidagi munosabatlarni hukumat doirasida tartibga solib turish maqsadida xalq deputatlari Oliy Majlisida, viloyat, shahar va tuman Kengashlari huzurida xalq xo'jaligining boshqa sohalari qatori tabiat muhofazasi sohasida ham doimiy komissiyalar tuzilishi Konstitutsiyaning 100-moddasida belgilandi.

Respublikada tabiat muhofazasiga doir o'nlab Qonunlar ishlab chiqib qabul qilinganki, bular atrof muhitning sofligini saqlash va tabiiy boyliklardan foydalanishni tartibga solib turishda ta'sirchan yuridik hujjat bo'lib xizmat qiladi. Bunday hujjatlar respublika mustaqil bo'lgani qadar Ittifoq qonunchiligi bilan ham belgilangan edi.

Maqola yozish davomida fikr yuritdim O'zbekistonning tabiiy sharoiti naqadar yaxshi ekanligini ko'rib uni jannatga qiyoslash mumkin deb aytsam yanglishmasam kerak deb o'yladim. Haqiqatdan ham vatanimiz tabiatini betakror ayniqsa yoz va bahor fasllarida..

Foydalilanigan adabiyotlar:

1.F.E Gulmetov A.A Allabergenov "Turizm geografiyasi" kasb hunar kollejlari uchun qo'llanma 2004

2."Bolalar uchun enskilopediya" 2010

3."Umumiyl tabiiy geografiya" P.Baratov tarjimasi



EHSON VA SADAQA.

Sultonova Saida

Xorazm viloyati,Qo'shko'pir tumanı

25-sonli umum ta'lím maktabning o'qituvchisi.

Tell:+998975261244.

@mail:Sultonova@mail. ru.

Annotatsiya: Ushbu maqolada ozbek millatiga xos odamiylik,mehr,oqibat , ezgulik ulashish kabi fazilatlaridan biri ehson va sadaqa haqida so'z yuritiladi. Insonlardagi but jihatlarni hozirgi kundagi ahamiyati,o'rini haqida ham ma'lumotlar keltiriladi.

Kalit so'zlar:Ehson,muqaddas kitob,ne'mat,hayr-u sahovat,zikr.

Ehson va sadaqa-savob omili.

Ehson-bu ,albatta, biz bilgan hayr-u saxovatdir.Lug`atlarda keltirilishicha "Ehson"so`zi "Yaxshilik qilish,ezgulik ko`rsatish"degan ma`nolarni anglatadi.

"Ehson" so`zining ta`rifi juda ko`p.Odatda birovga biror ne`matni berish va unga mehr-muruvvat ko`rsatish ham ehson hisoblanadi.Bizning muqaddas dinimiz bo`lmish islam dini ham ehson dini sanalarkan.Muqaddas kitobimiz Qur`oni karimda ehsonning fazilati haqida to`liq ma'lumotlar keltirilgan.Ehsonning fazilati shundaki,ehson qiluvchilarga beriladigan savob va mukofotlar juda ko`p.Biror kishiga ehson qilsangiz yoki unga biror yaxshilik ko`rsatsangiz,albatta, bundan dilingiz quvonsa,o`zingizda katta bir yengillik paydo bo`ladi.Ehson qilingan kishi ham o`ziga ko`rsatilgan yaxshilikdan sevinadi,dilida sizga muhabbat paydo bo`ladi,unda qaysidir muammo o`z yechimini topadi.Mana shunday ehsonlar jamiyatdagi kishilar o`rtasidagi totuvlikni,hurmat e'tiborni paydo qiladi,oz bo`lsada dushmanchilik degan so`zdan ancha yiroqlashtiradi.Kimki birovning eng og`ir kunida unga yaxshilik qilsa,Alloh taolo unga bir yaxshiligi uchun o`n,yuz karra qaytarib beradi.Chunki bu foni yunyo bizga Allah taolo tomonidan berilgan bir omonatdir.

Ehson deganda faqat birovga pul yoki biror narsani chin ko`ngildan berish yoki yaxshilik qilishdan iborat emas.Bu so`zning juda ko`p turlari bor.Masalan,Muhammad alayhissalomga ergashish ham-ehson, birovni kechirish ham-ehson, hattoki birovga yaxshi muomala qilish ham-ehson sanaladi.Allah taolo ehson qiluvchilarni juda yaxshi ko`rarkan.Yaxshilik qiluvchilarga bu dunyoda ham yaxxshilik bor kan.Bu dunyoda bitta yaxshilik qilsak,oxiratda o`ndan to yetti yuzgacha yaxshilik bizni kutib yuradi.

Sadaqa in`omdir.Evaziga Allah taolo savob beradi.Bajarilishi lozim bo`lgan yaxshi amallarni qilish ehson deyiladi.

Har bir inson shu dunyoda yashab turgan ekan,xayolimiz,fikrimiz,qo`limiz va zikrimiz yaxshilik qilishda bo`lishi kerak.Hadisi sh`riflarning birida shunday keltirilgan:"Yaxshilik qilish qo`lingdan kelmasa,hech bo`lmaganda yomonlik qilma".Muborak oyalarimizdan bo`lmish ro`za-i ramazon oyi aynan ehson oyi hisoblanadi.Ushbu oyda haqiqiy musulmon o`z nafsi Oolloh taolo yo`lida tiyishi va o`zidan ortirgan narsasini yoki yaxshiligini birovga beradi.Chunki sadaqa eng afzali ushbu oyda qilingani ekan.Bizning jamiyatimizda shunday insonlar borki ular birovga yaxshilik qildim deya ko`p aytishadi.Men o`zimning kichik bir hayot tajribamdam kelib chiqib aytishim mumkinki,ya`ni 80 yoshni qarshilab olamdan o`tgan buvimning bizga aytgan o`gitlaridan misol qilib aytsam,birovga kimki yaxshilik yoki ehson qilsa uni hech qachon unga yoki birovga men shunday yaxshilik qildimku demasligi kerak ekan.Aks holda u qilgan ehson minnat deb hisoblanarkan.Shunchaki ehson insonning chin ko`ngildagi eng go`zal ishlaridan biri bo`lishi kerak.Ehson va sadaqa yoki



yxashilik hech qachon bozorda sotilmaydi yoki bo`lmasa qiymati o`lchanmaydi.

Hozirgi kunda xalqimizni,nafaqat xalqimizni,balki butun dunyoni xavf ostiga qo`yan karanovirus balosining tarqalishida har kim har xil mish-mish tarqatyapti.Bu bizning yurtimizda ro`za ramozon oyining kirib kelishi bilan asta sekinlik bilan yo`qolib borayapti.Oolloh taolomizning ro`yosining qarangki bu ofat musulmonlik dini tarafdarlarini tutgan ro`zalari va qilayotgan ehsonlarining samarasidir.Hatib domlalarimizning fikricha mana shu ro`za ramozon oyi tugaganiga qadar ushbu qora o`lat ofatidan butun musulmon olami butublay holos bo`larkan.

Ohirgi zamon kelishini oldini olayotgan narsalardan biri bu mening fikrimcha dunyodagi komil insonlar tomonidan qilinayotgan ehsonlar va ezgu amallardir.Ana shunday yaxshi,insofli,kambg`alni qayg`urguvchi insonlar uchun haligacha hayot davom etmoqda.Bir o`ylab ko`ring! Nima uchun hozirgi kunda kofe,restoronlarga borib ko`ngil ocharchilik uchun,yoki bo`lmasa har bir to`y, bazm uchun alohida libos kiyib xohlaganimizcha pul sarf qilamiz-u qaysidir ulug` pir-u ajdodlarimiz qabrlarini ziyyorat qilishga borganizimda cho`ntagimizni ichidan eng mayda pulni topib sadaqa qilamiz.Bu bizning musulmonchiligidizga to`g`ri keladimi?To`g`ri bu gaplar bilan yaxshi yejish, yaxshi kiyinish kerak emas deganimas.Har bir narsani nafsimizni tiyib ishlatishimiz kerak.

Bir yurtdan boshqa yurtga ziyyoratga borib kelgandan ko`ra shunga sarflanadigan mablag`ni bir faqirga berib shuni duosini olgan afzalroq emasmi?Bu katta bir haj safariga borib olgan savob bilan teng emasmi?Eng avvalo yetti qadam yaqin joydagisi yoki yaqin qarindosh- urug`laring holidan xabar olib keyin ko`ngilni hotirjam qilib ziyyorat safariga borgan afzal.

Boylikni Olloh taolomiz birovga sinab, birvga esa siylab beradi.Shu ikkala yo`l bilan kelgan boylikni nafsimiz tiyib, qo`ldan kelganicha yetim-yesirlarga, beva- bechoralarga har doim ehson qilib turishimiz kerak.Chunki biz musulmonmiz.Bizning bir tutgan ro`zamiz,o`qigan namozimiz va butun umrimiz davomida qilgan ehsonimiz bizni Ollohimiz oldida yuzimizni oq qilguvchi ishlarimizdir.

Foydalaniqlanadigan adabiyotlar:

Zoirov D. Islom Nuri.Toshkent. :O'qituvchi,1998.



INSON QALBIGA YO'L YOHUD QALB TUSHUNCHASINING ASL MOHIYATI

Sherali To'rayev
Samarqand davlat tibbiyot instituti talabasi
Telefon:+998(99)5051215
torayevsherali490@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada barchamizning nutqimizdan keng o'rin olgan qalb tushunchasi haqida so'z boradi. Qalbni pok saqlash va uning asl mohiyatini to'laqonli anglashimiz borasidagi mulohazali savollarga maqolani o'qish davomida o'rinchicha javob topish mumkin.

Kalit so'zlar: Ma'naviyat, qalb tarbiyasi, o'zlikni anglash, ruhning bulog'i, jismoniy qalb, ilohiy tuyg'ular

"Ma`naviyat haqida har qancha da`vatlar, muhim nazariy fikrlar bildirilmasin, agar ularni jamiyat ongiga singdirish uchun doimiy ish olib bormasak, bu boradagi faoliyatimizni har tomonlama puxta o`ylangan tizimli ravishda tashkil etmasak, tabiiyki biz ko`zlangan maqsadga erisha olmaymiz, ya`ni, inson qalbiga yo'l topa olmaymiz".

Islom Karimov

Darhaqiqat, inson qalbiga yo'l topilmas ekan, nafaqat ma`naviyat, ayni damda boshqa jabhalarda ham o`sish, o`zgarish, yangilanish haqida so`z bo`lishi mumkin emas. Zero, insonning mohiyati uning qalbidadir. Qalbi qattiq, toshbag`ir, hissiyotsiz inson har qanday qabihlikka qodir. Faqat qalb tarbiyasigina insonni ma`nan yuksaltiradi, ezgulikka safarbar etadi.

Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug`aniyevich Karimovning "Yuksak ma`naviyat-yengilmas kuch" asari to`rtinch bobining birinchi fasli "Inson qalbiga yo'l" deb ataladi. Bundan shuni sezish mumkinki, qalb insonni hayotdagi o`rnini, turmush faoliyatini belgilab berar ekan. Shu o`rinda savol tug'iladi. Qalb o`zi nima? Uning mohiyati qanday? Bu savollarga jovob topish o`zlikni anglash bilan barobardir.

Qalb so`zi ikki xil ma`no uchun ishlataladi. Birinchisi-ko`krak qafasining chap tomonidagi sanavbar (ignabarg daraxt turi) daraxti shaklidagi bir bo`lak go`shtdir, uning ichi bo`shliq bo`lib, ana shu bo`shliqda qora qon bor. U ruhning bulog'i va ma`danidir. Bu bir bo`lak go`sht chorva mollari, o`liklarda ham mavjud.

Ikkinci ma`no-Robbimiz bandalariga ato etgan ruhoniy narsaki, uning jismoniy qalbga bog`liqligi bor. Ana shu ilohiy ne`mat insonning asl mohiyati, haqiqatidir. U insonning idrok qiluvchisi, biluvchisi va tanuvchisi hisoblanadi. Uning jismoniy qalb bilan mustahkam aloqasi borki, ko`p insonlarning ana shu mushtaraklik holatini bilishga aqllari yetmay qoladi. Chunki ilohiy qalbning jismoniy qalbga bog`liqligi shakl-ranglarning jismlarga, sifatlarning sifatlanuvchiga, biror asbob ishlatuvchining o`sha asbobga, bir yerga o`rnagan kishining o`sha o`ringa bog`liqligiga o`xshaydi. Bu qalb Alloho biluvchi, Alloha yaqinlashuvchi, Alloh uchun amal qiluvchidir.

Qalb shunday narsaki, agar inson uni tanimasa, o`zini ham tanimabdi, agar o`zini tanimasa Robbini ham tanimaydi. Shunday ekan, qalbimizni doim pok saqlab, uning tuprog`iga ezgulik urug`larini ekaylik. Toki bu tuproqdan unib chiqqan nihol ulkan daraxtga aylanib, totli mevalar bersin. Bunday mevalar ta`mini tatib ko`rgan dudoqlar o`z qalbida yashiringan ilohiy tuyg`ular lazzatini his qilib yashasin.



Foydalaniman adabiyotlar ro`yxati:

1. Abu Homid G`azzoliy. Ihyou ulumid-din (Qalb kitobi). - Toshkent. 2006.
"Movarounnahr". 2-3 betlar.
2. www.ziyouz.com.
3. www.manaviyat.uz.



ILM-MA'RIFATNING BUGUNGI KUNDAGI O'RNI

**Urimboyeva Vasila Begimqulovna
Sirdaryo viloyati Oqoltin tumani
1-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi**

Аннотация: Biz bilamizki komillikning asosi - ilm! Komil inson tarbiyasi hamma davrlarda muhim ijtimoiy vazifa hisoblanib, yaxshi tarbiya ko'rgan insonga jamiyat boyligi, deb qaralgan. Inson ziynati u egallagan bilimlari bilan o'lchangan. Islom dini ta'limotida bilimli insonlar yetuk komil inson hisoblangan. Mutaffakirlarimiz qarashlarida komil inson bo'lishi uchun ko'pgina xususiyatlarini egallah lozimligi o'z aksini topganini ko'rishimiz mumkun .

Husan Voiz Koshifiyga ko'ra: - "Insonning ta'lim tarbiya orqali: qayta - qayta tarbiyalash, aqliy qobiliyatini o'stirish mumkin" - u o'zining pedagogik qarashlarida bolalarda mustaqil fikrlesh qobiliyatini o'stirish masalasiga alohida e'tibor beradi.

Калим сўзлар: Ta'lim tarbiya, ma'naviyat, yuksalish va boshqalar

Birinchi Prezidenti Islom Karimovning ma'naviyatni yuksaltirishda sharq allalomalarining tutgan bebafo o'rnini juda qadrlagan, allomalarning yozgan asarlarni oltindan qimmatligini va ularni amalga oshirgan kashfiyotlari zamonaviy ilm-fan va taraqqiyot uchun naqadar dolzarb va zarur ekanligini ochib berishining ahamiyati shunchalik muhim deb hisoblaydi. Va shu o'rinda shuni takidlab o'tish ham kerakki, yuqorida ko'rilgan kashfiyotlar, yozilgan asarlar hamma hammasi bu bizning yoki bo'limasa jahon ravnaqi osudaligi yo'lida qilinga ishlar sirasiga kiradi. Birinchi yurt boshimiz shunday jabhalarni nazarda tutib aytgan ta'lim , madaniyat va ilm-fan bularning hammasi bizda bo'layotgan tibbiyot, san'at va arxitektura sohalarida beqiyos yuksalishlar, va boshqa jabhalarning ko'zda tutilishi bu abvalom bir nisbiy barqarorlikning ta'minlanishi bilan bevosita bog'liq bo'lgan deb hisoblaydi.

Bir so'z bilan aytganda ilm-fan , madaniyat , marifat bularning hammasi bugun va erta uchun qilinayotgan zamin desak yanglishmaymiz, negaki, Amir Temur takidlaganidek "Hech qachon marifatli, ilmli insondan buzg'unchi, yurtni vayron qiluvchi kimsalar yetishib chiqmaydi " degan edi.

Bu borada muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ham o'zining fikrlarini bildiradi va bugungi kunda xalqning va biz yoshlarning ma'naviyatini yuksaltirishda ilgari surilgan tashabbuslar, qilinayotgan islohotlar hammasi siz yoshlar va kelajagimiz uchun deya takidlaydi va buning uchun faqat oldinga harakat qilishimizni, yurt uchun, kelajak uchun intilishni maqsad qilishimizni uqtiradilar. Negaki xalqi, yoshlari ilmli, ziyoli yurt hech qachon rivojlanishdan, o'sishdan to'xtamaydi va boshqa yomon illatlarning yurtga raxna solishiga yo'l qo'ymaydi deb takidlaydilar.

Va shu bilan birgalikda, o'zining murojaatnomasida ham biz yoshlarga qarata o'z fikrlari va talablarini bildirib o'tdilar. Xalqimiz shuni yaxshi bilishi kerak: oldimizda uzoq va mashaqqatli yo'l turibdi. Barchasi ji pslashib , tinimsiz o'qib-o'rgansak, ishimiz , ishimizni mukammal va unumli bajarsak , zamonaviy bilimlarni egallab, o'zimizni ayamasdan oldinga intilsak, albatta hayotimiz va jamiyatimiz o'zgaradi.



Foydalaniman adabiyotlar:

1. Abu Nasr Forobi: "Fozil odamlar shahri"-Toshkent., Yangi asr avlod. 266-267-betlar.
- 2.Maqola.uz



INSON HAYOTIDA BAXTIYOR BO'LISHI UCHUN YARATILGAN.

Navoiy viloyati Uchquduq tumani
Tuman xalq ta'limi bo'limi metodisti
Xolbutayev Sharifjon
sharifjon.xolbutayev@mail.ru
Telefon raqami: +998934334845

Annotatsiya: Hayotda inson har doim nimagadir erishish uchun harakat qiladi. Albatta bu harakati davomida o'zining yaxshi yashashi va kamol topishi uchun faqat oldinga intilib, yo'lning goh oq yo'laklaridan, goh qora yo'laklaridan yurishga majbur bo'лади. Siz azizlarim bir narsaga e'tibor bering! Shunday insonlar bo'ladiki bir insonni yumushlarini deb o'zini shaxsiy hayotidagi ishlarini unutib yuborishga qodir. Hayotingiz naqadar tubanlikka qarab ketayaptimi a qani o'zingiz bir turib oynaga qarangchi? Nimani ko'rар ekansiz. Oynaga qaragan zahoti dunyoni o'zgartirishga qodir insonnni aksiga duch kelasiz.

Kalit so'zlar: o'ziga ishonch, jamiyat qusurlari, insonlar hayoti, oila muqaddasligi erta turmush, qarindoshlar o'rtasidagi nikoh, insonni hayotga nazari

O'zingiz bilasizmi shu o'tkir nigohlar o'zgalarga naqadar o'zgacha ta'sir eta olishini nahotki bilmasangiz! Yo alhazar inson o'zini anglashi uchun nahotki butun umri etmasa.....bu hayotimizda azizlarimi har biringiz ma'lum bir darajada o'zingiz olamingizda o'zingiz yaratgan hayot tajribalariga ega insonsizlar, balki bu hayot tajribalari bilan sizlar baxtiyorlik sari o'zlariningga yo'l ochganlaringizni bilsangiz kerakdir. Inson hayotida baxtiyor bo'lishi uchun yaratilgan. Zotan kishi hayotida boy bo'ishi uchun emas baxtli yashashi uchun yashaydi. Balki mana shu baxtiyorlik sari o'zini anglash uchun kamol topishi uchun komil inson bo'lib etishishi uchun bu dunyoda hech narsa kam emas. Shunday ekan azizlarim o'z o'zimizni anglash uchun hozir ham kech emas bizni tariximiz milliy ma'naviy boyliklarimiz, umuminsoniy qadriyatlarimiz ajdodlarimizdan bizgacha saqlanib qolgan. Bu saqlanib qolgan xazinamizni o'rganib izlanib kelagak avlodga etkazish biz va siz azizlarni oldimida turgan eng asosiy vazifalarimizdan biri ekanligini unutmasligimiz kerak. Shunday ekan jumladan yana bir narsaga to'xtalib o'tmoqchiman. Jamiyat qusurlari deymiz deymiz o'zi jamiyat qusurlari nima ekanligini o'zimiz bilamizmi Qusur bir jamiyatdagi ijtimoiy faoliytkicha o'zini salbiy oqibatlari bilan jamiyatdagi nomutanosiblikni keltirib chiqaruvchi omilar sarasiga kiritamiz. Atrofqa nazar soling azizar atrofni rang barang ekanligi uning nafosat va nafisligini his etadigan insonlar juda kamchilikni tashkil etgan bu osmoni falak ostidagi olamda. Bir zum o'zimizning o'y hayollarimizni o'zimiz yaratamiz o'zimiz barbod qilamiz. Men jamiyatda, jamiyatning duru gavhari bo'limish insonlar orasida yurganimga ancha bo'lмаган bo'lsada, o'xshashi yo'q o'zaro bo'ладиган munosabatlarni ancha mazmun mohiyatini tushunadigan bo'lib qolganman. Bu gaplarim bilan men o'zimni yuksak aql idrok egasi sanamayman aslo siz va siz orqali insonlar hayotida ajb bir ser mazmun o'tkazishi uchun qandaydir kuch orqali tushunishlarini istadim. O'zbek adabiyoti o'chmas iz qoldirgan adiblarimiz, o'zlarini betakror asarlarida qimmatli so'zlarni tashlab ketgan. Sen yaxshi inson bo'lгanining bilan senga dushman insonlar hayoting davomida hamisha topiladi. O'ylama menga hamma insonlar do'st men ham hammaga birdek do'st bo'laman deb: yanglishasan chunki insonlarni yaratgan egam bir xilda yaratmagan. Qo'lingdagi barmoqlaringga nazar solgin barmoqlaring bir xil emasmi demak insonlar ham bir xilda oq emaslar. Ustozimiz O'tkir Hoshimovning "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" kitobida shunday deganki; yomonlarni ehtirot qiling chunki yomonlar du dunyoda yo'q bo'lсalar yaxshi insonlaring qadri bilinmay qoladi. Nahotki yaxshiga kun yo'q yomonga o'lim yo'q deydilar. Men bu bilan sizlarni bu olamga



bir hil nazarda boqolmaslingizni aytmoqchiman. Ba'zida o'ylab qolaman insonlar nega bir biriga bo'lgan eng buyuk narsa bu mehrni ravo ko'rmaydilar. Insonni bir ibiriga bo'lgan mehri bu olamga qayta tug'iliganidek bo'lmaydimi bir insonni mehri boshqasiga u inson uchun qanchalik muhim ekanligini bugungi kundagi yoshlarimizdan tortib yoshi ulug'larimizgacha ko'zga ko'rinas bo'lib boryapti. Nazarimda yana bir 50 yildan keyin faqat yaqin insonlar qo'ni qo'shnilar qarindosh urug'lar faqatgina oila a'zolardan tashkil topga bo'lib qoladi. Aksariyat yoshlarimiz bugungi kunda oila degan tushunchani anglay olmasligi ota ona tomonidan erta turmush berishlar erta nikohlab qo'yishlar bular nega kerak axir inson o'sib ulg'ayib voyaga etib oila muqaddasligini anglab etganidan so'ng nikohlansa nima bo'ladi. Yo'q aslo unday bo'lmaydi ota ona orzusi nima bo'ladi. Ota ona hali hayotligida farzandini to'yini ko'rsa baxli hayotini ko'rsa nevaralarini bag'riga bosib katta qilgisi keladi. Natijada nima bo'ladi erta uylangan yigit erta turmush qurgan qiz o'rtा turmush tashvishlari qiyinlik qilib oxir oqibat ajrashish eng oson yo'l ekan deb bir oila buzulib ketadi. Natijada oila muqaddasligini anglab etolmagan aksariyat yoshlarimiz baxtli hayot sari yo'l olmoqchiga o'xshaydi. Bilasizmi gohida yosh oilalar o'rtasida bir birini tushunmaslik o'zaro nomutanosib munosabatlар vujudga keladi. Bu munosabatlarni ijobjiy hal etish mumkinmi qarang a bir kuzatib ko'ring; bir oila baxtiyor edi baxti edi, qizi maktabda shoira edi sinfdoshlari o'rtasida o'z o'rni bor edi qizcha orzu qilardi, maktabni tugatib nasib bo'lsa o'qishga kiraman ota onamani yuzini yorug' qilaman. Kunlar ketidan kunlar o'tdi. Oylar ketidan oylar o'tdi qiz kursga borib o'qida izlandi maktabni tugatgach o'qishga topshirdi qarangki o'qishga kirolmadiyu onasi aygandi qizim o'qishga kirolmasang erga berib yuboraman. Bu masalada oilada necha necha bor janjallar bo'ldi qiz bechora nimalarni boshidan o'tkazmadi. Ona orzusi kuchlilik qildi. O'zining yaqin qarindoshidan kelgan sovchilarga rozilik berdi qiz kuyidi o'kindi foydasi bo'lmedi, qizni qarshliklariga qaramay ota ona baribir qizini turmushga berib o'zini orzu havasini amalga oshirdi qizini o'qishiga qiziqlishi ham bir tomonda qolib kedi. Qiz turmush chiqqanidan so'ng qanchalar qiyalganini yolg'iz qizni o'ziga ayon bo'ldi holos, qiz o'qishga bo'lgan qiziqlishlarini so'ndirmadi baribir o'qiyan dedi, bir yilda bir qiz farzandli bo'ldi, baxtil edi yosh farzandi bilan qiz azoblandi, qiz umidini uzmay o'qishga topshirdi. Qiz orzulari amalga oshdi va nihoyat o'qishda oliy ta'limda o'qish niyatları amalga oshdi. Lekin ikki to'siq bor edi biri farzandi ikkinchisi oilasi bu ikki to'siq ni ham uddasidan chiqdi. Qizni onasiga topshirdi oilasi bilan esa xayrlashdi ya'nı ajrashdi. Ikki oilada bu vaqt mobaynida ancha vaqtgacha kelishmovchiliklar bo'lib o'tdi qiz bolasini o'z onasiga topshirib o'qishga ketdi , shaxsiy fikrim bunday hayoti o'xshashlar necha necha son sanoqsiz kuzatishmiz uchratishmiz mumkin. Ey insonlar nahotki o'z-o'zlarining bilmasalarigiz qilayotgan bajarayotgan amallaringizni atrofdan bir turib kuzating nazar soling o'zingizni tahlil qiling! O'zingizga holisona baho bera oling ana shunda siz o'zingiz ustingizda ishlappingiz mumkin bo'ladi. Hayotingizni qadrlaydigan insonlar davrasini hech qachon tark etmang! Ular sizga yomon bo'lishini aso istamaslar.... Yuqorida aytganimdek erta turmushni oldini uchun amaliy takliflarimni aytmoqchiman: jumladan: jamiyatimizning asosini oila insonlar tashkil etadi, shunday ekan ularda jajji bolajonlar tarbiya topadi o'zi kamolga etadi, maktab ta'lim dargohiga ilk qadamlarini bosib kelganidan u jamiyatning ma'lum bir a'zosiga aylanadi, to'g'rimi.... Endi diqqat qiling maktablarimizda falsafa psixologiya, yosh o'g'il-qizlarni hayotga tayyorlash bo'yicha davlat ta'lim standartlari asosida fanlarni kiritsak qanday natijaga erishgan bo'lamisiz. Eng qizig'i endi bu tomonda jamiyatda insonlarni shaxs uning jamiyatda tutgan o'nrinti belgilaydigan darajaga yetkazadigan olia bog'cha asosiysi maktabning o'rini beqiyosdir asosiy fundamental bilimlarni o'quvchi yoshlarimiz maktablardan bilim olishadiyu dunyoqarash mana shu dargohdan shakllanadi. Yosh o'g'il-qizlarmiz o'smirlikdan balog'at yoshigan o'tish davrida o'zidagi ma'lum bir darajada o'zgarishlarni, bu o'zgarishlarni shakllantirishni maktab paytidan boshlab to'g'ri



yo'naltiriuvchi aniq bir yo'nalishlarni ham mana shu fanlar belgilab beradi. Aksariyat yoshlаримиз bu davrda ota onasiga aytolmaydilar, ota onalar esa o'z ishlari bilan ovvora bo'lishib farzandlaridagi bu o'zgarishlardan befarq qolib ketaveradilar. Ana shuning uchun ham bu fanlarni dasturga kiritishni maqsadga muvofiqligini bildiradi.

Xulosalarim shundan ibortki azizlarim biz hozirdan boshlab o'zimizga nazar tashlamas ekanmiz bez hech qachon o'zligimizni insoniyligimizni yillar davomida qidirib yuraveramiz yuraveramiz...

Foydalaniman adabiyotlar

1. www.ziyonet.uz

2. kitobxon.com



YOSHLAR QANCHALIK MA NAVIY BARKAMOL BO'LSA, TURLI YOT ILLATLARGA QARSHI IMMUNITETI HAM SHUNCHA KUCHLI BO'LADI.

Namangan viloyati Chortoq tumani

43- o'rta ta lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Ziyayeva Nazira Isaqovna

+998945011172

Annotatsiya: Mamlakatimizda yoshlar masalasi xar doim davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Yoshlarga oid davlat siyosati - bu davlatning demokratik taraqqiyot yo'lida rivojlanishida yoshlarni muhim strategik kuch sifatida tan olishi, zamonaviy dunyoda yoshlarning ehtiyojlari, ularning mavjud demokratik muhitga to'g'ri moslashuviga yo'naltirilgan qonunchilik va ijro etish xususiyatining yig'indisi hamda o'zining yoshlarga nisbatan boshqaruv va ijtimoiy funksiyalarini demokratik siyosiy tizim, xalqaro yohud milliy huquq normalari talabi darajasida to'liq bajarishidir. Yosh avlod vakillarining manfaatini, boshqa ko'pchilik qatlamlar vakillarining manfaatiga qarshi qo'ymasdan, umummilliyl manfaat bilan uyg'unlashtirish - yoshlar siyosatining asosiy vazifasidir.

Kalit so'zlar: ma'naviy-ma'rifiy sohalar, aqliy faoliyat, siyosiy tizim,

Mustaqillik yillarda mamlakatimizda yoshlarni vatanparvarlik, milliy an'ana va qadriyatlarimizga hurmat ruhida tarbiyalash, ma'naviy yetuk va jismonan sog'lom barkamol avlodni voyaga yetkazish, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida muayyan ishlar amalga oshirildi.

Mamlakatimiz aholisining 30 foizi 14 dan 30 yoshgacha bo'lgan yoshlardir. Ularning ta lim olishi, kasb-hunar egallashi uchun zamonaviy sharoit va imkoniyatlar yaratilgan. Shu bilan bir qatorda, yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazishni tashkil etish dolzarb masala hisoblanadi. Ma'lumki, davlatimiz rahbari ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi ishlarni yangi tizim asosida yo'nga qo'yish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edi. Yoshlar qanchalik ma'naviy barkamol bo'lsa, turli yot illatlarga qarshi immuniteti ham shuncha kuchli bo'ladi.

Biz pedagoglarning oldimizga muhim vazifa qilib, kuchli bilimga ega bo'lgan, o'z mutaxasisligi bo'yichayangilik yarata oladigan, yetuk marralarga erishishmi maqsad qilgan yosh kadrlarga ta'lim-tarbiya berish qo'yilgan. Inson tafakkuri faoliyat davomida shakllanadi. Shuning uchun o'quv amaliyoti oldida o'quvchilarini aqliy faoliyat usullarining o'ziga o'rgatish vazifasi qo'yiladi. Bu bilan bog'liq ravishda o'rganish bir vaqtning o'zida bilimning to'planishi va undan foydalanish usullarini o'zlashtirish jarayoni sifatida tavsiflanadi.

Usullarni o'zlashtirish, birinchidan, o'quvchilarining ular bilan tanishuvi orqali, ikkinchidan, mashqlar - turli materiallarda aqliy faoliyatning mos keluvchi usullarini qo'llash orqali, uchinchidan, ko'chish - yangi masalalarni hal etish uchun usullarni tatbiq etish orqali ro'y beradi.

Shunday qilib, aqliy faoliyatning shakllanish yo'li taxminan shunday: usul mazmunini o'zlashtirish - mustaqil ravishda uni qo'llash - yangi vaziyatlarga tatbiq etish hisoblanadi.

Bugungi kunda amalga oshirilgan tadbirlar tahlili yoshlarning keng qatlamlariga daxldor bo'lgan dolzarb masalalar, ayniqsa uyushmagan yoshlarning hayotda o'z o'rnini topishi uchun munosib sharoit yaratish, har tomonlama qo'llab-quvvatlash, kasbga yo'naltirish va bandligini ta'minlash, tashabbuslarini rag batlantirish borasidagi ishlarga asoslangandir.



Foydalaniman adabiyotlar:

1. Qodirov B.R. Sinf zukkolarini tanlash metodikasi (Yosh iste'dodlarini izlaymiz): Metodik qo'llanma. T., 1998.
2. G'oziev E.G'. Psixologiya (Yosh davrlari psixologiyasi). T., 1994.
3. G'oziev E.G'. Umumiy psixologiya: darslik. I, II kitob. T., 2002



ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ФОЯЛАРИНИНГ - ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИ

Аъзамов Ином Салимжонович
Низомий номидаги ТДПУ
ҳарбий таълим факультети ўқитувчиси
Телефон: +998(90) 985 84 03
ainom118@gmail.com

Анотация: Ушбу мақолада ёшларимиз онгига турли ёд тушунчаларни кириб келиши, жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятларимизни тўғри етказишими, терроризм ва экстремизм хавфидан ёшларимизни доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишга чорлашимиз муҳимлиги баён этилган. Бундан ташқари диний экстремизмнинг келиб чиқиши ва кенг тарқалишига сабаб дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соғ диний тушунчаларнинг асл мазмун-моҳиятини билмаслик, ёлғончи ҳавасларга берилиш, кишилардаги фикрлаш, дунёқарашиб сингари тушунчаларнинг пастлиги эканлигини келаажак авлодга етказишдан иборат.

Калит сўзлар: Диний экстремизм ва терроризм, диний бағрикенглик, глобал хавфсизлик, И мом Бухорий, ат-Термизий, зўровонлик, виждан эркини.

"Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз - ёшларнинг салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўровонлик гояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир" .

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Бизга маълумки, мустақиллик йиллари давомида юртимизда виждан ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги вақтда диёrimизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшамоқда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда . Жамиятимизда ҳукм суроётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатби назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш давлатимизнинг эътибор марказида бўлиб, у Конституциямизда ҳам ўз аксини топган, зеро, давлатимизда фуқаролар ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал фояларни тарқатишга асло йўл қўйилмайди.

Диний шиорлар остида сиёсий ҳокимиятга интилаётган диний ташкилотлар Марказий Осиё мамлакатларидағи ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказишга уринмоқда. Шу сабабли бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Бугунги кунда диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг кўламини ортиши глобал хавфсизликка йўналтирилган жиддий таҳдидга айланди. Диний экстремистик ва террористик гуруҳлар глобализация жараёнлари ва йирик геосиёсий давлатлар орасидаги манбаатлар тўқнашувидан, шунингдек, илмий-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда, терроризм ва экстремизмга кенг кўламли кураш олиб борилаётган муҳитга мослашиб олди.

Диний экстремизм - жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидавий аҳкомларни рад этиш ва ўз фояларини муросасизлик ва зўрлик билан тарғиб қилишдир. Диний экстремистик гуруҳларнинг бош мақсади- "халифалик"



ёки "ислом амирлиги" давлати тузиш шиори остида сиёсий ҳокимиятни эгаллашдир. Бугунги кунда экстремизм анархизм ва фашизмнинг архаик шакллари аралашган, ислом гояларидан фойдаланилган, аслида исломга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган терроризм тусини олди. "Ас-Савсан" ахборот агентлигининг хабар беришича, Тибетнинг диний раҳбари Далай Лама "Мусулмонлар террорчи бўлиши мумкин эмас", деб таъкидлаган. Зеро, бу ҳақида Имом Бухорий қўйидаги ҳадисни ёзганлар: "Расулуллоҳ (с.а.в)дан сўрадилар: "Ё Расулуллоҳ, мусулмонларнинг афзали қайси кишиидир?". "Қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишиидир", - дея, жавоб бердилар". Бугун террорчи гуруҳлар тўғри деб ҳисоблаётган зўравонлик, босқинчилик, бир жинслиарнинг никоҳи, фоҳишабозлик, шовинизм, бесоқолбозлик ва бошқа иллатларни ақлга сифдириб бўлмайди.

1. Улар амалга ошираётган ушбу ҳаракат нафақат илм-фан, балки дин жиҳатидан ҳам қораланади. Лекин шунга қарамасдан улар мақсадларини амалга ошириш учун ўз фаолиятини ташкил этишга уринмоқда:

2. Зўравонлик яъни террористик харакатларни амалга ошириш натижасида омма ичида қўрқув пайдо қилиш ва ўзларининг кучларини қўрсатиш орқали ҳукumatга тазиқ ўтказиш.

3. Иқтисодни турли йўллар билан (диверсия, қишлоқ хўжалиги ва саноат манбаларини издан чиқариш) таназзулга учратиш орқали ҳукumatни кучсизлантириш ва заифланган ҳокимиятга зиён етказиш.

4. Турли ташкилот ва оммавий ахборот воситаларининг имконияти ва "бегараз" ёрдамида гёё "мамлакатда фуқароларнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқлари бузилмоқда ва диний эътиқод поймол этилмоқда" каби иддаолар билан ҳукumatни обрўсизлантириш ва унга бўлган ишончни йўқотиш.

Диний экстремизм келиб чиқишига асосий сабаб кўпинча мутаассиб фикр ва гояларнинг пайдо бўлиши дея эътироф этилади. Аслида мутаассиблик муайян гояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга мукласидан берилиш, "ўзгалар" ва "ўзгача" қарааш ва гояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирм ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмаслиқда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи ҳисобланиб, кишиларнинг эркин эътиқод қилишларига раҳна солган. Бундан ташқари диний экстремизмнинг келиб чиқиши ва кенг тарқалишига сабаб дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмун-моҳиятини билмаслик, ёлғончи ҳа-ю ҳавасга берилиш, кишилардаги фикрлаш, дунёқарааш сингари тушунчаларнинг пастлиги, шунингдек, маънавиятнинг шаклланмаганлиги каби ҳолатларни мисол келтириш мумкин. Муҳтарам биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов ўзининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида динни - маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган мезон дея эътироф этиб, дин ҳақида қўйидаги фикрларни айтиб ўтганлар: "Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу - армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган гоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимиdir . Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил баразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунириш, ислом маданиятнинг эзгу гояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда" .

Бугунги кунда дунё ахолисининг сони 7 млрд дан ошиб кетди. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Шу ўринда Президентимизнинг қўйидаги сўзларини эслаш



ўринли: "Бугунги дунё ёшлари - сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг иирик авлоддир, чунки улар 2 млрд ни ташкил этмоқда". Диний экстремизм гурухлар тузогига тушиб қолганларнинг кўпчилиги ҳам айнан ёшлар (14 ёшдан 30 ёшгача бўлган қатлам) ҳисобланиб, бу эса ёшларга бўлган эътиборни кучайтириш лозимлигидан далолатдир. Шу боисдан ёшларни ақидапараст оқимларнинг таъсирига тушиб қолишини олдини олишнинг амалий йўналишлари сифатида қўйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин:

- дарсларни ўз вақтида ўзлаштириш, асосий эътиборни чуқур ва мукаммал билим олишга қаратиш, ҳар томондан, яъни жисмонан ва маънан соғлом бўлиб ривожланишга интилиш;
- тарбияни фақат ота-онамиз, устозларимиз, маҳалладаги кўпни кўрган ҳаётий тажрибага эга оқсоқол ва онахонлардан олишимиз;
- ноқонуний тарзда диний сабоқ бериладиган "хужралар" ва "отинойилар" га бормаслик, диний масалада қизиқтирган саволларни турли сайтлардан эмас расмий диний сайтлардан излаш лозим.

Бугун юртимизда динимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшган Имом Бухорий, ат-Термизий каби боболаримизнинг асарларини янада кўпроқ ўрганиш, улар номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Халқимизнинг диний билимларини ошириш, диний саводсизликка чек қўйиш мақсадида кўпгина ишлар қилинмоқда. Бундай ишлар сирасига Республика бўйича ўтказилган "Курон мусобақаси", шунингдек "Маданият ва маърифат" телеканали орқали намойиш этилаётган "Араб тилини ўргатамиз", "Имом Бухорий сабоқлари", "Хадислардан наъмуналар" каби кўрсатувларнинг барчасини мисол қилиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ҳаракатлар ижобий натижасини бериши учун биз педагоглар ёшларни ўз устида тинмай ишлашга кўмакчи бўлишимиз бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Зоро, мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини яъни 10 миллионини ёшлар ташкил қиласар экан, мустақил Ватанимизнинг асл фарзандларини тарбияси ота-оналар билан биргаликда бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир!.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ти қонун. 2006. 24 август 3-модда
2. Шавкат Мирзиёев "Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз". Ўзбекистон. 2016. 9-бет.
3. Ислом Каримов "Юксак маънавият - енгилмас куч". Ўзбекистон. 2008. 24-бет.
4. Ислом Каримов "Юксак маънавият - енгилмас куч". Ўзбекистон. 2008. 24-бет.
5. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. Тошкент. 2017. 143-бет
6. Имом Бухорий. "ал-жомеъ ас-саҳиҳ". (Зокиржон Исмоил таржимаси) Тошкент. 1991. 4-бет



ОИЛА-ҲАҚИҚИЙ МАЊНАВИЯТ ЎЧОҒИ, МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ ОМИЛИ ВА МУҲИТИДИР

Кенжакев Журат Шухратович

УрДУ Жисмоний маданият факультети ўқитувчиси

Телефон: +998919974000

joni0717@mail.ru

Аннотация: ушбу мақолада ўзбекано оиласарга хос хусусиятлар хақида маълумот берилган ва оила ҳар қандай жамиятнинг дастлабки асоси, негизи ҳисобланади. Демак, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар инсоний ёки гайриинсоний томонга оғиб кетишида оила ўзига хос ўринга эга эканини назарда тутилган. Ҳар мамлакат ва минтақада маълум бир тарихий давр руҳи, аввало оиласавий муносабатларда ўз ифодасини топгач, у руҳ асосида, одамларнинг муайян мақсадга қаратилган умумий ҳаракатини юзага келтиши ана шу руҳ мафкура орқали оиласага кириб бориши хақида ва мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатимизни оиласарга бўлган ғамхўрлиги хақида байён қилинган.

Калит сўзлар: оила, фоя, иммунитет, мафкура, мањнавий-маърифий, миллат, дунёқарашиб, меҳр-оқибат, ор-номус, эзгулик, олижаноблик, андиша, руҳ, соғлом, гоя, ота-она, анъана, буюк аждодларимиз.

Ҳақиқатдан ҳам оила гоявий иммунитет ҳосил этишнинг қудратли воситаси бўлиб келган мафкуравий ижтимоий институтлардан бири ҳисобланади. Оиласарда инсонлар ҳар куни фикр алмашадилар, ижтимоий-сиёсий, мањнавий-маърифий масалаларга ўз муносабатларини билдириб, индивидуал ва ижтимоий онг муайян йўналиш олишига ўз таъсиirlарини ўтказадилар.

Президентимиз жамият ва миллат ҳаётида оиласнинг ўрни ҳақида тўхталиб шундай деган әдилар: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос мањнавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиласнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйгулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган мањнавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир."

Оила ҳар қандай жамиятнинг дастлабки асоси, негизи ҳисобланади. Демак, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар инсоний ёки гайриинсоний томонга оғиб кетишида оила ўзига хос ўринга эга эканини назарда тутишимиз лозим. Ҳар мамлакат ва минтақада маълум бир тарихий давр руҳи, аввало оиласавий муносабатларда ўз ифодасини топгач, у руҳ асосида, одамларнинг муайян мақсадга қаратилган умумий ҳаракатини юзага келтиради. Ана шу руҳ мафкура орқали оиласага кириб боради .

Ўзбек оиласида бола онгидаги соғлом гоя ва билимлар шаклланиши жараёнида ота-она ва бошқа яқин қариндош-уруглар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўпроқ бобо ва бувиларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиласидаги мањнавий мухитнинг бошқарувчилари ҳисобланади. Бундай тарбия анъанаси буюк аждодларимиз тақдирида муҳим ўрин тутган. Масалан, Амир Темурнинг набиралари тарбияси билан уларнинг оналари эмас, улуг бибилари-Сароймулхоним шуғулланган. Хусусан, Шоҳруҳ Мирзо, Мухаммад Султон Мирзо, Ҳалил Султон Мирзо, Улугбек Мирзо сингари темурий шаҳзодалар Сароймулхоним қўлида тарбия топган. Сароймулхоним ушбу



шаҳзодаларнинг етук шахс бўлиб етишишларида хизмат қилган, болани дунёга келтиришдан кўра уни жамиятга нафи тегадиган, юксак маънавиятли, соғлом эътиқодли, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш- одамлиқдан инсонликка ўтказиш мушкулроқдир.

Оила-ҳақиқий маънавият ўчоги, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўтити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.²

Оила, унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, имон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўниммалари шаклланади. Зоро, ҳар бир фуқаро оиласининг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватаннинг остонаядан бошланишини тушунмасдан туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди.

Болаларда ёшлиқдан ҳалқ ва юрт такқири учун фидоийлик туйғусини шакллантириш мафкуравий тарбияда муҳим ўрин тутади. Бунинг учун бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб, уни нарсалар олами билан таништиришнинг миллий анъаналаримизга хос шаклларини қўллаш лозим. Бу жараёнда миллий турмуш тарзимизга ёт бўлган "жангари" ўйинчоқлар, мультфильмлар, кинофильмлардан имкон қадар фойдаланмаслик, ана шундай сериаллар берилаётган вақтда уларни бошқа юмушлар билан банд қилиб қўйиш лозим. Шарқона одоб ва башияятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расмли китобчалар, миллий эртаклар асосида яратилган мультфильмлар болалардаги илк ёшлиқдан мафкуравий қарашларнинг тўғри шакланишида қўл келади. Масалан, болалар ўртасида машхур бўлган "Зумрад ва Қиммат", "Ёрилтош", "Хўжа Насриддиннинг саргзаштлари" каби қатор эртаклар орқали болаларда яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат туйғуларини тарбиялаш, адолат тантанасига ишонч ҳиссини уйғотиши мумкин.

Юқорида тилга олинган тарбия шаклларини амалга оширишнинг энг қулай ўюли- аввало ота-оналарнинг маънавий билим савиясини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса ота-онанинг фарзанд олдидағи, эл-юрт олдидағи бурчининг тўғри англашни инсоннинг дунёга келиши ва камол топиб ривожланишига оид қонуниятларни пухта билишини, оиласи муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва анъаналаримизни энг нодирларини турмушга сингдириш орқали болаларда миллий қадриятларга меҳр-муҳаббат уйғотиши, уларни мустақил фикрлайдиган кишилар қилиб тарбиялашни тақазо этади. Бинобарин, ота-оналий шундай масъулятли вазифаки, унинг жамиятимиз манфаатига мос тарзда амалга оширилиши учун инсон ҳам маънавий жихатдан, ҳам психологик жихатдан тайёр бўлиши керак. Оилада бош тарбиячи ва ҳакам ота-онадир. Бинобарин, оилада ота ва онанинг инсоний сифатлари, билим савияси, уларнинг соғлом турмуш тарзига муҳаббати, дунёқараш йўналиши ёш авлодда гоявий иммунитет ҳосил этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди, десак муболага бўлмас.

Оила гўёки бир мевали дарахтга ўхшайди. Агар қўчат яхши, юмшоқ, унумдор ерга экилса ва уни доимо парваришилаб борилса, илдизлар ер қаъридан мустаҳкам ўрин олади, бундай дарахт ўз мевалари билан ҳаммани баҳраманд этади. Аксинча бўлса, у униб-ўсмайди ёки мазали мева бера олмайди. Шунинг учун ҳам оила, ундаги муносабатлар шахсий иш эмас, балки ижтимоий моҳиятга молик масала экан, мустаҳкам, соғлом турмуш тарзига асосланган оилалар - мафкуравий ижтимоий институт сифатида миллий ва давр руҳи асосида ёш авлодни тарбиялай олишини назарда тутиш муҳимдир. Оиласи муносабатларни йўлга қўйишида барча



давлат муассасалари, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар фаол иштирок этишлари, хусусан "оммавий маданият" деб аталган тамаддуннинг файриинсоний, файритабиий таъсиirlаридан сақлаб қолишлари даркор.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, биз эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улуг мақсад сари йўл олар эканмиз, Ватан равнақига ҳисса қўшиши учун давлатимиз яратган имкониятлардан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия бериб бориши мақсадга мувофиқдир. Бунда, аввало, ота масъулияти талаб қилинади. У оила бошқарувини, аёли ва фарзандлари тарбияси масаласини эътиборсиз қолдирмаса бас.

Ота оила рахбари сифатида онага кўрсатмалар беради ва фарзандлар тарбияси учун қулай шароитлар яратиб беради. Оналар эса, болаларни боадаб қилиб тарбиялаш, бунинг учун аввало ўзлари уларга ўрнак бўладиган даражада аҳлоқ ва одоб соҳибаси бўлишлари талаб этилади. Зеро қуш уясида кўрганини қилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий истиқтол мағкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 23-бет.
2. Давлат, жамият, оила ва ёшлар муаммолари. (Давлат, жамият, оила ва ёшлар муаммолари республика конференцияси материаллари). Тошкент:Ўзбекистон, 1997 й.
- 3.Д. Ходжакулова - п.ф.н. ТТЕСИ. Соифназаров И., Соифназарова Ф. Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари. Т., Мехнат, 1997 й.



АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УНГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИШ, ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ХОС ХУСУСИЯТДИР

Осмонбекова Н.М.

УрДУ Жисмоний маданият факультети ўқитувчиси

Телефон: +998939226331

nnurjamol@mail.ru

Қозоқбоев Бунёд

Жисмоний маданият факультети 2 курс талабаси

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илму - фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётганлиги айниқса аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарқ халқларига, жумладан, ўзбек халқига хос хусусиятлар ва мамлакатимизда аёлларга бўлган ўзига хос давлат аҳамиятига молик салмоқли ишлар хақида фикир юритилган.

Калит сўзлар: эъзоз, эҳтиром, ижтимоий, сиёсий, ислоҳотлар, фазилатлар, мукаррам, сабр, меҳр, назокат, ораста турмуши, ифтихори, қадри, келажак оқила, гўзал, ғамхур, меҳрибон, қалби дарё, поклик, ҳалоллик.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланган. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарқ халқларига, жумладан, ўзбек халқига хос хусусиятдир.

Муборак ҳадиси шарифдаги "Жаннат оналар оёғи остидадур", "Аввал онангизга, яна онангизга, ва яна онангизга, сўнгра отангизга яхшилик қилинг", деган беназир сўзларда ҳам ана шу адоксиз эҳтиром намоён бўлиб турибди. Шу маънода мустақил Ўзбекистонимизда хотин - қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқенини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ватанимизда аёлларга алоҳида берилаётган эътиборни шунда кўриш мумкинки, 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил "Соғлом авлод" йили, 2001 йил "Оналар ва болалар" йили, 2005 йил "Сиҳат- саломатлик йили", 2012 йил "Мустаҳкам оила йили", 2014 йил ни "Соғлом бола йили" ва ниҳоят амалдаги 2016 йил ни "Соғлом она ва соғлом бола йили" деб эълон қилинишида ва шу муносабат билан амалга оширилаётган эзгу ишлар, тадбирлар замирида ҳам аёлга ҳурмат, эҳтиром, жисмоний камолоти хусусида фикрлаш, қайгуриш ҳисси борлиги яққол намоён бўлади.

Республикамизда аёллар билан боғлиқ масалалар давлат ва жамиятнинг дикқат марказидадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46 - моддасида "Хотин - қизлар ва эркаклар teng ҳуқуқлидиirlar" деб таъкидланишида, ҳамда бунга ҳаётнинг барча жабҳаларида амал қилиниши фикримиз далилидир.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рёёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар



томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оиласарда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Оила ва унинг таъсирида шаклланувчи инсоний фазилатлар, биринчи галда, онанинг оқ сутидан, унинг чақалоққа бўлган меҳр - муҳаббатидан, бешик тебратиб ўтказган бедор тунларидан, эҳтиросга ва завқ - шавққа тўла ҳавасманд онларидан бошланади. Аёл алласи ўзига хос миллат мадҳиясидир. Чунки бунда Ватанни ўзига жам қилган онанинг орзуси, унинг жавобгарлиги, унинг меҳри жўш уриб туради.

Оналиқдек мукаррам туйғулар, доимий машаққатга сабр қила олиш, фарзандга муносабат борасидаги чексиз меҳр ва назокат - бу улуғ сифатларнинг барчаси аёлга юқлатилганлиги, хомиладор бўлиш ва эмизиш вазифаларини қийналмай бажариш учун манба бўлган сифатлардир. Ана шу сифатларнинг ҳатто бири бўлмаган тақдирда ҳам аёллик ва оналиқ табиатига путур етади. Меҳрнисорлик, муҳлислик, маъсумалик - мана шу хусусиятлар фақат онага хос бўлган туйғуларки, она фарзандининг ҳар бир ҳаракати ва талаб - эҳтиёжини ана шу туйғулар орқали идрок этади.

Миллат аёлларни нечоғлик улуғласа, унинг ўзи ҳам шунчалик улуғланади. Давлат аёллар, уларнинг эркинлигини, ораста турмуш шарт - шароитларини қанчалик кенг яратса, аёл ифтихори, унинг қадри, келажак олдидағи масъуллиги учун шунча кенг имконият очилади. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхурлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиласидаги, қолаверса бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илму - фан, ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётганлиги айниқса эътиборлидир.

Бугун Ўзбекистонда демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Фуқаролик жамияти аёллардан ҳам ўз ҳақ - ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилишни ва улардан ўз муаммоларини ечишга бўлган табиий интилишни талаб қиласиди. Хотин қизларнинг бунга тайёр бўлиши муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти каби хозирги замон ва бозор муносабатлари талаб қилаётган соҳаларда ҳам хотин - қизларнинг фаол иштироки ва нуфузи тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Қизларимиз, аёлларимизнинг жисмонан бақуват бўлиши бизнинг бундан кейинги тараққиётимизнинг муҳим заминларидан ҳисобланади. Қизларимизнинг идеали машҳур Тўмарис, Бибихоним, Зебунисо, Барчиной, Нодирабегим кабилар бўлиши керак. Чунки улар ўзларида ақлий ва жисмоний баркамолликни бенуқсон уйғулаштирганликлари билан, ўзларининг жасорат ва матонатлари, ақл - заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирганлар.

Бугунги кунда кўплаб ёш қизлар, аёлларимизнинг асосий мақсади ижтимоий - иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаолликни ошириш, юксак маънавий фазилатларни мужассамлаштириш, миллий тафаккурни шакллантиришдан иборат. Ёшлиарни маданий, тарихий анъаналаримизга хурмат, Ватанга муҳаббат, истиқтолояғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, қизларни оиласидаги турмушга тайёрлаш, тадбиркорлик ва касб - хунарга ўргатиш бугунги куннинг долзарб масалаларига айланди. Ёш аёллар, қизларни иш билан банд этиш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишда, кичик ва ўрта бизнесда, айниқса қишлоқ жойларида хотин - қизлар ташаббусларини қўллаб қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва ижтимоий шарт -



шароитларни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.Хулоса қилиб айтганда, аёл - ижодкор, аёл - ҳар ишда мададкор. Ҳаётни ҳаётга, авлодни авлодга уловчи аёл. Аёл - оиланинг, жамиятнинг ишончи, таянчидир.

Фойдаланган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон.

2.Вафоев О. Маънавият тараққиёт омили. Истиқдол ва маънавият. "Мулоқот", 1995, 2-сон.

3.Муҳитдинов Н.А. Маънавиятимиз сайқал топиб бормоқда. "Ўзбекистон овози", 1994, 2 март.

4.Интернет сайтлар.



БОЛА ТАРБИЯСИ - МУҲИМ МАСАЛА

**Хоразм вилоят Урганч шаҳридаги
8-сонли умумий урта таълим мактабининг
бошлангич синф
Ўқитувчиси Рузметова Раъно Кадамбоевна**

Аннотация: Фарзанд ота-онанинг эзгу орзуси, қувончи, баҳти. Ҳар бир ота-она фарзандини сиҳат-саломат, баҳтили бўлишини, ҳаётда бирор яхши ном қолдиришини орзу қиласди. Бола инсонийликни дастлаб ота-онасидан олади. Шундай экан ота-она биринчи ҳаёт муаллими ҳисобланади. Улар болаларни ҳаётга ўргата бошлийдилар. Мехр-муҳаббат эса ана шу катта ҳаёт жараёнида тўғилади. Шунингдек, ёш авлод камолида таълим-тарбия тўғри йўлга қўйилишининг аҳамияти катта. Болани ёшликтан тўғри тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг масъулияти ва шарафли бурчидир.

Калит сўзлар: Сабр- токат,canoat, садокат ,халолик, оила багри.

Бола ота-онадан андоза олади. Оилада топа олмаган меҳрни узга макондан излайди. Сабр- токат,canoat садокат халолик оила багрида шаклланади.

Одатда болалар ҳар нарсага қизиқувчан бўлишади. Уларнинг ўzlари тўшуммаган саволларига ота-она, яқинлари ҳеч эринмай ширин сўз билан тўлиқ, тўғри жавоб беришлари зарур. Бундан ташқари, болаларда тақлидчанлик ҳисси кучли. Улар қўпроқ ота-оналари, ўқитувчиларига тақлид қиласдилар. Бу нарса яхши, лекин улар яхши нарсани ҳам, ёмон нарсани ҳам тақлид қиласдилар. Баъзи ота-оналарнинг ўzlари меҳнаткаш, фарзандлари эса дангаса, ялқов бўлиб ўсади. Бирор ишни бажаришини айтсангиз ақл ўргатадиганлар хилидан бўлишади.

Бола ота-онадан андоза олади. Оилада топа олмаган меҳрни узга макондан излайди. Сабр-токат, каноат садокат халолик оила багрида шаклланади.Мактабда такомиллашади. Оилада тарбия яхши булса ,боланинг атрофдагилар билан муомаласида,муносабатида ҳам сезилади. Яхши булса, хуп ,акси булсачи ,барчага, айникса, синф раҳбарига муаммо олиб келиши тайин. Айтайлик ота :"Болам ,мени уйда йук деб айт !" дейди .Шу кундан бошлаб боланинг ёлгон гапириш рефлекслари ишга тўшади. Ҳар хил ёлгон тўкийди .Аслида ота - она -биринчи муаллим . Уларга тўғри сузликни ўргатмок жоиз. Боланинг кунглини самимият билан тўлдирайлик.Фарзандларимиз калбida униб чиккан окибат, гурур, орият,уларга йулчи юлдуз булсин.

Ўқитувчи бўлиш ҳам осон эмас. Чунки, Ўқитувчилик феъли кенгликни, самимиликни ва болажонликни талаб этади. Оилада болаларнинг ақлий фаолиятини тараққий эттириш учун ҳамма қулай имкониятлар мавжуд бўлишини таъминлаш катталар зиммасида. Негаки, оила ўз хусусиятларига қўра кичкина бир корхона ҳисобланади.

Ақлий тарбия ва меҳнат кўнижмасисиз бола камолотини тасаввур этиш қийин. Кузатишлардан аёнки, бола ўсмирилик даврида ўзини деярлик мустақил кишидай ҳис қиласди. Болалар ота-оналари доимо ўгит-насиҳат қилишларидан, уларни тўшуммасликлари, кескин, қўпол муомалада бўлишлари ва эътибор бермасликларидан хафа бўладилар. Шу боисдан бўлса керак, мутасаддилар ўқитувчиларнинг кўпчилиги ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясига етарли эътибор бермаслигини интизомсизликнинг асосий сабаби, деб ҳисоблашмоқда. Баъзилар боланинг меҳнатга бўйин этмаганлигига, ялқов бўлиб ўсаётганлигига таълим масканларини айблашади. Юзаки қарагандга бу фикр тўғридек тўюлади. Чунки боланинг кўп вақти боғча, мактабда ўтади. Ота-онаси эса кун бўйи ишда бўлади.



Аммо бу билан ўқитўвчи айбдор, деган хулоса келиб чиқмайди. Доңишмандлардан бири "Тартиб интизомнинг енг зур мактаби - оила ", деган эди. Фарзанд оиласда интизомли булса , мактабга уз вактида боради , яхши Ўқийди ,устоз угитини кулокка олади .

Тарбияда болага дўстона муносабат муҳим. Оиласда ота-она бўлса, таълим муассасаларида устозлар боланинг фикрлари, тўйғулари, ташвиш - хавотирлари, хулқи, одобини чуқур ўрганиб, у билан яқин муносабатда бўлсаларгина уларнинг кўнглига йўл топа оладилар ва кўзланган мақсадга эришадилар. Атрофидаги яқин кишилари, устозларининг қандай фойдали иш билан шуғулланишаётганини кўрган бола, албатта, уларга ҳавас кўзи билан қарайди. Ўзи ҳам уларнинг изидан бориши, уларга ўхшашга ҳаракат қиласи. Ўзига, ҳаётга бўлган ишончи янада ортади. Бунинг учун қанча кўп билим олиш, ўқиб-ўрганиш лозимлигини англаб етади. Юртига фойдаси тегадиган, маърифатли, комил инсон бўлиб етишишга ҳаракат қиласи.

Шуни унутмайликки, ўзи яшаб тўрган маҳалладаги қўни-қўшнини ҳурмат қилишни, таълим олаётган илм даргоҳини авайлаб-асрашни, ота-онаси олдидағи фарзандлик бурчини чуқур англашни, яхши муомалани бола энг аввало, оиласдан, мактабдан, қолаверса, ён-атрофидаги дўстларидан ўрганади. Ота-оналарнинг юксак маънавияти, қилаётган меҳнати, дарёдай тўлиб-тошган меҳри фарзандлари учун ҳамиша қадрли бўлиши зарур. Ёш авлод азиз ота-оналари ва кексаларни ҳамиша ардоқлашлари улар олдидағи юксак фарзандлик бурчи эканлигини доим эсда тўтишлари лозим. Хаётимизнинг хар бир сониясида бола тарбиясига маъсуллигимизни есдан чикармайлик. Ҳамкорликда ҳикмат кўп. Маҳалла аҳвлари, ота-оналар, ўқитўвчилар ёшлиарнинг талаб ва истакларига пешвоз чиқишлари, уларнинг ҳаётда қоқилишларига йўл қўймасликлари муҳим вазифа эканини унутмайлик!

Адабиётлар

1. Shavkat Mirziyoyev "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz" Toshkent 2016-yil 14-bet.
2. www.ziyonet.uz



МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА ОНА ТИЛИНИНГ ЎРНИ

Ш.Б.Суюнов

Самарқанд давлат чет тиллар институти
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
e-mail: sh.suyunov89@gmail.com
+998932212131

Аннотация. Ушбу мақолада ҳалқнинг миллий ўзлигини англашда она тилининг роли ва таъсири ёритилган. Мақолада она тилимиз кўхна тарихимиз, ҳаётбахши қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ҳалқимизга хос дунёқараши, ҳис-туйғулар эволюциясини, яъни тадрижий тараққиётини кўрсатадиган, аждодлар меросини авлодларга етказадиган кўзгу сифатида бағо берилган.

Калим сўзлар: она тили, ўзликни англаш, миллат, маънавият, давлат сиёсати, тарих, миллий онг, тафаккур.

Инсоният фалсафий тафаккури тарихида миллий ўзликни англаш масаласи турлича талқин қилинган. "Ўзликни англаш", "Миллий ўзликни англаш" ва она тилини билиш узвий бир-бири билан боғлиқ. Мустақиллик шароитида ўзбек ҳалқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Негаки, чоракам бир аср давомида ҳукмронлик қилган истибодод назарияси ва мафкураси ўз-ўзини англаш ҳиссини йўқотиб борди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, шундай фикрларни баён қиласди: "Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг руҳидир". [1, 83 б.]

Она тили - кўхна тарихимиз, ҳаётбахш қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ҳалқимизга хос дунёқараши, ҳис-туйғулар эволюциясини, яъни тадрижий тараққиётини кўрсатадиган, аждодлар меросини авлодларга етказадиган кўзгунидан ҳам маҳрум бўлади, маънавий заволга юз тутади.

Тил - ҳалқнинг, миллатнинг энг буюк қадриятларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳалқнинг озодликка, ўзлигини англаб этишга интилишида тилнинг қадрини тиклаш, нуфузини ошириш муҳим ўрин тутади. Ўтган асрнинг сўнгида эса ҳалқимиз Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида мустақиллик учун кураш олиб борар экан, аввало, тилимизга давлат тили мақомини бериш йўлида саъи-ҳаракатлар қилди ва 1989 йилда, ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги тугамаган бир пайтда бу ишни амалга ошириди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўзбек тили ривожига катта эътибор берилгани натижасида Конституциямизда, "Давлат тили ҳақида"ти Қонунда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми, уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроби, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Бу она тилимиз тараққиётida илгари ҳеч кўрилмаган янги давр бошланганинг ифодаси эди. [5].

Диёrimизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тилимиз ривожига ҳам ижобий таъсири этмоқда. Масалан, мустақиллик йилларида Қуръони карим ва ҳадиси шариф



бир неча бор таржима қилиниб, нашр этилди.

Шу билан бирга, она тилимизнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, энг замонавий соҳа ва тармоқларда фаол қўлланишини таъминлаш бўйича қўпгина ишларни амалга оширишимиз лозим. Бу ҳақда ўйлагандা, Биринчи Президентимиз қуидаги фикрларини доимо ёдда сақлашимиз керак: "Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Бу ҳақда сўз юритганда, бобомиз Алишер Навоийнинг "Тилга эътиборсиз - элга эътиборсиз" деган сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз". [1, 89-90 б.]

Алишер Навоий туркий ва форсий тилларнинг ривожланиши ҳамда араб тилининг ривожланишида хизматлари каттадир. А.Навоийнинг фикрича, араб тили ва ёзуви бошқалари каби бундай улугланишга муҳтоҷ эмас, ҳеч шубҳасиз, у барча тиллардан мумтоз ва "мўъжизатироз"дир, чунки Аллоҳнинг қаломи ва расули акрам ҳадислари шу тилда яратилган. [3].

Шулар қатори ўзбек тили дунёнинг энг қадимий ва бой тилларидан биридир. Бу тилнинг бекиёс имкониятлари қадимий тошбитикларда, халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзлари, бетакрор иборалари, қўшиғу достонларида, мумтоз шоирларимиз, XX асрдаги ижодкорларимиз асаларида яққол намоён бўлган.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка еришиш остонасида" асарида "Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади" деб таъкидлаган. [2, 69 б.]

Она тилини севиш - ватанпарварлик белгиси, аждодлар руҳига ҳурмат рамзи. Ўз тилини асраб-авайлаган халқ ўзлигини, гурурини асраб-авайлаган бўлади. Шуни эсда тутингки, она тилимизда халқимизга хос ҳис-туйғулар, тушунча ва тасаввурлар, урф-одат ҳамда анъаналар чуқур акс этган. Тилимиздаги ҳаё, ибо, андиша, орият, номус, меҳр-оқибат деган сўзларни бошқа тилларга айнан таржима қилиб бўлмайди. Уларни фақат ўзбек тили орқали ифода этиш мумкин. Чунки бу тушунчалар кўпроқ бизнинг халқимизга хос ва уларни баён этишга ҳам фақат шу халқнинг тили қодир. Бир сўз билан айтганда, она тилимиз халқимиз дилининг тубида бўлган энг мураккаб туйғу ва тушунчаларни ҳам ифода эта олади. Чунки бу тил неча асрлар, минг йиллар давомида шу халқ билан биргаликда шаклланган. Шунинг учун ҳам она тили миллатнинг руҳи деймиз.

"Ўшанда айrim сиёсий гуруҳлар Ўзбекистон шароитига мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига бутунлай зид ва қарама-қарши фикрларни олга сурган, шунинг ҳисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боғлиқ муаммолар орқали миллий туйғуларни рўйач қилиб, улардан гаразли мақсадларда фойдаланиш мумкин, - деб ёзади И.Каримов. - Ана шундай қалтис ва мураккаб вазиятда эҳтиросга берилганимизда, ҳушёрликни йўқотганимизда учқундан ўт чиқиб кетиши ҳеч гап эмасдию. [1, 83-84 б.]

Китобда тилшунослик фанини ривожлантириш учун, айниқса, тилнинг жамиятда тутган ўрни, қўлланиши ва ривожланиши учун зарур омиллар ҳамда тилнинг инсонлар маънавияти, маданияти, урф-одати, менталитети билан боғлиқ



этнолингвистик ва психолингвистик жиҳатларини чуқур ўрганишга ундовчи даъватлар бор. Юртбошимиз ўз асарида шундай ёзади: "Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни араб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимо ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникатсия ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ҳамда категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз [1, 87 б.].

Биринчи Президентимиз ўзбек тили асрлар давомида араб ёзуви асосида ривожланиб келгани ва 1929 йилда маърифатпарвар зиёлиларимизнинг сайд-ҳаракатлари билан лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ишлаб чиқилиб, ўн йил мобайнида қўлланганини, бироқ собиқ шўро сиёсати туфайли бу ижобий тажриба ниҳоясига етмай қолганини қуюниб ёзадилар.

Тил билиш - маданият белгиси. Халқимиз таъбири билан айтганда, тил билган эл билади. Шунинг учун юртимизда нуфузли халқаро тиллар сирасига кирадиган тилларни ўрганишга ихтисослашган маҳсус мактаб ва лицейлар, олий ўқув юртлари очилмоқда, талабаларимиз тил ўрганиш учун хорижга юборилмоқда. Лекин она тили ҳар қандай шароитда ҳам инсон учун руҳий таянч бўлиб қолади. Айниқса, миллий ўзликни англаш, "Ким эдим-у, ким бўлдим?" деган саволга жавоб топиш, хотира туйғуси билан яшашда она тилининг аҳамияти бекиёс. Айнан она тили туфайли инсон ўз аждодлари билан доимо руҳий мулоқот қилиб яшайди. Яъни, уларнинг айтган ўйтлари, ёзиб қолдирган асарлари, қилган эзгу ишлари она тили орқали авлоддан авлодга ўтиб боради.

Хулоса қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, миллий ўзликни англаш ва она тилини билиш орқали, ўтмишда халқимиз дуч келган муаммоларни ва уларнинг қандай ҳал қилинганлиги билиб олиш, шубҳасиз бугунги кундаги муаммоларни тўғри ва тезроқ ҳал қилинишига ёрдам беради ва жамиятимизнинг тараққиётини тезлаштиради.

Адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Юқсак маънавият енгилмас куч. -т.: "Маънавият", 2008.
2. Каримов И.А .Ўзбекистон мустақилликка еришиш остонасида. -т.: "Ўзбекистон", 2011.
3. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер навоий даври) -т. "Академнашр", 2013.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - т. 1992.
5. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ти Қонуни. - т. 1995.



ВИРТУАЛ ОЛАМ ТАҲДИДЛАРИ!

ХАЛИЛОВ ФАЗЛИДДИН

Андижон туман 6-мактаб ўқитувчиси

998906461442

Аннотация: Уибу мақола виртуал таҳдиidlар туфайли келиб чиқаётган ўсмир ёшлардаги психологиг муаммоларни ёритишга қаратилган.

Калит сўзлар: Виртуал ўйинлар, ижоби ва салбий воқеликлар, ижтимоий муаммолар.

Техника тараққиёти жадал суръатларда ривожланиб бораётган бир даврда янгидан янги қулайликлари кашф этилмоқда. Аммо шу билан бирга, зарарли жиҳатлари ҳам бизни четлаб ўтмаяпти.

Кисқа фурсатларда жамиятнинг барча соҳаларига компьютернинг кириб келиши, ижтимоий ҳаётимиздан у билан боғлиқ хизматларнинг тобора кенг ўрин олаётгани, компьютердан тижорат мақсадида фойдаланишнинг кун сайин такомиллашиб бораётгани талайгина муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хусусан, мўмай даромад топиш илинжида айrim тадбиркорлар томонидан компьютер ўйингоҳларининг очилиши оз вақт ичida кўплаб ёшларни (айниқса ривожланган давлатларда) ўз аудиториясига қамраб олди.

Тан олиш керак, ҳозирда умумтаълим мактаблари ҳамда ўсмир ёшидаги кўплаб ёшларнинг компьютер клубларида мониторга тикилган ҳолда соатлаб ўтирганларига гувоҳ бўламиз. Бу ачинарли ҳол.

Ижобий воқеликдан кўра салбий нарса ёки воқеликка тез кўниши уйгониши инсонга хос психолигик хусусиятдир. Ўсиб келаётган ёшларда ҳаётий малаканинг ўқлиги, мустақил фикрлаш ёки ижобий ва салбий жараёнларни таққослаш, қиёслаш қобилияти ҳали -бери шаклланмаганлиги уларнинг компьютер ўйинларига қаттиқ боғланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Ваҳшийлик, зўравонлик, жангариликни тарғиб қилувчи турли ўйинлардаги даҳшатли саҳналар, очиқдан очиқ одам ўлдириш ҳолатларини киприк қоқмай кўравериш ўсмирларнинг дийдаси қотиб, улардаги меҳрибонлик, ачиниш, раҳм-шавқат туйғуларининг ўқолиб боришига замин яратаетгани ҳам бор гап. Яна бир хавотирли жиҳати шундаки, жангарилик ва зўравонлик акс этган саҳналар ёшлар руҳиятига қаттиқ шикаст етказиши тажрибаларда бир неча бор синалган.

Россияда содир бўлган воқеа фикримизни тасдиқлайди. Мактаб ёшидаги ўсмир компьютер ўйинларига боғланиб қолиши оқибатида росмана унинг қулига айланади. Яқинларининг ҳар қанча тергашлари ҳам унга таъсир қилмайди. Кунларнинг бирида жангарилар ҳақидаги ўйин билан машғул бола онасининг навбатдаги тергашларидан ўзини тутолмай қолади ва қўлига илинган болтани кўтарганча онаси томон ташланади...

Биргина мана шу воқеанинг ўзиёқ компьютер ўйинлари келтириб чиқараётган салбий иллатларнинг қанчалик катта хавфга эга эканлиги, энг ёмони бу ўсмирларда эндиғина шаклланиб келаётган ижобий ҳислатларни ҳам бутунлай йўқ қилаётганлигини тасдиқлайди.

Одатда, компьютер ўйинлари икки турга бўлинади: буларнинг биринчиси яратувчаникни ифодалаган, муайян бир ижобий воқеликни акс эттирган ўйинлар, иккинчиси эса ўзида ҳеч қандай ижобий мақсадни ифода этмаган, аксинча, зўравонлик, ваҳшийлик, жангарилик ва бузгунчиликни акс эттирган ўйинлар. Компьютер ўйинлари келтириб чиқараётган тузатиб бўлмас заарлар эса янада



хавфлидир. Яна бир мисол, Жанубий Кореялик ўсмир компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари боғланиши оқибатида, оддийлик босқичидан тортиб юқори босқичи энг мураккаб бўлган жараёнларни қамраб олган ўйиннинг сўнгги босқичини зabit этишга уринади ва шу таҳлит 18 соат (!!!) вақт давомида компьютер қаршисида ўтиради, орада 5-10 дақиқа овқатланиш учун вақт ажратади холос. Узлуксиз ўйин ўйнаши оқибатида мия қон томирлари зўриқади ва... Ўсмир компьютер қаршисида жон беради. Ажабланарлиси шундаки, ўсмир ўлаётганини билса-да ўйинни давом эттирган. Кузатувлардан маълум бўлишича, компьютер қаршисида соатлаб ўтирган ўсмирнинг танасида қон яхши айланмайди ва умуртқа суяклари қийшайиши натижасида организмда салбий жиҳатлар кўзга ташланади. Иккинчидан, мониторга узоқ ва давомли тикилиб ўтириш натижасида инсоннинг кўзи хиралашади, қуриб қолади. Бу ўз навбатида турли касалликларни чақиради. Қолаверса компьютер ўйинларига боғланиб қолган ёшлар асабий, жирраки, отонасининг тергашини, панд-насиҳатни ёқтиримайдиган бўлиб қолади. Ўз айбини ёпиш учун эса бошқалар билан қўпол муомалада бўлади. Учинчидан, ўсмирлардаги руҳий ўзгаришлар туфайли уларнинг бирор -бир наф келтирадиган фаолият билан шуғулланишга бўлган иштиёқи пасаяди. Атрофдаги реал воқеа -ҳодисаларга лоқайдлиги, бефарқлиги кучаяди, ижтимоий ҳаётдан деярли узилиб, ўз қобиғига ўралашиб қолади. Бундан ташқари, салбий омиллар таъсирида миянинг ишлаш фаолияти бузилади, догматик ва агрессив хусусиятлар шаклланиши ўсмир ёшларнинг жиноятга мойиллигини оширади.

Бундай салбий иллатларни бартараф етишнинг йўли битта. У ҳам бўлса ёшларни Ватанпарварлик ва бунёдкорлик гоялари руҳида тарбиялаш, маънавий - марифий ишлар самарадорлигини ва таъсиричанлигини янада қучайтириш уларда кучли маънавий иммунитетни ҳосил қилиш билангина ўз мақсадимизга эрмшамиз.

Азиз ватандош! Ёшлар миллатимиз келажаги. Уларни техника асрини заарли салбий таҳдидларидан асраш- ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ушбу мақола интернет маълумотлари ва теле кўрсатув маълумотлари асосида тайёрланди



Мафкуравий омилнинг ўқитувчилар дунёқарашлари ва қадриятлар тизимига таъсири (1946-1989 йиллар)

Шарипова Наргизахон Абдуқаххоровна
Қўқон Давлат Педагогика Институти
академик лицейи ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи
+99891-141-13-03 (nash.kokand@gmail.com)

Аннотация: Ушбу тезисда совет ҳокимияти йилларида ўқитувчиларнинг мафкуравий гоя тарғиботчиси сифатида қўлланилиши ва унинг оқибатлари архив ва даврий нашр материаллари асосида таҳлил қилинган

Калит сўзлар: ўқитувчи, тарғиботчи, партия, коммунистик, сиёсат, касаба уюшмаси.

Кириш: Ўқитувчилик энг қадрли ва хурматга сазавор касблардан биридир. Унинг билими, салоҳияти, сўзи ўқувчиларни келажаги ва тақдирини белгилашда катта аҳамиятга эга. Шу сабабдан ҳар қандай гоя ва ислоҳотни тарғиботида улардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Тадқиқот натижалари: Совет даврида ўқитувчилар билим бериш билан чегараланмай, балки коммунистик партия гояларини аҳоли оммасига етказиб берувчи, тарғиботчи бўлган. Шунинг учун зиёли кадрлар тайёрлаш, уларни ижтимоий фаоллигини ошириш коммунистик партия сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлган. Коммунизм асосчиларидан бири В.И.Лениннинг "Биз эндиликда ўқитувчи кадрларнинг янги армиясини шакллантиришимиз лозим. Улар партия сафларида ҳамоҳанг бўлишлари, партия гояларини ёйиш ва келажак авлодни тарбиялашлари керак" деган сўзлари натижасида ўқитувчилар диққат-эътибор марказида бўлдилар.

Ўқитувчилар сиёсий онгини ўстириш, уларни гоя тарғиботчиларига айлантиришга катта аҳамият берилди. Партия ташкилотлари томонидан сиёсий тўғараклар ташкил этилиб, уларга аҳолининг зиёли, ўқимишли қатлами жалб этилди. Ўқитувчиларга талабалик чоғида ўқув юртларида, иш фаолиятида дарсдан кейин, малака ошириш курсларида сиёсий мазмундаги мавзулар сингдириб борилди. Давлат имтиҳонлари топширилди.

Республикада 1947-1948 ўқув йилининг ёзги малака ошириш курсларида 4886 минг ўқитувчи малака оширган. Улар учун фанларга қўшимча тарзда сиёсий дарслар ўқитилди.[1, 19] Мактабларда марксча-ленинча таълимни ташкил этиш бўйича советлар тузилди. Сиёсий тарғиботчиларни етишмаслиги аҳолининг сиёсий билимларни оқсашига олиб келади деб ҳисобланиб, тарғиботчилар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилинди. Илгор тарғиботчиларга "Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони берилди.

Касаба уюшмаларининг туман ва шаҳар ташкилотлари партиянинг таянч ёрдамчиси вазифасини бажарди. Ташкилот томонидан ўқитувчиларнинг гоявий-сиёсий савиясини ошириш учун тўғараклар ташкил этилди. Масалан 1947 йилда Фарғона вилоятида "И.В.Сталиннинг таржимаи ҳоли" ва "Коммунистик партия - ВКП(б) тарихини ўрганиш" бўйича 234 та тўғарак фаолият олиб борди. Бу тўғаракларда вилоятнинг 2587 ўқитувчиси маъruzalар тинглади. Тўғаракга жалб қилинмаган ўқитувчилар мустақил равишда марксизм-ленинизм гояси асосларини ўзлаштириши лозим эди. Вилоядта марксизм-ленинизм гоялари бўйича кечки университет ҳам ташкил этилиб, унда раҳбар ходимлар билан биргалиқда 64 нафар ўқитувчилар ҳам ўқиган.[10, 3] Бу тўғараклар иши билан қифояланмай,



дарсдан кейин ҳам сиёсий ўқишилар ташкилланди. Фарғона вилоятида ишлаётган 5963 ўқитувчидан 3000 мингтаси дарсдан кейинги сиёсий ўқишиларга жалб қилинди.[9, 51]

Ўзбекистон ССР Маориф Министрининг 1951 йил 8 февралдаги буйруғига асосан аҳоли ва фаоллар ўртасида тарғибот ишлари билан шуғулланадиган тарғиботчилар номзоди алоҳида эътибор билан кўриб чиқилган. СССР ва Ўзбекистон ССР Конститутциялари, коммунистик партия ва комсомол ташкилоти низомлари бўйича тушунтириш ишлари албатта катта тажрибага эга ўқитувчиларга топширилган. Тарғиботчиларга камида 2 йиллик иш тажрибасига эга ўқитувчилар олинган. Масалан Водил район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлимида ишлаётган 28 кишини 22 нафари ўқитувчилар бўлган. 1957-1958 ўкув йилида 540 киши тингловчи сифатида тўгаракларда ўқиган ва улардан 33 нафари аёл кишилар бўлган.[1, 19]

Саводсизликни тугатиш бўйича олиб бориладиган тарғибот ишларида хотин-қизларни таълимга тортишга кўпроқ аҳамият берилишга ундалди.[3, 65-68]

Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоятида 1951 йилда ўқитувчиларнинг сиёсий онгини ошириш мақсадида 404 та сиёсий тўгараклар очилиб, унга 5295 та ўқитувчи қамраб олинди.[8, 3]

1952 йил 21-22 феврал кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг X пленумида ўқитувчилар гоявий-сиёсий тарбиясини яхшилаш юзасидан чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Мактабларда марксизм-ленинизм асослари ўқитиладиган тўгараклар кўпайтирилди. Бу тўгаракларда билим бериш учун олий таълим муассасаси ўқитувчилари жалб қилинди. Ўқитувчиларнинг сиёсий онгини ўстиришда марксизм-ленинизм гоялари бўйича ташкил этилган кечки университетлар ҳам катта ишларни амалга оширди.

Тарғибот ишларига жалб қилинган фаол ўқитувчиларни таълимдан чиқариб олиб, маҳсус тарғибот бўлиmlарига ишга қабул қилинган. Лекин уларнинг кейинги тақдирлари, таълимга қайтишга ҳаракатлари самарасиз бўлди. Чунки фақатгина сиёсий янгиликлар ва партия гоялари билимдонига айланган ўқитувчи ўз фанидан йироқлашиб борди. Масалан архив хужжатларида Фарғона вилояти Ёзёвон тумани агитация-пропаганда бўлимида ишлаган Усмонова Маҳфузанинг аризаси сақланган. Ўқитувчилар институтини битириб, 1936-1952 йиллар давомида ўқитувчилик қилган Усмонова М туман агитация бўлимининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлимини бошқарганлиги, мактабга қайтиш учун берган аризалари қаноатлантирилмаётганидан шикоят қилган.[5, 3]

Ўқитувчилар томонидан олиб борилган тарғибот мавзулари турлича бўлиб, ҳатто "Чигитни квадрат уялаб экиш - юқори ҳосил олишни таъминлайди", "Дин ва унинг реакцион моҳияти" мавзуларида ҳам маъruzalар ўқишиган.[11, 4] Ҳар йили тарғиботчилар таркиби қайта кўриб чиқиб янгилаб турилган. Тарғибот ишлари учун кўпроқ ижтимоий-туманитар йўналишни битирган ўқитувчилар жалб қилинган. Масалан 1955 йилда Фарғона вилоятининг Кува туманида агитаторлар таркиби қайта кўриб чиқилиб, 161 нафар малакали ва сиёсий тайёргарлиги кучли бўлган ўқитувчилардан жалб қилинган.[6, 7]

Ўзбекистон ССР Коммунистик партиясининг таркиби 1961-1985 йиллар оралиғида 237 мингдан-640 минг кишига ўсди.[2, 5] Партия аъзоларини сонини кўпайиб боришида албатта тарғиботчилар роли катта бўлган. Республика сиёсий ташкилотлари томонидан халқ таълими ходимларини гоявий сиёсий онгини ошириш учун катта кураш олиб борилди. Фарғона вилояти тарғиботчи-ўқитувчилари томонидан 1964 йил давомида 528 марта маъruzalар ўқилган. Маъruzalарнинг 330 таси сиёсий мазмунга эга бўлиб, жами 3960 та одам



қатнашган.[8, 3] Жумладан, Фарғона вилояти Қувасой районидаги 5-мактаб ўқитувчилари Ленин номли колхозда тарғибот ишларини олиб боргандар. "Ўзбекистон - СССРнинг асосий пахта базаси", "СССРда социализмнинг иқтисодий ривожи" мавзусидаги маъruzалар ташкилланган.[12, 1]

Ўзбекистон ССР Марказий Комитетининг 1978 йил 14 июндаги "Республика аҳолисини атеистик руҳда тарбиялашни кучайтириш "ҳақидағи қарори[13, 2] асосида динга қарши кураш - атеизм авж олди.

Олий таълим муассасаларида илмий атеизм курсидан 24 соатли лекциялар ўтилди. Бу дарс соатлари 1988 йилдан бошлаб 36 соатга кўпайтирилди. Турмуш қураётгандан шаръий никоҳ, инсон вафот этганида таъзия ўқилишини ҳам танқид қилинди. Даврий нашрларда совет кишиси эскилик сарқитларига берилишини қоралангандар чоп этилди[14, 2]. Мактабларда илмий-атеизм гояларини қандай ўқитиш, эскилик сарқитларига қарши курашиш бўйича методик қўлланмалар чиқарилди. "Совет мактаби" ойлик журналида бу мавзудаги кўрсатмалар тез-тез чоп этиларди.

"Дин ва маориф", "Дин халқ учун афъондир" мавзулари кўп муҳокама қилинар эди. Мавзуга доир карикатуранлар чизилиб, ўқувчиларга кўргазма сифатида кўрсатилди. Қоронгу хонада бир қўлида тасбех, иккинчисида узун калтак ушлаган домла, ҳафтияк ўқиётган ўқувчилар энг кўп қўлланилган.

Аҳолида динга бўлган муносабат ва мавжуд муаммолар билан ҳисоблашилмаган. Ҳаттоқи атеизмга оид қўлланма ва дарслклар Москва - марказдан юборилган. Ўзбекистонда дастур тузиш учун рухсат берилмаган.

Ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида илмий атеизм бўйича дарслар қишики сессия вақтига кўчирилган. Дастурни ўзгариши юзасидан атеистлар ўз эътиrozларини билдириган. Яъни бундай камчилик натижасида ёш авлодни атеизм руҳида тарбиялаб бўлмаслигини айтишибди: "Биз оддий худосизлар ёки худога қарши курашувчиларни тарбияламаслигимиз керак. Атеистик тарбиянинг вазифаси чинакам инсонпарвар, ватанпарвар, интернационалист, ҳалол меҳнатчи, юксак аҳлоқий ҳамда эстетик маданиятга эга бўлган кишини, гражданинни тарбиялашдан иборат".

Қайта қуриш йилларида ҳам ўқитувчилар жамиятнинг зиёли қатлами сифатида фоя ва сиёсат тарғиботчилари бўлиб қолаверди. Уларга нисбатан катта маъулият юклаган ҳолда шундай таъкидланган: "Ўқитувчи - у партия аъзоси ёки партия аъзоси эмасми, бундан қатъий назар мактаб соҳасидаги қайта қуришнинг асоси экан, унинг ўзи биринчи навбатда, партия сиёсатини англаб етган, тушунган, уни ҳимоя қилишга қодир шахс бўлиши лозим. Ўқитувчи ўз сиёсий саводи, билими малакаси устида жиддий, индивидуал иш олиб бориш учун, ҳаракат қилиши керак"[14, 1]. Лекин Ўзбекистон мустақилликга эришиш арафасида мамлакатда юз берган иқтисодий ва сиёсий инқироз ўқитувчиларни фоя тарғиботчиси сифатида ролини пасайтириди. Чунки коммунистик фоянинг ўзи инқирозга юз тутди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда ўқитувчилар оммаси доимий равища давлат сиёсати билан ҳамоҳанг равища фаолият юритган. Ўқувчиларга билим бериш билан бирга тарғибот ишларини амалга оширишда бевосита, беминнат ёрдамчи бўлди. Таълим ва мутахассислиги бўйича ўз устида ишлашдан кўра, фоя тарғиботчиси вазифасини яхши уддалаши юқори баҳоланди. Оқибатда таълим сифати тушиб борди.



Фойдаланилган адабиётлар:

- [1]. Кадиров И. Развитие школ УзССР в послевоенный период.(1945-1962гг) - Ташкент, 1965. - Б 216 19- стр
- [2]. Усманов К. Партийное руководство формированием кадров интеллигенции в Узбекистане.(1961-1985 гг.). Автореферат. - Ташкент, 1989. - Б 39 С 5
- [3]. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, ф 94, р 7, ў 194. В 65-68 "Приказы производственные Министерства просвещение УзССР" том 1
- [4]. ФВДА, ПА, ф 1, р 7, ў 104, в 19 "Докладные записки о состоянии работ среди женщин"
- [5]. ФВДА, ПА, Ф1, р10, ў 94, в 3 "Жалобы, заявление трудящихся"
- [6]. ФВДА. ПА.Ф1, р 10, ў 95, в 7 "Справки о партийной работе среди женщин"
- [7] ФВДА, ф 716, р 1, ў 48, в 79 "Текстовые отчёты о работы Ферганского обкома профсоюза работников"
- [8]. ФВДА, ф 716, р 2, ў 22, в 3 Статистические отчёты обкома профсоюза работников просвещения за 1962-1964 г.
- [9]. ФВДА, ф1125, р.5, ў 72, в 51. Ферганский областной отдел народного образования 1950-1952 йиллар
- [10]. Фарғона область касаба союз комитети ўз ишида бурилиш ясамокда.// Ўқитувчилар газетаси - 1948 йил 28 июль - №30 - Б 3
- [11]. Бобоҷонов А. Ўқитувчилар колхозчилар орасида. //Ўқитувчилар газетаси. - 1955 йил 8 апрел - № 18 - Б 4.
- [12]. Қаюмов С. Ўқитувчи агитаторлар.//Ўқитувчилар газетаси. - 1955 йил 8 июль. - № 28 - Б 1
- [13]. Илфор агитаторлар. М.Жўраев.//Ўқитувчилар газетаси - 1979 йил 18 январ. - № 5 Б 2.
- [14]. Ҳайдаров Т. Қайта қуриш етакчилари.//Ўқитувчилар газетаси 1989 йил 1 феврал - №13 - Б 1
- [15]. Шарикова Н. Лекциядан кейин мачитгами?//Ўқитувчилар газетаси - 1987 йил 30 сентябрь. - № 77 - Б 2.



FALSAFA VA HAYOT SOHASIDAGI QARASHLAR. HIKMATLI DUNYO

Mahmudova Gulbahor Vohidovna Namangan viloyati Norin tumani Xalq ta'limi bo'limiga
qarashli

40-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Telefon: +998974686567

quyosh0817-@gmail.com

Tarbiya biz uchun yo hayot -yo mamot,
yo najot - yo halokat, yo saodat -
yo falokat masalasidir

Abdulla Avloniy

Annotatsiya: Ushbu maqolada komillikka erishish, yetuk inson g'oyasi buyuk allomalar asarlarida va qoldirgan adabiy meroslarida keltirilishi, Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan bugungi yoshlariga bildirilgan ishonchning ma'suliysi, buyuk allomalarning bilimni yoshlikda egallashning samarasi haqidagi fikrlari, uzoq umr ko'rishdan mazmunli umr ko'rgan buyuk ajdodlarimiz haqida ma'lumotlar va hikmatli fikrlar bilan yoritilgan.

Kalit so'zlar: Yosh avlodni yetuk inson qilib tarbiyalashda buyuklar o'gitlari, muallimlar zimmasidagi yuk, xalq orasidagi hikmatli so'zlar, Shavkat Mirziyoyev tarbiya haqida, Hikmat izlaganga hikmatli dunyo.

Inson Alloh taolo tomonidan jonzotlarning eng mukammali etib yaratildi. Komillkka intilish, yetuk inson darajasiga yetish uchun bajariladigan amallar azaldan buyuk bobokalonlarimizni o'z oldilariga qo'yan maqsadlari bo'lganini, ular yozib qoldirgan asarlaridan, ma'nodor hikmatli gaplaridan bilishimiz mumkin. Bunday allomalardan Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yugnakiy, Jaloliddin Rumiy, Imom Buxoriy, Az-Zamaxshariy, Moturudiy, Navoiy kabilarni misol qilib keltirishimiz mumkin.

Yosh avlodni yetuk inson etib tarbiyalash bugungi kunning eng asosiy mavzusi bo'layotgan bir paytda, ushbu maqsadga erishishning katta yuki muallimlarning zimmasidadir. Kimgadir bilim olishni o'rgatmoqchi bo'lgan shaxs eng avvalo o'zi kuchli bilim va tafakkurga ega bo'lmos'hish shart. Bu bilim va tafakkurni esa o'z ustida ishlash, ilmnинг noyob durdonalari bo'lgan asarlar mutolaa qilib, faoliyati davomida qo'llay bilish pedagog mahoratini, salohiyatini o'shishidagi eng to'g'ri yo'ldir. Xalq orasida "Ko'p o'qigan - ko'p bilar" va shu ma'nodagi tez-tez takrorlanadigan hikmatli so'zlar kecha yoki bugun paydo bo'lgan emas.

Mamlakatimizda yosh avlod tarbiyasiga alohida e'tibor va juda katta imkoniyatlar, sharoitlar yaratilmoqda. O'g'il-qizlarni zamonaviy bilim olishi, yuksak ma'naviyatli bo'lib ulg'ayishi uchun zarur sharoit yaratish borasidagi ishlar izchil davom ettirilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev o'z nutqlaridan birida "Agar mendan sizni nima qiyaydi?", deb so'rasangiz, "farzandlarimizning ta'lim tarbiyasi" deb javob beraman", deb aytgan fikrlari bejiz emas.

Prezidentimiz 2017-yil 15-iyun kuni Toshkentda bo'lib o'tgan "Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash - davr talabi" mavzusidagi anjumanda so'zlagan nutqida yuqorida fikrlarini davom ettirib, "Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala - bu yoshlarimizning odob-ahloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan ayganda dunyoqarashi bolan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ko'proq his etadigan kim - yoshlar. Mayli yoshlar o'z davri talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning



avlodimiz, degan savol ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobiga erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan", deya ta'kidladilar.

Har tomonlama rivojlanib borayotgan mamlakatimizda qaysi jabha borki yosh avlodni tarbiyalash uchun besfarq emasligin ko'ramiz. Lekin, bu ishlarda qaratilayotgan e'tiborlarga yarasha javob qaytarish uchun "Har bir inson har kuni qiladigan ishini xuddi birinch marta qilayotgandek qilishi kerak. Shundagina ishda rivojlanish bo'ladi". Prezidentimizning ushbu so'zlari ma'suliyatli o'z kasbini ustasi va halol muallimlarga ham yanada mas'uliyatli bo'lishga undasa ajab emas.

"Ota-onam boshqa mollionlab ota-onalar kabi, topgan tutganlarini, umrlarini farzandlarining ta'lim olishi va baxtli hayot kechirishi uchun sarf qilganliklari tufayli shu darajaga yetishdim.", deydi bugungi kunda siz va biz foydalanayotgan ma'lumotlar ombori Google kompaniyasi vitse-prezidenti Sundar Pichai.

"Yigitlikda yig' ilmning maxzini, Qarilik chog'i sarf qilg'ani" deb yozgan edi "Mahbub ul-qulub" asarida Alisher Navoiy. Bu bilan alloma, o'zbek xalqini "Yoshlikda o'rgangan ilm toshga oyilgan naqshdir" maqoli bilan bog'lab o'quvchilarda yoshligida bilim, hunar egallahning zavqi va foydasi haqida, insonga ota-onasi tomonidan qolgan boyliklari qachondir tugashi yoki yo'qotilishi mumkin, lekin ota-ona hamkorligida, to'g'ri tarbiya natijasida o'rgatilgan bilimni insondan vafoitiga qadar hech kim tortib ololmasligini hadislar, allomalar asarlari orqali misol keltirib tushuntirish bolada yoshligidan kitobga bo'lgan mehrini buning ijobatini esa yorqin keljagida ko'rish mumkinligini tushuntirish yosh avlod tarbiyasida juda ham muhim omildir.

"Garchand uzoq umr ko'rgan bo'lsalarda, ko'p odamlar g'o'r va tajribasizlardir". Abdulqosim Zamashshariy "Al-Kashshof" asarida keltirilib, "Xorazm faxri" nomi bilan mashhur adib, tavsir, hadis olimi bu so'zlari bilan inson uzoq umr ko'rishi mumkin, lekin umri davomida o'rnat oldigan, biror hislatini boshqa inson o'rganadigan ta'limi bo'lmasligi bu uning uchun besamar va bemaqsad umr kabitidir. Zamashshariyning bu so'zlarini "Aql yoshda emas - boshda" degan so'zlar, yoshgina Navoiy 2 bayt g'azali bilan yoshi ulug' Lutfiyni qoyil qoldiradigan asari haqida bolalarga so'zlash ularni bilmga bo'lgan chanqoqlik xissini kuchaytirishda bevosita sabab bo'lishi mumkin. Lekin aslida Lutfiy ham komillik darajasidagi o'z davrining buyuk allomasi, kelajak avlod uchun o'rnat bo'la oladiga shaxs ekanligini ham asarlari yordamida tushunturish ilm o'rganuvchi xotirasida kemtik bo'lmasligiga sabab bo'ladi.

"Yaxshi yashalgan har qanday umrni uzoq umr hisoblasa bo'ladi". Lenardo da Vinci italiyalik buyuk rassom, shoir, me'mor, haykaltaroshning ushbu so'zlarini inson peshonasiga qancha umr yozilganini faqat Alloha ayonligi, "hali ulguradi" yoki "hali ulguramanda" degan so'zlarini kundalik lug'atimizdan o'chirib, bizga berilgan har bir daqiqani unumli va yaxshi amallar qilishga sarflashimiz umrimizni uzaytirishi mumkin. Bu fikrimizni qaysi hadis bilan yoki qaysi alloma asarlaridan foydalanib ilm oluvchilaga keng yoritib berish mumkin? Buyuk ajdodlarimizdan Jaloliddain Manguberdi 33 yoshda, Navoiy 60 yoshida, Mirzo Ulug'bek 55 yoshida, Amir Temur 69 yoshida, Zahiriddin Muhammad Bobur 47 yoshida vafot etgan bo'lsada, ular qoldirgan o'gitlari va asarlarini kim o'qib hayotida amal qilsa kamolotga va ulardek buyuk insonlar darajasiga ko'tarilishi shubhasizdir. Chunki yuqorida nomlaini zikr etgan barcha ajdodlarimiz ilm o'rganishni yorug' chirogi bilan abadiy hayotda yashab kelmoqdalar.

Inson qachon samarali, mazmunli umr ko'rishi mumkin degan savolga birgina gap bilan "Hikmat izlaganga hikmatdir dunyo..." iborasi bilan javob berib, bu so'zlarimiz isboti tariqasida, ko'p ilm egallagan, ko'p asarlar o'qigan inson hayotda hech ham qoqilmaydi. Bilimli insonlar hayotida ko'ngilsizliklar, sinovlar bo'lmaydi deysizmi? Also yo'q. Balki bunday ilmli kishilar yomon insonlarga yoki noxush vaziyatlarga duch kelganlarida



ularga nisbatan qilgan nohaqliklaridan to'g'ri xulosa qilishga, tushkunlikka tushmaslikka, qaysidir o'qigan asarlarida shunga o'xshash holat yuz berganda, asar qahramoni qaysi to'ri yo'llardan borgani bu u inson uchun chorasiini o'ylab o'tiradigan vaziyat bo'lmasligini ko'rishimiz, barchamizni "Beshikdan to qabrgacha ilm izla", "Bu dunyoying obod bo'lishini istasang savdogar bo'l, U dunyoyim obod bo'lsin desang taqvodor bo'l, Ikki dunyoying obod bo'lishini istasang ilmli bo'l!" kabi hikmatlar ilmni qanchalik qadrli va tunganmas boylik ekanini ana shunday so'zlar bilan o'rgatish yosh avlodni yanada bilim keng fikrli yetuk insonlar bo'lishiga chorlab, bu dunyodan hikmat topishga undaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar va manbalar ro'yxati:

1. Sh.Mirziyoyev. 2017-yil 15-iyun kuni Toshkentda bo'lib o'tgan "Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash - davr talabi" mavzusidagi anjumanda so'zlagan nutqi.
2. A.Navoiy. Mahbub ul-qulub.-T.: Gofur Gulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti. 2010
3. Zamaxshriyning "Al-Kashshof" asari haqida internet ma'lumotlari.
4. www.ziyonet.uz



KITOB- INSON UMR YO'LLARINI YORITUVCHI SO'NMAS NUR

Sirdaryo viloyati Xovos tumani 10-umumiyl o'rta ta'lim maktabi
boshlangu ich sinf o'qituvchisi Raximova Sayyora,
Sirdaryo viloyati Xovos tumani 10-umumiyl o'rta ta'lim maktabi
boshlangu ich sinf o'qituvchisi Norchayeva Ma'mura.
snipe_shoot@inbox.ru

Anotatsiya: Kitob- inson umr yo'llarini yorituvchi so'nmas nur, inson hayotiga mazmun baxsh etuvchi saodat manbai, har qanday vaziyatda ham hamroh bo'lguvchi sodiq do'st. Insonning ruhiy-manaviy kamolotini taminlashda kitobchalik kuchli qudratga ega vosita yo'qdir. Shu boisdan azal-azaldan ma'rifat peshvolari, ahli donishlar butun insoniyatni kitob o'qishga, undan ilmu odob sirlarini o'rganishga chorlab kelishgan.

Kalit so'zlar: Kompyuter texnologiyalari, internet va axborot-kommunikatsiyalari vositalari va boshqalar.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan qabul qilingan Yoshlarning ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha 5 ta muhim tashabbuslarining aynan 4-tashabbusi yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlik madaniyatini keng targ'ib qilish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo'naltirilganligi yuqorida fikrning yaqqol isboti desam mubolag'a bo'lmaydi.

Ayniqsa, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan mazkur masalalrga davlat siyosati darajasida qaralib, samarali ishlarni yo'lga qo'yilayotgani quvonarli hol albatta.

Shuncha sa'y-harakatlar kim uchun? Albatta, biz yoshlar uchun, negaki, ertangi kunning egasi, kelajakning mustahkam poydevorlari biz yoshlar hisoblanamiz. Jahon hamjamiyatida sog'lom raqobat qila oladigan, sog'lom fikrlashga ega bo'ladigan, xorijiy innavatsion g'oyalarga ega bo'ladigan, zamonaviy ta'lim tizimini har tomonlama mustahkam tarzda targ'ib qila oladigan, bir so'z bilan aytganda yurtimizdagi har bir soxada faol buladigan, muhtaram Prezidentimizning har bir chaqiriqlariga labbay deb javob bera oladigan yoshlar bo'lishimiz uchun beminnat xazina hisoblangan ya'ni kitob hayotimizda muhim ahamiyat kasb etadi. Kitob, avvalo, hayotiy maktab, ma'naviyat manbai. U kitobxonni hayot bilan tanishtiradi, unda hayotni sevish, yashash mohiyatini anglash hislarini tarbiyalaydi. Atrof-muhitga, tabiatga ijobiy munosabatini shakllantiradi, inson xarakterining murakkabligini tushuntiradi, ruhiy qiyofaning rangin qirralarini kashf qilish qobiliyatini, ona Vatanga, xalqiga sadoqatl bo'lish tuyg'usini o'strradi. Badiiy adabiyot o'qish orqali kitobxonning badiiy idroki, mustaqil fikrlash qobiliyati, mutolaa madaniyati, Vatan taqdirlari uchun javobgarlik tuyg'usi tarbiyalanadi. Hoh badiiy kitob bo'lsin, hoh ilmiy lekin barcha kitoblarning xotimasida ezgulik yotadi, kitob inson kamolotini ezgulikka chorlaydi.

Yoshlar tarbiyasining barcha mezon va unsurlari, avvalo, oilada shakllantirilganidek, kitobxonlik madaniyatini tarbiyalashda ham oilaning o'rni nihoyatda kattadir. Qush uyasida ko'rganini qiladi, degan naqlga tayansak, bu mohiyat yanada dolzarb bosqichga ko'tariladi. Kitobxon ota-onalarning farzandi ham kitobgao'zgacha mehr ko'rsatadi., bu ma'naviyat xazinasiga tabiiy qiziqish va intilish tuyadi. Kitob dunyosiga oshufta, adabiy olamga hamnafas, badiiyatdan bahramand qalb egasi o'zidagi bu tuyg'u va fazilatlarni atrofdagilarga, ayniqsa, oilasiga ham yuqtirishi, singdirishi ehtimoli yuqori. Shu bois kitobxon avlod tarbiyasida, avvalo, ota onaning tarbiyali bo'lishi, badiiy adabiyotga oshno ekanligi muhim zaruriyatdir.



Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Shavkat Mirziyoyev. Xarakatlar strategiyasi.- Adolat nashriyoti. 112-bet. 2017.
2. Yoshlarga donolar o'giti/ tuzuvchilar: O.Salimov, Q.Qurbonboyev, M.Bekmurodov, L.Tangriyev, N.Xalilov,-Toshkent, G'afur-G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018-236 b



YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI - BU DAVLATNING DEMOKRATIK TARAQQIYOT YO'LI

Shamsidinova Shahnoza Sayfullayevna. Sirdaryo viloyati Xovos tumani 1-sonli umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

Suvanova Zumrad Abdisamad qizi Sirdaryo viloyati Xovos tumani 1-sonli umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi. 906461442

Annotatsiya: Mamlakatimizda yoshlar masalasi xar doim davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Yoshlarga oid davlat siyosati - bu davlatning demokratik taraqqiyot yo'lida rivojlanishida yoshlarni muhim strategik kuch sifatida tan olishi, zamonaviy dunyoda yoshlarning ehtiyojlari, ularning mavjud demokratik muhitga to'g'ri moslashuviga yo'naltirilgan qonunchilik va ijro etish xususiyatining yig'indisi hamda o'zining yoshlarga nisbatan boshqaruv va ijtimoiy funksiyalarini demokratik siyosiy tizim, xalqaro yohud milliy huquq normalari talabi darajasida to'liq bajarishidir. Yosh avlod vakillarining manfaatini, boshqa ko'pchilik qatlamlar vakillarining manfaatiga qarshi qo'ymasdan, umummilliyl manfaat bilan uyg'unlashtirish - yoshlar siyosatining asosiy vazifasidir.

Kalit so'zlar: ma'naviy-ma'rifiy sohalar, aqliy faoliyat, siyosiy tizim,

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda yoshlarni vatanparvarlik, milliy an'ana va qadriyatlarimizga hurmat ruhidha tarbiyalash, ma'naviy yetuk va jismonan sog'lom barkamol avlodni voyaga yetkazish, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida muayyan ishlar amalga oshirildi.

Mamlakatimiz aholisining 30 foizi 14 dan 30 yoshgacha bo'lgan yoshlardir. Ularning ta'lif olishi, kasb-hunar egallashi uchun zamonaviy sharoit va imkoniyatlar yaratilgan. Shu bilan bir qatorda, yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazishni tashkil etish dolzarb masala hisoblanadi. Ma'lumki, davlatimiz rahbari ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edi. Yoshlar qanchalik ma'naviy barkamol bo'lsa, turli yot illatlarga qarshi immuniteti ham shuncha kuchli bo'ladi.

Biz pedagoglarning oldimizga muhim vazifa qilib, kuchli bilimga ega bo'lgan, o'z mutaxasisligi bo'yichayangilik yarata oladigan, yetuk marralarga erishishmi maqsad qilgan yosh kadrlarga ta'lif-tarbiya berish qo'yilgan. Inson tafakkuri faoliyat davomida shakllanadi. Shuning uchun o'quv amaliyoti oldida o'quvchilarini aqliy faoliyat usullarining o'ziga o'rgatish vazifasi qo'yiladi. Bu bilan bog'liq ravishda o'rganish bir vaqtning o'zida bilimning to'planishi va undan foydalanish usullarini o'zlashtirish jarayoni sifatida tavsiflanadi.

Usullarni o'zlashtirish, birinchidan, o'quvchilarining ular bilan tanishuvi orqali, ikkinchidan, mashqlar - turli materiallarda aqliy faoliyatning mos keluvchi usullarini qo'llash orqali, uchinchidan, ko'chish - yangi masalalarni hal etish uchun usullarni tatbiq etish orqali ro'y beradi.

Shunday qilib, aqliy faoliyatning shakllanish yo'li taxminan shunday: usul mazmunini o'zlashtirish - mustaqil ravishda uni qo'llash - yangi vaziyatlarga tatbiq etish hisoblanadi.

Bugungi kunda amalga oshirilgan tadbirlar tahlili yoshlarning keng qatlamlariga daxldor bo'lgan dolzarb masalalar, ayniqsa uyushmagan yoshlarning hayotda o'z o'rnini topishi uchun munosib sharoit yaratish, har tomonlama qo'llab-quvvatlash, kasbga yo'naltirish va bandligini ta'minlash, tashabbuslarini rag'batlantirish borasidagi ishlarga asoslangandir.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Qodirov B.R. Sinf zukkolarini tanlash metodikasi (Yosh iste'dodlarini izlaymiz): Metodik qo'llanma. T., 1998.
2. G'oziev E.G'. Psixologiya (Yosh davrlari psixologiyasi). T., 1994.
3. G'oziev E.G'. Umumiy psixologiya: darslik. I, II kitob. T., 2002.



БИЛИМГА НАЗАР

Рахмонова Зилфия Рахматовна
Сирдарё вилояти Оқолтин тумани
1-умумтаълим мактаби бошлангич синф ўқитувчиси
998996832644

Аннотация: Билим оламнинг тафаккуримизда акс этишиидир. Билим кенг маънода тасаввур, тушунча, назарияларнинг йигиндисидан иборат. Тор маънода эса билим бирор нарса, воқеа, ҳодиса, олам, табиатни, инсонни тушуниши ва бирор ишни амалга ошириш имконини берувчи ахборотдан иборат. Оддийгина қилиб айтганда билим бу дунёни англашга, тушунишга сўнгра эса тўғри фаолият олиб боришга ёрдам берувчи дастурлар амал, яъни оддий сўз билан айтганимизда биз учун дастурдир.

Калим сўзлар: Билим, ривожланиш, таълим ва бошқалар

Биз доимо билим зарур эканлигини англаймиз, тушунамиз, таъкидлаймиз. Болаларимизга билимли бўлиш зарурлигини уқтирамиз. Хўш, билим ўзи нима дегани? Инсоният тараққиёти исботлаб турибдики, билим доимо инсонга ривожланиш, хавфсизлик, ривожланиш имконини бериб келган. Айниқса, сиз ва биз яшаётган жуда ҳам ўзгарувчан, мураккаб даврда билим ҳар қачонгидан ҳам зарур ресурсга айланиб бормоқда! Масалан, ҳар куни жаҳонда янги бир технологик ўзгариш ва ихтиrolар ҳақида эшитамиз, кўрамиз. Керак бўлса, тобора мураккаб технологиялардан фойдаланамиз. Давримизнинг ўзгарувчанлигининг асосида ҳам аслида билимлар ётибди. Янги бир телефон, компьютер, турли ахборот технологиялари бизга беминнат хизмат қилмоқда. Борадиган жойимизни яқин, манзилимизни яқин, этказадиган хабаримизни тезлаштиради. Корхоналарда ҳам компьютер ва интернет хизматларидан фойдаланамиз. Болаларимиз мактаб ва бошқа таълим даргоҳларида ҳам маълум маълумотларни олиш, ўқиш, ўрганиш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланадилар. Кўйингки, ҳар биримиз учун ахборот технологияларидан фойдалана олиш заруриятга айланиб бормоқда. Бу технологиялар ҳам билимлар асосида яратилган ва маълум билимлар асосида ишлатилади. Мураккаб даврда яшаябмиз деб айтиб ўтдик. Давримизнинг мураккаблиги шундаки, бутун дунёда яшаш ва ишлаш учун кўпроқ ва сифатлироқ билим олиш зарур бўлмоқда. Замонавий инсондан у қайси касбда бўлмасин сифатли таълим талаб этилмоқда. Шу сабабли ҳозирда билим олиш узлуксиз, бир умрлик жараёнга айланиб бормоқда. Биз яшаётган даврнинг яна бир хусусияти, доимо жамият, давлат ривожланиши учун янги билимларнинг зарур бўлиб бораётганидир. Шу сабабли ривожланган давлатлар тобора билим жамияти сари бораётганларини олимлар таъкидламоқдалар. Бундай жамиятда кимнинг билими сифатли, муккаммал бўлса, яхши ва сифатли ҳаёт кечириш имкониятига кўпроқ эга бўлади. Билимларини кўпроқ намоён этса, улардан амалда фойдаланса, яхши даромадга, обрў эътиборга эга бўлади. Оиласи, халқи ва жамиятга кўпроқ фойдаси тегади. Масалан, билими яхши бўлганлиги сабабли кредит олиб бирон кичик корхона очиши, кишиларни иш билан таъминлаши пировардида рўзгорини гуллатиб юритиши мумкин. Ёки яхши доктор бўлса, кўпроқ беморлар унинг қабулига келишга интилади, натижада маблағи ҳам кўпроқ бўлади. Фарзандимиз яхши маблағ ва обрў эътиборга эга бўлади. Бундан фарзанд, ҳоҳ ўғил бўлсин, ҳоҳ қиз ўзи ҳам, унинг оиласи ҳам, қолаверса жамият ҳам, давлат, қолаверса бутун дунё ҳам наф кўради. Чунки яхши билимга эга бўлган, тилларни муккаммал билувчи фарзандларимиз дунёнинг исталган жойида бемалол ишлаши, ҳамкаслари билан



рақобатлашиш имкониятига эга бўлади. Яъни дунёда рақобатбардош мутахассис бўлади. Буюк аждодларимиз, улуғ мутафаккир олимларимиз қадимдан билим олишга катта эътибор қаратганлар. Билим баҳт қалити, ҳаётни ёритиб турувчи нур сифатида эъзозланган.

Демак, билимдан тўғри фойдаланиш инсонга тўғри, баҳтли яшаш имкониятини беради. Кўпинча билимли аммо ночор бўлиб қолган кишиларни учратамиз. Инсоният тўплаган бебаҳо ҳаётий тажриба, донишмандлар исботлаб турибдики, инсон билимини амалиёт билан боғлай олмаса, Бедил айтганидек, ортиқча тош бўлиб қолади. Демак, билимни аҳлоқ ва амал билан боғлай олишимиз зарур экан. Шундай экан, фарзандларимизга қандай билимлар беришимиз, қандай усулларда беришиимиз бугунги куннинг энг долзарб, муаммоси десак, хато бўлмайди!

Фойдаланилган адабиётлар:

1."Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни"

Тошкент 1997 йил.

2. Maqola/uz



ЖАМИЯТНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Зулфияхон Арипова Солижоновна
Фалсафа фанлари номзоди, доцент.
Андижон машинасозлик институти
+998 (93) 426-10-20

Аннотация

Мақолада жамиятнинг демократлашуви жараёнида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш масаласига қаратилган. Шунингдек, кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат тизими니 такомиллаштириши мақсадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа масалалар ифодаланган.

Калим сўзлар:

Жамият, демократия, эҳтиёж, ижтимоий ҳимоя, тинчлик, патранаж ҳамиширалар, касаллик профилактикаси, онкология диспансерлар, халқаро молиявий тузилма, кредит, грант, ҳуқуқ, нодавлат ташкилот, оила.

Тараққиётимизнинг бугунги босқичида ижтимоий соҳанинг аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни қучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш масалаларига янада эътибор қаратилмоқда.

Узбекистонда 2010-2015 йиллар мобайнида кексалар ва пенсионерлар учун мўлжалланган 12 та Саховат ва Муруват интернат уйлари моддий-техника базалари, 14,6 минг ёлғиз кексалар, пенсионер, ногиронларнинг туаржой шароитлари яхшиланди, 5,4 минг одам реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди, 6,4 минг ногирон ва пенсионер санаторияларда соғлиқларини тиклашди. Кўрсатилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг умумий ҳажми 132,2 миллиард сўмни ташкил этди [1,173].

Жамиятнинг демократлашуви жараёнида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш учун "Нуроний" жамгармаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг манзиллилигини таъминлаш, кекса ёшдагилар, имконияти чекланган одамлар ва ёлғиз кексаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини кўтаришни, шунингдек жойларда туман ва шаҳарлар аҳолисининг замонавий диагностика ва даволаниш услубларидан фойдаланиш имконларини таъминлайдиган тубдан янги ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, тинчлик ва осойишталиктни таъминлаш соҳасида катта авлод вакилларининг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 28 декабрь куни "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамгармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"[2]ги Фармон ҳамда "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада



такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"[3]ги Қарорнинг қабул қилиниши бу борада ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилиши бўлди. Мазкур фармон ва қарорда оқсоқоллар, кексалар ва фахрийларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш, жойларда кексалар турмуш сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб- қувватлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ёлғиз ва муҳтоҷ кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатиш, "Нуроний" жамғармаси марказий аппаратини, унинг вилоят ва туманлардаги бўлинмаларини моддий қўллаб-қувватлаш, "Нуронийлар маскани" комплексларини яратиш, касалликларни ўз вақтида аникдаш ва даволаш учун 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларнинг барчаси ихтисослаштирилган тиббий бригадалар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилишини тъминлаш, бириклирилган патронаж ҳамширалари томонидан саломатликлари устидан доимий назорат орқали кекса ёшдаги фуқаролар орасида касалликлар профилактикаси чораларини кенгайтириш, 15,5 минг ёлғиз кексаларнинг турмуш сифати ва даражасини уларга шахсий ижтимоий ходимларни бириклириш ошириш, кекса ёшдаги шахсларни тўловсиз асосда даволаш ва соғломлаштириш кўзда тутилган. Шу муносабат билан республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига 20 минг ва вилоятлардаги тиббиёт муассасаларига 215 мингдан зиёд, жами 178,9 миллиард сўм миқдоридаги ордерлар ажратиш кўзда тутилган. Жойлардаги барча тиббиёт бирлашмалари ва муассасаларини, шунингдек, барча вилоятлардаги онкология диспансерларини умумий миқдори 108,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тегишли замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, кексалар ва ногиронларнинг 23 та "Саховат" ва "Мурувват" уй-интернатлари моддий-техник базасини умумий миқдори 207 миллиард сўм ҳажмда мустаҳкамлаш мазкур фармон ва қарор ижросида ўз аксини топди.

Ушбу ишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастурни молиялаштиришга 688,2 миллиард сўм йўналтирилади, шунингдек, халқаро молиявий тузилмаларнинг 108,7 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ва грант маблағларини жалб этиш кўзда тутилган [4].

Бундан ташқари, 2016 йил 26 декабрда "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун моҳияти аҳолининг ҳожатманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек, ушбу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий ҳимоя соҳаси тизимидаги асосий тушунчаларни белгилашга қаратилган бўлиб, унда ижтимоий хизматларни аниқ ва манзилли амалга ошириш, эҳтиёжманд шахсларга ёрдам кўрсатиш, уларга бошқа фуқаролар билан бир қаторда жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятларини яратиш ва уларнинг одатий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда тъминлаш бўйича комплекс хуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимий, тиббий, реабилитацион ва бошка чораларни амалга ошириш назарда тутилган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ эҳтиёжманд қатламлари ҳимоясини кафолатлаш бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган устувор вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Хусусан, бу масала 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида тўла ўз аксини топди.

Дастурда кекса ёшдаги аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларнинг



жамиятдаги мавқеини юксалтириш мақсадида 2017 йил давомида "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида кекса ёшдаги фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг қамровли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жамият, оиласлар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталиктни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини хурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини оширишга эришиш назарда тутилди. Мазкур тадбирлар учун ижрочилар маблағлари ҳисобидан 200 миллион сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда[5].

Мазкур йўналишда кекса авлодни қўллаб-қувватлаш ва манзилли ижтимоий ҳимоясини, кенгайтириш борасида иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг масъулиятини ошириш назарда тутилмоқда. Хусусан, бунда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кекса авлод вакилларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 минг нафар пенсия ёшидаги шахсга пенсияга чиқишидан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совгалар билан тақдирлаш, 14 минг нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совгалар топшириш, 55 минг нафар ишламайдиган пенси- онерга (корхоналарнинг собиқ ходимларига) моддий ёрдам бериш кўзда тутилган. Мазкур ишларни амалга ошириш учун иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 7 миллиард, Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Кекса ёшдаги аҳоли саломатлигини тиклаш ва уларга сифатли тиббий-ижтимоий хизмат қўрсатишни янада самарали ташкил этиш мақсадида 2017 йилда мамлакатимиз ҳудудларидаги ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш бўйича комплекс чоралар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 49 миллиард 312 миллион сўм маблағ йўналтирилади [5].

Шундай қилиб, жорий йилда Ҳаракатлар дастурида ҳақикатан ҳам эҳтиёжманд ва давлат кўмагига муҳтоҷ бўлган кам таъминланган оиласларни аниглаш, уларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш, вақтинчалик яшаш жойи бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш тартибини белгилашда қулайликлар назарда тутган ҳолда, кам таъминланган оиласларга ижтимоий нафақалар ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда [5]. Бу ўз ўринда ижтимоий ҳимояни манзилли равишда ташкил этиш учун ҳуқуқий база яратилишига ҳизмат қиласи - деб таъкидлайди, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз сўзида.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Тошкент. "Маънавият" - 2017. -Б. 173.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4906-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги



"Кексаларни ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2705-сон қарори.

4. Кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш кучайтирилади. - <http://www.gazeta.uz/uz/2016/12/29/keksalar>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ-4947-сон Фармони, 214, 216, 217-бандлар.



АНТРОПОНИМЛАР МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ БИРЛИК СИФАТИДА

ЯРАШОВА НАСИБА ЖУМАЕВНА,
Навоий давлат педагогика институти, ўқитувчи
yarashovanasiba9009@gmail.com
Tel. раqami: 99 891 926 89 66

Аннотация: Ислар ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, уларда жамиятнинг маданияти ва ижтимоий ҳаёти акс эттирилган бўлади. Ислар маълум бир шахснинг авлоди, унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳам хабар беради. Ҳар бир исм маълум бир сабабларга кўра пайдо бўлади. "Бир-биридан ажралмас амалий ва назарий вазифаларнинг мавжудлиги билан антропонимика баҳтлидир".

Калим сўзлар: Абдураҳмон, Абдурасул, Абдулазиз, Абдумўмин, Тангриқул, Аҳмадқул, Эсонқул, Эшонқул, Орзиқул.

Исл инсон ҳаётида муҳим аҳамият қасб этади. Ўзбек халқида ҳам исмларнинг ўрни ва моҳияти жуда улуғланади. Бола туғилгач, унга яхши ниятда исм танланади. Бу, албатта, номинаторлар, яъни исм қўювчилар томонидан амалга оширилади.

Э.Бегматовнинг таъкидига кўра, антропонимларнинг инсон хоҳиши ва фаолияти билан боғлиқ эканлиги, уларда инсоннинг эҳтиёжи ва ижоди намоён бўлиши, инсон номида қадимий давр кишиларининг маданий-маънавий ва этник қарашлари ўз ифодасини топганлиги, умуман, исмлар халқнинг ижтимоий-иктисодий ҳамда маданий-майший турмуши билан боғлиқ эканлиги уларни антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этиш учун асосодир .

Маълум бир тилдаги ономастик бирликлар шу тилда сўзлашувчи халқ вакилларининг тарихи, маданияти, урф-одатлари, адабиёти билан боғлиқ томонларини ўзида акс эттириши билан ажралиб туради. Зоро, бадиий адабиётда қўлланган антропонимлар ижодкорнинг бадиий-естетик қарашларини намоён этиб, турли поэтик вазифаларда қўлланиши мумкин.

Ўзбек исмлари тизимининг катта қисмини диний тушунча, тасаввур ва ақидалар билан боғлиқ бўлган исмлар ташкил қиласди. Бу жиҳатдан ҳам исмларни бир нечта гуруҳга ажратишимииз мумкин:

Болага диний руҳдаги исмлар, яъни пайғамбарлар, уларнинг яқинлари ва саҳобалари номлари билан боғлиқ ҳолда исм қўйиш ўзбек халқига хос анъаналардандир: - Расулжон, Юсуф, Мария, Ойша, Умаржон, Усмон, Али. Масалан: Биргалашиб бориб, Али Усмоновичга Кримга бора олмаслигимни ётифи билан тушунтирдим. ("Сариқ девни миниб". 376-бет) // -Катта синглим Ойшахон тўртинчи синфда ўқиёди. ("Сариқ девни миниб", 16-бет) // - Уста Усмон Акромов номида сартарошхона очадиган бўлдим. ("Сариқ девни миниб", 453-бет) // - Мария Павловна ҳам ёлвориб кўрди бўлмади. ("Беш болали йигитча", 282-бет) Бу билан фарзанд Оллоҳ таолонинг марҳамати билан дунёга келди, умри узун бўлсин, худо ёрлақасин деган ният қилинган.

Болага Ислом динининг муқаддас, хосиятли ойлар, кунлар ҳақидаги гояларини ифода қилувчи сўзлардан ясалган исмлар қўйилган: - Сайд, Хўжа, Ҳожи, Намоз, Рамазон, Муҳаррам, Ҳайитвой каби. Бир бор экан, бир йўқ экан, Ҳайит калла деган бир афанди бўлган экан... ("Беш болали йигитча", 13-бет)

Болага Аллоҳнинг бандаси, қули, хизматкори деган маънони англатувчи исмлар қўйилади. Бундай исмларни алоҳида сўзлардан ёки компонентларидан бирида абду-, -қул, -гулом иштирок этган номлар ташкил қиласди: - Абдураҳмон, Абдурасул, Абдулазиз, Абдумўмин, Тангриқул, Аҳмадқул, Эсонқул, Эшонқул,



Орзиқул. Абдурасул деган йигит учінчи қаватдан икки хонали шинамгина үй сотиб олди. ("Жаннати одамлар". 217-бет) // - Аҳмадқұл бобомга ўхшаб тиловат қилиб ўқийми? ("Жаннати одамлар". 196-бет)

Бадиий матндарынан бу жиҳатдан тадқиқ қилиш шуни күрсатады, антропонимлар миллатнинг, халқнинг миллий урф-одат ва анъаналари, дунёқараши, маданиятини ўзида акс эттира олади. Исмлар шахсларни ўзаро фарқлаш эҳтиёжидан ташқари ижтимоий-лисоний вазифасига қўра исм берувчилар (номинаторлар)нинг муайян мақсадини ҳам ифодалайди. Мана шу мақсад болага исм танлаш ва ясаш учун асосий, етакчи мотив ҳисобланади.

**TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 16-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(2-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шоҳруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.05.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000